

ВЕСТНИК  
Высших учебных курсов  
Генеральной прокуратуры



BULLETIN  
of the High training courses  
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари

# АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги  
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



[www.vuk.uz](http://www.vuk.uz)

№2 (18)  
2014



# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари

## Тахрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров  
Светлана Ортиқова  
Ниғматилла Йўлдошев  
Нуриддинжон Исмоилов  
Зоҳид Дўсанов  
Ҳақимбой Халимов  
Шухрат Узақов  
Шухрат Мустафаев

## Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

## Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

## Тахрир ҳайъати:

Аббосхон Сангинов  
Мухтор Зоиров  
Музаффар Мамасиддиқов  
Бобоқул Тошев  
Матлюба Аминжанова  
Фаҳри Раҳимов  
Фурқат Шодманов  
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Тахририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

## Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,  
Тараққиёт кўчаси 59-уй

## Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz  
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Буюртма №  
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»  
МЧЖ ҚК босмахонасида  
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Авлиё ота кўчаси 7-уй.

## МУНДАРИЖА

### С.РАШИДОВА

Формирования культуры прав человека в Узбекистане: опыт и перспективы

1

### С.ДЖАКБАРОВ

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари

5

### Э.ТАДЖИЕВ

Жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштиришда енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш

9

### Н.МУХТОРОВ

Правовая экспертиза проектов актов законодательства в судебно-правовой сфере

11

### М.ЗИЯДУЛЛАЕВ

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим масалалари

16

### Ш.АБДУҚОДИРОВ

Товламачилик жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик асослари

20

### Б.МУРОДОВ

Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари

23

### А.ОДИНАЕВ

Пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларига жазо кучайтирилди

28

### К.НИГМАТОВ

Роль проведения мониторинга исполнения законов направленного на устранение недостатков в судебном законодательстве

31

### Т.АЗАМАТОВ

Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашнинг ҳуқуқий асослари

35

### М.ЯКУБОВ

Давлат бошқарув идоралари ахборот ресурслари конфиденциаллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

39

### Ф.МУХИДДИНОВА

Ёшлар онгида оммавий маданиятнинг таъсирига қарши курашишда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг тутган ўрни ва аҳамияти

45

### М.РАХИМОВА

Европа Иттифоқи мамлакатлари амалиётида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги масалалари

50

### Г.ХУДАЙБЕРДИЕВА

Ўзбекистонда турдош ҳуқуқларга оид қонунчиликнинг ривожланиш йўллари

54

### Э.ҚОДИРОВ

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш — мамлакатни модернизациялаштиришнинг муҳим омили

58

### Ш.МАТЧОНОВ

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни либераллаштириш масалалари: муаммо ва ечим

61

### И.ФАЗИЛОВ

Одам савдосининг жабрланувчисини алдов, мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод қилиш: таклиф ва илмий асослар

65

### С.АЧИЛОВ

О нравственной экспертизе нормативно-правовых актов

68

### Суд амалиёти

Хорижий адабиётларнинг шарҳи

72

Илмий-амалий конференция

80

Янги китоблар

82

83

Сайёра РАШИДОВА,  
Уполномоченный Олий Мажлиса Республики Узбекистан  
по правам человека (Омбудсман)

## ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В УЗБЕКИСТАНЕ: ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ

- ◆ Мақолада Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг қонунчилиги, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ушбу соҳадаги фаолияти таҳлил этилган.
- ◆ В статье анализируется законодательство Республики Узбекистан по формированию культуры прав человека, а также деятельность уполномоченного по правам человека в данной сфере.
- ◆ The article analyzes the legislation of the Republic of Uzbekistan to promote a culture of human rights, as well as the activities of the ombudsman in this area.

**Таянч сўзлар:** Омбудсман, фуқаролик жамият, сиёсий ва ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқлари маданияти.

**Ключевые слова:** Омбудсман, гражданское общество, политическая и правовая культура, культура прав человека.

**Key words:** Ombudsman, civil society, political and legal culture, the culture of human rights.

Провозгласив курс на строительство демократического, правового государства, Узбекистан объявил высшей ценностью общества человека, его права и свободы. Для того, чтобы эти высокие принципы стали подлинными ориентирами развития общества, в стране была разработана и последовательно осуществляется выверенная государственная политика обеспечения прав и основных свобод человека.

Как показали годы независимости, постепенное и поэтапное реформирование общества, позволили Узбекистану за относительно короткий срок на основе собственной "узбекской модели" развития построить фундамент национальной государственности, основанной на принципах верховенства закона, разделения властей, обеспечения и защиты прав и законных интересов граждан.

"Одним из ключевых приоритетов демократического обновления страны является последовательная демократизация, либерализация судебно-правовой системы, направленная на обеспечение верховенства закона, законности, надежную защиту прав и интересов личности, говоря коротко, — формирование правового государства

и правосознания людей", — отметил Президент Узбекистана Ислам Каримов в своем докладе на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан "Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране".

Процессы модернизации и обновления всех сторон общественной жизни, формирования гражданского общества в Республике Узбекистан неразрывно связаны с качественными изменениями в сознании наших граждан. Важная роль в этом процессе принадлежит формированию политической и правовой культуры личности, гуманистических нравственных ориентиров, культуры прав человека.

Значение культуры прав человека и образования в области прав человека с целью воспитания законопослушной личности и развития гражданского общества постоянно находят своё отражение в международных документах. Генеральной Ассамблеей ООН принята Всемирная программа образования в области прав человека, в которой раскрывается содержание понятия "образование в области прав человека", которое

тесно связано с культурой прав человека, "...образование в области прав человека может быть определено как усилия по образованию, обучению и информированию, которые предпринимаются для создания всеобщей культуры прав человека путем обмена знаниями, привития навыков и формирования позиций, которые направлены на:

- укрепление уважения прав человека и основных свобод;
- всестороннее развитие человеческой личности и чувства человеческого достоинства;
- содействие взаимопониманию, терпимости, равенству мужчин и женщин и дружбе между нациями, коренными народами и расовыми национальностями, этническими, религиозными и языковыми группами;
- обеспечение для всех людей возможности эффективно участвовать в жизни свободного и демократического общества, в котором господствует право;
- строительство и поддержание мира;
- обеспечение устойчивого развития в интересах общества и социальной справедливости.

Для нашей страны культура прав человека и правовая культура достаточно новое явление, которое требует своего изучения как сложного комплексного явления, определения его роли в обществе и проблем формирования.

В целях повышения уровня правовой культуры населения, устранения факторов, препятствующих ее развитию, государством были разработаны направления и определены формы деятельности по формированию в стране правовой культуры. Для этого на первых этапах нашей независимости в 1997 году была принята Национальная программа по повышению правовой культуры в обществе, направленная на создание всеохватывающей постоянно действующей системы формирования правовой культуры с тем, чтобы все слои населения овладели правовой грамотностью, достигли высокого уровня правосудия, могли применять правовые навыки в повседневной жизни.

В повышении конституционного правосознания населения, воспитании и развитии правового сознания, мышления и культуры молодого поколения в 2001 году было принято Распоряжение Президента Республики Узбекистан "Об организации изучения Конституции Республики Узбекистан".

Многотысячным тиражом издаются более двадцати специализированных журналов и газет правозащитной тематики, во всех школах, колледжах и лицеях, высших образовательных учреждениях изучаются правовые основы защиты прав человека.

Таким образом, в стране сформирована и развивается система непрерывного просвещения

в области прав человека и формирования правовой культуры общества.

О повышении правового сознания нашего населения в период с обретения Республикой Узбекистан независимости можно судить и по характеру обращений, поступающих в адрес Уполномоченного Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека. Институт Омбудсмана, являющийся внесудебным органом защиты прав человека, был создан впервые в странах СНГ в 1995 году по инициативе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова.

Парламентский омбудсман является конституционным органом по защите прав человека. Омбудсман при осуществлении своих полномочий является самостоятельным и независимым от государственных органов и должностных лиц, и ежегодно представляет доклады парламенту.

В ежегодном докладе парламенту Уполномоченный по правам человека Олий Мажлиса Республики Узбекистан обращает внимание на причины, приводящие к нарушениям прав и законных интересов граждан, в частности, недостаточная правовая грамотность должностных лиц государственных органов, сотрудников суда и правоохранительных структур, недостаток знания законодательства в области прав человека, с другой стороны недостаточная правовая культура граждан. Указанные проблемы позволяют сделать вывод о недостаточной сформированности необходимого для стабильного демократического и правового государства и развитого гражданского общества уровня культуры прав человека в деятельности органов государственной власти и управления.

За 18 лет деятельности к Уполномоченному по правам человека поступило более 120 тысяч обращений граждан и, как показывает анализ, за последние четыре года характер обращений граждан изменился. Изменения характера жалоб еще раз отражают результаты проводимых реформ в судебно-правовой сфере и процессов формирования сильного гражданского общества, а также наглядно свидетельствуют о повышении правовой культуры населения, которое все чаще использует правовые средства защиты своих прав и интересов. В своих обращениях граждане указывают не только нарушения различных категорий прав, но конкретных должностных лиц органов государственной власти и управления на местах, допустивших такого рода нарушения.

Культура прав человека выражает долгосрочные перспективы и направления развития общества и права, представляет собой новый пласт правовой культуры, поэтому формирование культуры прав человека требует целенаправленной деятельности государства и гражданского общества.

Можно говорить о том, что первый этап — этап повышения правовой культуры населения завершен. И перед нами стоит задача по претворению в жизнь нового этапа правового просвещения — это формирование культуры прав человека.

Утверждение культуры прав человека в современном гражданском обществе предполагает преодоление правового нигилизма, признание прав человека в качестве основы взаимоотношений в любом коллективе, организации, сообществе, а также недопустимость дискриминации, соблюдение и защиту основных прав человека, доступность, прозрачность и эффективность международных, государственных и негосударственных механизмов их защиты.

Основные направления формирования культуры прав человека в деятельности органов государственной власти и управления четко представлены в докладе Президента Республики Узбекистан И.Каримова "Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране".

Во-первых, Глава государства предлагает разработать целевую комплексную программу мер, направленную на кардинальное улучшение правового образования и просвещения в стране, поскольку, как отметил Глава государства "Высокая правовая культура — основа демократического общества и показатель зрелости правовой системы". Президент Республики Узбекистан нацеливает направить усилия на формирование у населения уважительного отношения к правам и свободам человека, законопослушного поведения граждан.

Во-вторых, важное значение в обеспечении прав и свобод граждан имеет обеспечение свободы слова и информации, причём особо следует выделить, как отметил Президент Республики Узбекистан, правильную расстановку приоритетов во взаимоотношениях между СМИ и государственными органами власти.

Для цели усиления общественного и парламентского контроля будут способствовать предлагаемые законопроекты "О СМИ", "О Парламентском контроле", "Об общественном контроле", "О принципах и гарантиях свободы информации", в новой редакции.

В-третьих, большое значение для формирования культуры прав человека имеет политическая культура граждан, обеспечение их прав свободы выбора, их прав участия в управлении делами государства и общества. Этим вопросам посвящен особый IV раздел "Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране".

С целью осуществления контроля граждан общества за исполнением актов законодатель-

ства органами государственной власти предлагается создание новых Законопроектов "Об общественном контроле в Республике Узбекистан", создания механизмов взаимодействия институтов гражданского общества с государственными органами власти и управления — "О социальном партнерстве".

В-четвертых, одним из приоритетов формирования культуры прав человека Президент Республики Узбекистан И.Каримов в своем докладе на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан "Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране", предложил разработку национальной программы действий в области прав человека, предусматривающей "В этом плане представляется актуальной разработка Национальной программы действий в области прав человека, предусматривающей меры по осуществлению общественного мониторинга за соблюдением законов, прежде всего правоохранительными и контролирующими органами, в сфере обеспечения защиты прав и свобод человека, формирования культуры прав человека в обществе".

В целях реализации указанных направлений Уполномоченный по правам человека проводит систематическую работу по повышению правовой грамотности населения. Так, в течение 2011-2013 года в рамках заключенного Соглашения о сотрудничестве между парламентским Омбудсманом и Министерством внутренних дел Республики Узбекистан при содействии представительства Фонда имени Конрада Аденауэра в Узбекистане проводится цикл конференций-семинаров по теме: "Обеспечение законных интересов и свобод граждан Узбекистана через повышение культуры прав человека в деятельности правоохранительных органов и институтов гражданского общества", а также проведен цикл семинаров, посвященных вопросам общественного контроля за деятельностью государственных органов и должностных лиц, в котором приняли участие как представители государственных структур, так и неправительственных организаций.

На конференциях-семинарах были обсуждены международные стандарты деятельности органов правопорядка, проблемы имплементации норм культуры прав человека в практическую деятельность сотрудников силовых ведомств, усиления взаимодействия органов самоуправления граждан с правоохранительными структурами, а также прошло обсуждение вопросов повышения эффективности общественного контроля, сотрудничества региональных представителей Омбудсмана с институтами гражданского общества по обеспечению и защите прав человека.

Для того, чтобы уважение прав и свобод человека как основы демократии в нашей стране стало нормой, необходимо, чтобы граждане сами осознавали свои права и свободы, имели определенные знания в данной сфере, уважали права и достоинство других людей, а также обладали практическими навыками в области их защиты. Все это — важнейшие элементы культуры прав человека, а высокий уровень культуры прав человека, в свою очередь, одна из гарантий реализации прав и свобод.

Культура прав человека характеризуется состоянием просвещенности населения в сфере теории и особенно практики прав и свобод человека, наличием признанных и одобренных обществом гуманистических ценностей, а также моделей поведения людей, выработанных в обществе навыков решения конфликтов на основе толерантности, диалога, социального партнерства и т.п.

Формирование культуры прав человека ставит целью не только воспитывать людей, формировать правильные представления о правах человека как необходимом условии его свободы и равенства, но и создавать правовое общество, в котором права человека являются священными и неотъемлемыми, а уважение и защита прав человека — важнейшим свойством всего уклада государственной и общественной жизни.

Важную роль в прогрессе культуры прав человека в обществе играет развитие моральных ценностей, убеждений, отстаивающих права и свободы, а также формирование у человека соответствующих мировоззренческих установок и отношения к процессам общественного развития.

На современном этапе развития нашего общества идея культуры прав человека очень созвучна с идеей, развитой Президентом Республики Узбекистан И. Каримовым в труде "Юксак маънавият — энгилмас куч", "Высшая духовность — непреодолимая сила" который справедливо отмечает, что "маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзлаган мақсадга эришолмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл тополмаймиз".

Культура прав человека должна способствовать становлению демократического гражданского общества. В этих условиях именно образование, просвещение и воспитание в области прав человека, повышение правовой культуры способствуют активному обеспечению процессов реформ, модернизации и обновления всех сторон жизни общества в Республике Узбекистан.



Содиржон ДЖАКБАРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати

## ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

- ✦ Мақола янги таҳрирдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаларининг мазмунига бағишланган.
- ✦ Статя посвящена содержанию проектов Закона Республики Узбекистан «Об охране и использовании растительного мира» и «Об охране и использовании животного мира» в новой редакции.
- ✦ The article is devoted to the content of the projects Law of the Republic of Uzbekistan «the protection and use of flora» and «the protection and use of animals» in the new edition.

**Таянч сўзлар:** ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси, табиий ҳудуд.

**Ключевые слова:** растительный мир, животный мир, природная территория.

**Key words:** flora, fauna, natural area.

Маълумки, барча тирик организмлар ичидан фақатгина ўсимликлар ҳамда фотосинтез хусусиятига эга бўлган бактериялар қуёш энергиясини ўзида муҳассамлаштириб, унинг ёрдамида ноорганик моддалардан органик моддаларни ҳосил қилишлари мумкин.

Миллионлаб йиллар давомида ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти натижасида тирик мавжудотларнинг нафас олиш учун яроқли, кислородга бой атмосфера вужудга келган. Ўсимликларнинг бевосита иштирокида Ер юзасидаги унумдор тупроқ қатлами пайдо бўлган ва шаклланган.

Табиатни Муҳофаза қилиш Халқаро Жамиятининг маълумотларига кўра, ҳозирда сайёрамизда 320 мингдан ортиқ ўсимлик турлари ҳисобга олиниб, ўсимликларни қайта ишлаш натижасида инсон улардан турли эфир ёғларини, бўёқ ва бошқа маҳсулотларни ажратиб олмақда. Ўсимликлар “яшил аптека” вазифасини бажариб, ҳисоб-китобларга кўра, тиббиёт соҳасида улардан 20 мингдан ортиқ доривор моддалар, турли витаминлар ва гален препаратлари ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон флорасини 4,5 мингга яқин ёввойи ўсимлик, 2 мингдан ортиқ кўзиколин турлари ташкил этади ва уларнинг 3,7 мингдан ортиғи олий ўсимлик турлари ҳамда 400

тури бошқа жойларда учрамайдиган эндемик, реликт турлар ҳисобланади.

Биосферанинг ажралмас бўлаги ва экологик тизим занжирининг таркибий қисми ҳисобланган ҳайвонот дунёсининг аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, у табиатда модда алмашинуви жараёнининг зарурий компоненти ҳисобланиб, табиий жамоаларнинг ҳаёт фаолиятини, табиий муҳитнинг бошқа элементлари сифати ҳолатларини, шу жумладан, тупроқ унумдорлигини, ўсимлик қопламанинг шаклланиши, сувнинг биологик ҳоссалари ва бошқаларни таъминлаб беради. Бундан ташқари, ҳайвонот дунёси инсон учун катта маданий, илмий, эстетик, тарбиявий, иқтисодий аҳамиятга эгадир. Бу жонли, қайта тикланувчан, шу билан биргаликда, тугайдиган табиий муҳитнинг элементини муҳофаза қилишнинг мураккаблиги — ташқи таъсирга ўта таъсирчанлиги, заифлиги, ўзгарувчанлиги ҳамда муқим бир жойда ҳаёт кечирмаслиги ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Мамлакатимизнинг фаунаси 677 турдаги умуртқали (108 турдаги сўт эмизувчилар, 432 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юривчилар, 2 турдаги амфибиялар, 77 турдаги балиқлар) ҳамда 15 мингдан ортиқ турдаги умуртқасиз ҳайвонлардан иборат.

Мутахассисларнинг фикрича, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш масалаларининг тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги билан боғлиқ ҳолда, айрим ҳудудларда доривор, озик-овқатбоп, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларини ва техник хомашё сифатидаги ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш, декоратив турларини теришда ўсимлик дунёси объектларидан меъёр даражасида фойдаланмаслик, ўсимликларнинг инсон томонидан киритилган бегона турлар билан сиқиб чиқарилиши уларни сақлаб қолишга ва табиий кўпайишига тўсқинлик қилмоқда ҳамда улар ўсадиган муҳитнинг яхлитлиги бузилишига, уларнинг сони йилдан-йилга камайишига, ҳатто айрим турларининг йўқолиб кетишига олиб келмоқда.

Ҳайвонот дунёсидан ноқонуний фойдаланишда айниқса, броконьерлик даражасининг юқорилиги, экологик тизимларнинг ўзгарувчанлиги ва табиат объектларининг табиий ўз-ўзидан қайта тикланиши ва кўпайишининг кучсизлиги оқибатида ҳамда табиий мажмуаларга инсон фаолиятининг салбий таъсири республикада ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг зарурий ва ўта муҳим аҳамиятини белгилаб беради.

Республика бўйича биологик ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари бўйича содир этилаётган жами ҳуқуқбузарликларнинг 40 фоизини ташкил этмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш статистикаси, афсуски ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши кенг тарқалганлигидан гувоҳлик бермоқда. Бироқ, экологик ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятларни аниқлашдаги ўсишлар, вазиятни яхши томонга ўзгартиришдан дарак бермайди, чунки аввалгидек экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, экспертларнинг баҳоларига кўра, энг кенг ва кўп тарқалган экологик жиноят турларидан бири — броконьерлик билан боғлиқ 65-70 фоиз атрофидаги барча ҳуқуқбузарликлар очилмасдан қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунлари (1997 йил) қабул қилингандан кейинги ўтган давр мобайнида Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ва ушбу соҳаларда халқаро алоқаларга интеграллашув мақсадида бир қатор халқаро экологик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан, "Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида"ги Конвенция (Ўзбекистон 1997 йилда қўшилган), "Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Конвенция (Ўзбекистон 1998 йилда қўшилган), "Асосан сувда су-

зувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисида"ги Конвенция (Ўзбекистон 2001 йилда қўшилган) қўшилиши ҳамда "Африка-Евроосиёнинг кўчиб юрвчи сув-ботқоқ қушлари муҳофазаси бўйича" Битимнинг имзоланиши (Ўзбекистон 2003 йилда имзолаган) ва бошқа давлатлараро келишувларнинг имзоланиши биологик ресурсларни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва такрор етиштириш масалаларида муҳим рол ўйнади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунлар талабларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро, Тошкент, Жиззах, Навоий вилоятларида бажарилишини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ҳамда уларнинг нормаларининг амалиётда қўлланилиши таҳлили ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни қонунчилик асосида тартибга солишни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Амалдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун нормаларига тўхталадиган бўлсак, унинг таркибий тузилмаси 28 та моддадан иборат бўлиб, унда қонунда фойдаланилган асосий тушунчалар баён этилмаган. Шунингдек, ўсимлик дунёси объектларидан умумий ва махсус фойдаланиш тартиби ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба мақсадларида фойдаланиш бўйича нормалар тўлиқ ёритиб берилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали унинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилди.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида ушбу қонуннинг қўлланиш соҳаси белгилаб берилиб, қонун лойиҳасида қўлланилаётган асосий тушунчаларга шарҳлар берилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда иштирок этиш ҳуқуқини белгиловчи, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза

қилиш давлат қўмитасининг, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини аниқлаштирувчи янги нормалар киритилди. Махсус ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ваколатларидан келиб чиққан ҳолда ўсимлик дунёси объектларидан умумий ва махсус фойдаланиш тартибини белгиловчи нормалар билан тўлдирилди.

2004 йилнинг 3 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги янги Қонуни қабул қилиниши ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифаларининг халқаро классификация нормаларига мувофиқлаштирилиши ҳамда ботаника боғлари, дендрология боғлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифаси таркибидан чиқарилганлигини инобатга олиб, қонун лойиҳасида ботаника боғларининг, дендрология боғларининг ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини тартибга солиш бўйича янги моддалар назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан амалдаги қонун камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларини муҳофаза қилиш, шунингдек ўсимлик дунёси генетик фонддини муҳофаза қилишни таъминлаш йўлларини, ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тартибини аниқлаштиришга қаратилган нормалар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик турларидан фойдаланиш, ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот ва хўжалик-тажриба мақсадларида фойдаланиш, алоҳида тоифадаги ерларнинг ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, шу жумладан, чегара зонаси ва чегара минтақасида жойлашган ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш тартибини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва улар ҳаётий фаолиятининг махсуллари Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартибини белгиловчи янги нормалар назарда тутилмоқда.

Амалдаги қонунда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини, алоҳида табиий объектларни, ўсимликларни карантиндаги зараркунандалардан, касалликлардан ва бошқа зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш бўйича тегишли нормаларнинг йўқлигини ҳисобга олиб, қонун лойиҳасига ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтаиб туриш ва ман этишни ҳамда қонун талабларини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг масъулиятини ошириш, қонунийликни таъминлаш мақсадида ноқонуний равишда йи-

филган ва тайёрланган ўсимлик дунёси объектларини олиб қўйишни белгиловчи нормаларни киритиш таклиф этилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Япония каби давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ва амалиётидан, Европа Иттифоқининг ўсимликларни сақлаш Стратегияси, Европа Иттифоқининг ёввойи флора ва фаунанинг табиий яшаш ареалларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Директиваси ва Европа Парламенти ва Иттифоқининг атроф-муҳитни жиноий-ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Директиваси таҳлил қилинди. Бир қатор муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, "Ассан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисида", "Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида", "Ёввойи флора ва фаунанинг Европадаги табиий яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Биологик хилма-хиллик тўғрисида"ги конвенциялар, шунингдек, "Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция", "Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция", "Биологик хилма-хиллик тўғрисида"ги Конвенцияга Биохавфсизлик бўйича Картахен протоколи ҳамда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш соҳасига оид махсус адабиётлар ўрганиб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг биохилма-хиллигини сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан самарали фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги, ўсимликлар карантини тўғрисидаги ва бошқа бир қатор ҳуқуматлараро битимлар ўрганилди.

Ҳайвонот дунёсининг ҳозирги кундаги сон ва сифат кўрсаткичлари ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисидаги, ушбу соҳадаги қайд этилган ҳуқуқбузарликлар, улар бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, биологик ресурсларга катта миқдорда зарар етказувчи очилмаган ҳамда тўлиқ очилмай қолган экологик жиноятларнинг ҳисобини таҳлил қилиш, мазкур соҳага оид халқаро экологик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини, хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари ва тажрибасини ўрганиш амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Амалдаги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш биологик хилма-хилликнинг аж-

ралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонларнинг ирсий (генетик) фондини мажмуавий муҳофаза қилиш нуқтаи назардан ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашни, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришни назарда тутади.

Бу борада соҳага оид халқаро конвенциялар, битимлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг, Европа Иттифоқининг ҳуқуқий ҳужжатлари, жумладан, АҚШ, Германия, Япония, Хитой каби етакчи давлатларнинг, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг қонунлари таҳлил қилинди. Жумладан, АҚШнинг "Ёввойи табиат тўғрисида"ги Қонуни, Германиянинг "Ҳайвонлар тўғрисида"ги Қонуни, Хитой Халқ Республикасининг "Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Япониянинг "Фауна ва флоранинг йўқолиб бораётган турларини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни, Россия Федерациясининг "Ҳайвонот дунёси тўғрисида"ги, "Балиқчилик ва сув биологик ресурсларини сақлаш тўғрисида"ги, "Овчилик ва ов ресурсларини сақлаш тўғрисида"ги Қонунлари, Беларусь Республикасининг "Ҳайвонот дунёси тўғрисида"ги, Украинанинг "Украина Қизил китоби тўғрисида"ги, Эстония Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, Молдова Республикасининг "Ҳайвонот дунёси тўғрисида"ги ва "Балиқ фонди, балиқ овлаш ва балиқчилик тўғрисида"ги Қонунлари ўрганиб чиқилди.

Халқаро тажрибани ўрганиш натижаларига кўра ҳамда республикамизнинг географик ўрни ва табиий иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда амалдаги "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, янги моддалар билан тўлдирилмоқда. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида ушбу қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси белгиланиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилловчи норма киритилмоқда.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини аниқлаштирувчи янги нормалар белгиланди.

Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатномаларни бериш тартибини, ёввойи ҳайвонларни тутиш ҳажмларини, ов қилиш шартларини, шу жумладан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ов қилиш шартларини, балиқ овлаш ва балиқ овлаш шартларини, ҳайвонот дунёси объектларини илмий-тадқиқот ва назорат қилиш мақсадларида тутишни, ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлаш тартибини белгилловчи янги моддалар баён этилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг янги моддалари билан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг мақоми, ов қилиш ва балиқ овлаш жойларининг мақоми, шунингдек ёввойи ҳайвон турларини, уларнинг ўлжаларни, тулумларни, ёввойи ҳайвонларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларини ва зоологик коллекция намуналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, жўнатиш ва ташиш тартибини аниқлаштирувчи нормалар киритилди.

Таклиф этилаётган янги таҳрирдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳалари ҳуқуқий жиҳатдан амалдаги қонун ҳужжатларидаги айрим ноаниқликларни, ҳаволаки нормаларни бартараф этиш билан биргаликда, халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш, қонунни амалга оширишни таъминловчи, унинг нормаларини қўллашни энгиллаштирувчи процесуал механизмларни такомиллаштириш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



## ЖАВОБГАРЛИК ВА ЖАЗОНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШДА ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

◆ Мақолада жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш масалалари ёритилган. Шунингдек, жазо тайинлашда қилмишнинг ҳамда шахснинг ижтимоий хавфлилигига эътибор қаратиш кераклиги ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган.

◆ В статье раскрыты вопросы учета смягчающих мер при вынесении наказания, а также приводятся мнение о необходимости принятия во внимание общественную опасность лица и его деяния при назначении наказания.

◆ The article is devoted to taking into account the mitigating measures for sentencing, also contains a definition to take into account the social danger of the person and his acts for sentencing.

**Таянч сўзлар:** жазо, жазони индивидуаллаштириш, айбдор, енгиллаштирувчи ҳолат.

**Ключевые слова:** наказание, индивидуализация наказания, виновный, смягчающее обстоятельство.

**Key words:** punishment, individualization of punishment, guilty, mitigating circumstance.

Суд жазо тайинлар экан, маҳкумни тарбиялаш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсиқ бўладиган, янги жиноят содир этилишининг олдини оладиган жазо турини танлаши керак. Бунда жазонинг бошқа шахсларга нисбатан таъсир қилиш оқибатини, яъни унинг оила аъзоларига, қарамоғидаги шахсларга ва ҳоказоларга нисбатан таъсир қилинишини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади.

Жазо тайинлаш вақтида енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам эътиборга олиш, индивидуаллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бундай ҳолатнинг мавжудлиги содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигининг нисбатан камлигини ҳамда уни содир қилган киши шахсининг жамият учун ижтимоий хавфлилик даражаси камлигини кўрсатади ва жазонинг миқдорига таъсир қилади.

Амалиётда ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар ишда мавжуд бўлгани ҳолда уларни ҳисобга олиш мажбурийми ёки йўқми, деган айрим саволлар туғилиши табиийдир.

Қонунчиликни ҳамда суд амалиётини ўрганиш

бу муаммонинг ечимини топиш имконини беради. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган ва назарда тутилмаган енгиллаштирувчи ҳолатларнинг жазо тайинлашга таъсирини аниқ ажратиш керак.

Енгиллаштирувчи ҳолатларнинг биринчи туркумига кирувчи (55-модданинг 1-қисми) енгиллаштирувчи ҳолатлар қонунда белгилаб қўйилганлиги сабабли суд томонидан ҳисобга олиниши шарт.

Бундай талаб, ЖКнинг 54-моддаси иккинчи қисмидан, шунингдек жиноят-процессуал қонунчилик талабларидан келиб чиқади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 457-моддаси 1-қисми 5-бандига ҳамда 467-моддаси талабларига кўра ҳал қилинади. Ушбу модданинг биринчи қисмида "Суд ҳукмининг тавсиф қисмида жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни кўрсатиш керак", — дейилади. Бу ерда бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддаси 1-қисмида, яъни қонунда назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғрисида сўз

юритилмоқда. Агар суд енгиллаштирувчи ҳолатни ҳисобга олмаса, бу ҳақда ҳукмда батафсил асослантириши керак.

Бошқа томондан енгиллаштирувчи ҳолатни ҳисобга олинганини умумий тарзда кўрсатишнинг ўзи билан, масалан, "айбдорнинг шахсини", "оилавий шароитини" ҳисобга олиб, деган умумий тушунча билан чекланиб, жазо тайинланиши ҳам нотўғридир. Чунки, енгиллаштирувчи ҳолатни ҳисобга олишни бундай ифодалаш ушбу ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибидан кўришда ҳукмнинг тўғрилиги, тўлалиги, асослантирилганлигини текшириб кўришни қийинлаштиради. Бу туркумдаги ишларни ўрганиш жараёнида, ана шундай юзаки асослантиришлар билан чиқарилаётган ҳукмлар ҳам оз эмаслиги маълум бўлди. Жумладан, биз суд томонидан енгиллаштирувчи ҳолатларнинг асослантирилишини тадқиқ қилганимизда, 20,2 фоизи шундай хусусиятга эга эканлиги аниқланди.

Қонунда жазони енгиллаштиришнинг энг кам ёки энг кўп қисмининг чегарасини белгилаб қўйилиши, унга ишнинг бошқа муайян ҳолатларига аҳамият бермасдан, ҳал қилиш хусусиятини бериб, асоссиз равишда судларнинг енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш имкониятларини чегаралайди.

Унинг чегаралари Жиноят кодексининг Махсус қисмининг моддалари санкцияларида ва умумий қисмининг айрим моддаларида белгиланган.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида берилган енгиллаштирувчи ҳолатлар энг маъқул тахрирдир. Бунда жазо чорасининг миқдорига таъсир қилувчи чегаранинг белгиланмаганлиги судларга ҳар бир алоҳида иш юзасидан иш ҳолатлари ва айбдорнинг шахсини эътиборга олган ҳолда судларнинг жазо тайинлашда жазони индивидуаллаштириш имконини беради. Агар ишда у ёки бу енгиллаштирувчи ҳолат мавжуд бўла туриб, суд санкцияда кўрсатилган жазонинг энг кўп қисмига яқин қисмини тайинласа, буни албатта ҳукмда асослантириши керак.

Шундай қилиб, ишда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, суд уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида баҳо бериб, ўзининг ички ишончига асосланган ҳолда содир этилган жиноятнинг хавфлилик даражаси ва уни содир қилган киши шахсининг хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаши керак.

Агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар бир вақтда Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят таркиби доирасига кирувчи зарурий белгиси бўлса, бу ҳолат амалиётда ва юридик адабиётларда турлича

талқин қилинган. Аввало шуни айтиш керакки, Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар Махсус қисми моддасининг жиноят таркиби доирасига кирувчи белги сифатида кўрсатилган моддалар кўп эмас. Бундай моддалар ҳаммаси бўлиб еттитадан иборатдир. (98, 100, 101, 106, 107, 108-моддалар).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддаси 3-қисмида "Енгиллаштирувчи ҳолат ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибини зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди", дейилади. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларга татбиқан худди шундай тушунтириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Пленум қарорида берилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг барчаси учун қуйидаги хусусиятлар хосдир:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг жиноят таркибидан ташқарида бўлиб, қилмишни квалификация қилиш учун таъсир қилмайди, квалификацияни ўзгартирмайди.

2) Бу моддада кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар қилмишни Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси бўйича квалификация қилиш учун зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, жазо тайинлаш вақтида яна 55-моддага мурожаат қилинмай, ўша модданинг санкцияси доирасида жазо тайинланади. Чунки, қонун чиқарувчи орган 55-моддада назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатни Жиноят кодексининг Махсус қисмида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатиб, шунга мувофиқ равишда санкцияни ҳам енгиллаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати қатъий бўлмай, суд жазо тайинлаш вақтида бу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам ишдаги ҳолатларга қараб енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин. Масалан, давлат олдиданги катта хизматлари, ақлий ривожланишининг жисмоний ривожланишига нисбатан орқада қолиб кетганлиги ва ҳоказолар ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши мумкин.

Шундай қилиб, суд шахсга жазо тайинлар экан, Махсус қисми моддасида назарда тутилган бошқа ҳолатни енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин.

**Нодир МУХТОРОВ,**  
**начальник отдела Института мониторинга**  
**действующего законодательства при Президенте**  
**Республики Узбекистан, к.ю.н**

## ПРАВОВАЯ ЭКСПЕРТИЗА ПРОЕКТОВ АКТОВ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СУДЕБНО-ПРАВОВОЙ СФЕРЕ

◆ *Мақола Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг ушбу соҳадаги фаолиятига бағишланган.*

◆ *Статья посвящена порядку проведения правовой экспертизы законопроектов в судебно-правовой сфере Республики Узбекистан, а также деятельности Института мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан в данной сфере.*

◆ *The article is devoted to the procedure for conducting a legal review of projects laws in the judicial sphere of the Republic of Uzbekistan, as well as the activities of the Institute for Monitoring Current Legislation under the President of the Republic of Uzbekistan in the field.*

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқий экспертиза, юридик хизмат, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти.

**Ключевые слова:** правовая экспертиза, юридическая служба, Институт мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан.

**Key words:** legal expertise, legal service, Institute for Monitoring Current Legislation under the President of the Republic of Uzbekistan.

Правовая экспертиза проектов актов законодательства, как составная часть законотворческого процесса, является сложным творческим процессом, направленным на качественную подготовку проектов закона. Данный процесс основывается на глубоком правовом анализе и требует достаточных теоретических знаний, практических навыков и интеллектуального труда.

В Республике Узбекистан правовая экспертиза проектов актов законодательства регулируется рядом (свыше 10) законодательных актов, в числе основных из которых можно отметить такие как, например, Закон "О порядке подготовки проектов законов и их внесения в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан" (2006г.); новая редакция Закона "О нормативно-правовых актах" (2000г.); Положение "О правовой экспертизе и государственной регистрации нормативно-правовых актов, принятых министерствами, государственными комитетами и ведомствами" утвержденное Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан (1997 г.); "Правила юридико-технического оформления законопроектов, вносимых в Законодательную палату ОлийМажлиса Респуб-

лики Узбекистан, и законов, представленных в Сенат ОлийМажлиса Республики Узбекистан", утвержденной Совместным постановлением Кенгаша Законодательной палаты ОлийМажлиса Республики Узбекистан и Кенгаша Сената ОлийМажлиса Республики Узбекистан (2010 г.); Методические указания "О порядке подготовки, юридико-технического оформления и проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов, вносимых органами государственного и хозяйственного управления, органами государственной власти на местах в Кабинет Министров Республики Узбекистан", утвержденное Приказом министра юстиции и зарегистрированное Министерством юстиции (2012 г.); Инструкция "О порядке подготовки, юридико-технического оформления и проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов, принимаемых органами государственной власти на местах" утвержденное Приказом министра юстиции и зарегистрированное Министерством юстиции (2013 г.); Правила подготовки и принятия ведомственных нормативно-правовых актов", утвержденное Приказом министра юстиции и зарегистрированное Министерством

юстиции (2014 г.) и др.

Анализ актов законодательства, регламентирующего данную сферу, показывает, что в них не дается легальное определение правовой экспертизы.

Вместе с тем, согласно ст.22 закона "О нормативно-правовых актах" определено, что в ходе правовой экспертизы проверяется соответствие проекта нормативно-правового акта Конституции и законам Республики Узбекистан, иным нормативно-правовым актам, имеющим по сравнению с ним более высокую юридическую силу, правилам законодательной техники, а также обоснованность и целесообразность применения отсылочных норм.

Следует отметить, что на Министерство юстиции и его территориальные подразделения возложена обязанность проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов с целью выявления в них положений и норм, создающих условия для коррупции, совершения других правонарушений в системе органов государственной власти и управления, а также вводящих избыточные административные и иные ограничения для субъектов предпринимательства, приводящие к возникновению необоснованных расходов субъектов предпринимательства.

Законодательством устанавливается обязательность проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов. Вместе с тем следует отметить, что экспертное заключение, подготовленное по его итогам, имеет лишь рекомендательный характер.

В качестве экспертов привлекаются организации и (или) лица, не принимавшие непосредственного участия в подготовке проекта нормативно-правового акта. В оценке проекта нормативно-правового акта эксперты независимы и не связаны с позицией органа, по поручению которого проводится экспертиза.

Предложения и замечания, высказанные в ходе обсуждения проекта нормативно-правового акта, носят рекомендательный характер и подлежат рассмотрению разработчиком. По неуточненным предложениям и замечаниям составляется справка с соответствующими пояснениями.

Целями проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов являются: обеспечение правомерности нормативно-правового акта, включение в его сущность идей справедливости, свободы и равенства; обеспечение верховенства Конституции; определение необходимости принятия; пресечение принятия нормативно-правового акта только в пределах воли его разработчика и повышение их ответственности; обеспечение участия опытных юристов-специалистов.

Субъекты, осуществляющие правовую экспертизу проектов нормативно-правовых актов, конкретно определены в законе "О нормативно-правовых актах", и условно их можно разделить на две группы:

во-первых, юридическая служба разработчика или принимающего органа нормативно-правового акта;

во-вторых, Министерство юстиции Республики Узбекистан и другие организации, например, Институт мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан.

В свою очередь субъекты правовой экспертизы также можно классифицировать, исходя из видов проектов нормативно-правовых актов, в том числе, правовая экспертиза:

— проектов Конституции и законов Республики Узбекистан, постановления палат Олий-Мажлиса Республики Узбекистан — юридической службой их разработчика, соответствующий Службой Государственного советника Президента Республики Узбекистан, Министерством юстиции Республики Узбекистан, Институтом мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан, а также юридической отделом и ответственным комитетом Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса;

— проектов указов, постановлений и распоряжений Президента Республики Узбекистан, постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан, приказов и постановлений министерств, государственных комитетов и ведомств — юридической службой их разработчика (например, министерство и государственных комитетов), соответствующий Службой Государственного советника Президента Республики Узбекистан, Министерством юстиции Республики Узбекистан;

— проектов решений органов государственной власти на местах — юридической службой их разработчика, территориальными подразделениями Министерства юстиции.

Научно-исследовательский анализ правовой экспертизы свидетельствует о наличии следующих его элементов:

1. Исследование или профессиональная оценка специалистов юристов или их групп по проекту;

2. В нем изучаются следующие основные моменты предлагаемого проекта:

а) соответствие проектов Конституции, действующим законам и подзаконным актам, общепризнанным принципам международного права, а также международным договорам ратифицированных парламентом;

б) точность, однозначность, лаконичность, яс-

ность и соответствия требованиям законодательной техники правовых норм;

в) соответствие направлениям политико-правовым, социально-экономическим, культурно-просветительным реформам, а также целесообразности целям, предусмотренным принятием акта;

г) изучается и оценивается взаимосвязанность, комплексность и гармоничность правовых норм, а также наличие внутренних взаимных противоречий;

д) с теоретико-правовой точки зрения изучается место акта целом в правовой системе и правовое регулирование соответствующей сферы.

Правовая экспертиза нормативно-правовых актов, в зависимости от регулируемых ими общественных отношений, может быть классифицирована на следующие виды экспертиз: в сфере государственного и общественного строительства; в социально-экономической сфере; в судебно-правовой сфере, в сфере прав человека; в сфере обороны и безопасности и др.

Также, исходя из принадлежности к конкретным правовым сферам, можно выделить конституционно-правовой, уголовно-правовой, административно-правовой, гражданско-правовой, эколого-правовой и др. виды правовой экспертизы.

Следует отметить, что в ходе проведения экспертизы проекта нормативно-правового акта, кроме необходимости соблюдения всех вышеуказанных общих аспектов, также требуется индивидуальный подход, исходя из своеобразных особенностей регулируемой сферы.

Характерные особенности имеют правовая экспертиза проектов актов законодательства в судебно-правовой сфере. Эти особенности обусловлены самой сферой регулирования законодательства, которое регламентирует деятельность судебных и правоохранительных органов, устанавливает административную и уголовную ответственность, определяет порядок рассмотрения административных, уголовных, гражданских, хозяйственных дел.

Как правило, совершенствование законодательства в судебно-правовой сфере связано с внесением изменений и дополнений в законы "О прокуратуре", "О судах", "Об адвокатуре", Уголовный, Уголовно-процессуальный, Гражданско-процессуальный и Хозяйственно-процессуальный кодексы, Кодекс об административной ответственности. При этом целесообразно учитывать следующие моменты:

— сегодняшнее состояние судебно-следственной практики, конкретная проблема или законодательный пробел и необходимость решения этой проблемы именно законодательным путем;

— наличие аналитической и статистической

информации, связанной с судебно-следственной практикой;

— не противоречивость вносимых норм проектом законом правам и свободам человека;

— анализ подзаконных нормативно-правовых актов, регулирующих отношения, составляющие предмета проекта закона;

— анализ научных исследований и их результатов, касающихся предмета законопроекта;

— анализ обсуждений ученых и специалистов зарубежных стран, касающихся предмета законопроекта;

— соответствие проекта закона соответствующим международным актам (ООН, ФАТФ, ЕС и СЕ, СНГ и т.д.) и положительной правоприменительной практике зарубежных стран (США, Европа, Азия, страны-члены СНГ);

— эффективность реализации норм, вводимых проектом закона, в судебно-следственной практике и в целом в правоприменительной практике.

В связи с созданием двухпалатного парламента, в целях повышения качества законотворческой работы и усиления роли экспертных оценок на всех ее стадиях Указом Президента Республики Узбекистан от 2 апреля 2005 года за №УП-3590, был изменен статус Института мониторинга действующего законодательства при Олий Мажлисе Республики. Он был преобразован в Институт мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан. Согласно Указу Институт является научно-исследовательским экспертным учреждением.

Указом в качестве первой из основных задач и направлений деятельности Института было определено проведение всесторонней правовой экспертизы законопроектов, подготовка глубоко обоснованных экспертных оценок и заключений по проектам законодательных актов на всех стадиях их рассмотрения и принятия, в частности, начиная со стадия законодательной инициатив, до принятия закона в первой, второй, третьей чтениях нижней палатой парламента — Законодательной палатой, одобрение его верхней палатой — Сенатом, подписания и обнародования его Президентом Республики Узбекистан.

Институт не осуществляет правовой экспертизы всех проектов нормативно-правовых актов, так как он уполномочен проводить правовую экспертизу только проектов законов Республики Узбекистан. Это еще раз свидетельствует об особом внимании к законам, которые имеют наивысшую юридическую силу в системе нормативно-правовых актов.

Институт имеет специализированные отде-

лы, осуществляющие проведение экспертиз проектов законов в сфере государственного и общественного строительства, в сфере социально-экономического развития, в судебно-правовой сфере и в области защиты прав и свобод человека, в сфере обороны и безопасности, в сфере взаимодействия исполнительной, законодательной и судебной ветвей власти, в сфере развития представительных органов власти и многопартийной системы.

Подбор сотрудников осуществляется исходя из направленности деятельности отделов. Так, например, в Отделе мониторинга законодательства в судебно-правовой сфере и в области защиты прав и свобод человека под руководством начальника отдела, имеющего научную степень, работают квалифицированные научные сотрудники, обладающие опытом работы в судах, органах прокуратуры и внутренних дел. Это позволяет обеспечить качественное, обоснованное, глубокое научно-правовое проведение правовой экспертизы проектов законов, а также связанность правовой экспертизы с судебно-следственной практикой.

В целях качественного проведения экспертизы проектов законов, в Институте утверждено Положение "О проведении правовой экспертизы законопроектов (законов) Институтом мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан". В данном Положении закреплены:

- полномочия Института при проведении правовой экспертизы, объекты правовой экспертизы, независимость субъектов экспертизы;
- принципы проведения правовой экспертизы законопроекта (законность, приоритет общепризнанных принципов и норм международного права, прав и свобод человека, обоснованность, объективность, независимость, научность, комплексность и системность, целостность правового регулирования);
- сроки организации и проведения правовой экспертизы (в течение двенадцати рабочих дней, в случаях необходимости до одного месяца), в случаях необходимости возможность привлечения специалистов или создания экспертных групп, проведение дополнительных юрислингвистических, международно-правовых и иных экспертиз в компетентных специализированных и экспертных учреждениях;
- основные требования к проведению правовой экспертизы, в частности, круг документов, необходимых для изучения и проверки экспертами; смысловое и логическое содержание законопроекта; правила и приёмы законодательной техники; обоснованность и целесообразность отсылочных норм;
- особенности проведения правовой экспер-

тизы законопроекта, оформляющего решение в отношении международного договора Республики Узбекистан, в частности, обязательность анализа норм международных договоров;

— требования к подготовке экспертного заключения по результатам правовой экспертизы законопроекта (закона), в частности, экспертное заключение по законопроекту (закону) должно быть всесторонне обоснованным, логически последовательным и содержать только достоверную информацию, изложенную конкретно, кратко, без сложных абстрактных построений, простым и ясным языком, с соблюдением норм официально-делового стиля литературного языка, юридической терминологии.

Положением утверждена примерная структура экспертного заключения по результатам правовой экспертизы:

1. Вводная часть.

2. Мотивировочная часть (I. Степень охвата основных идей, изложенных в поручениях по подготовке законопроекта (закона); II. Смысловые и логические ошибки, наличие нормативных коллизий (соответствие законопроекта (закона) объекту и предмету правового регулирования; наименования законопроекта (закона) его содержанию и другое); III. Нарушения правил и приёмов законодательной техники; IV. Применение отсылочных норм; V. Соответствие юридического перевода; VI. Учёт зарубежного опыта и международных стандартов; VII. Возможность практической реализации; VIII. Рекомендации).

3. Резолютивная часть (целесообразность или нецелесообразность внесения законопроекта или же целесообразность внесения законопроекта после устранения выявленных недостатков).

С 2005 года до сегодняшнего дня Институтом подготовлено 1129 экспертных заключений по проектам законов различных сфер жизнедеятельности. Из них 778 (68%) о целесообразности внесения законопроекта после устранения выявленных недостатков, 155 (13 %) о нецелесообразности внесения или одобрения законопроекта и 196 (17%) о целесообразности внесения или одобрения законопроекта.

Исходя из анализа субъектов, направляющих проекты законов для проведения правовой экспертизы:

- Кабинетом Министров — 422 (37 %);
- Законодательной палатой — 522 (46 %);
- Сенатом — 172 (15 %);
- Иные субъекты — 13 (1 %).

Экспертные заключения подготавливаются с учетом анализа сущности национального законодательства, правоприменительной практики, а также зарубежного опыта. Следует отметить,

что основная их часть учитывается субъектами законодательной инициативы, в частности, палатами парламента при усовершенствовании проектов законов.

Вместе с тем, на наш взгляд, в настоящее время имеется ряд пробелов, связанных с проведением правовой экспертизой проектов законов, в том числе:

1. В ст.22 закона "О нормативно-правовых актах" содержится норма, которая устанавливает, что "порядок проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов определяется законодательством".

Однако до настоящего времени не разработан единый акт — Положение или Порядок, регулирующий проведение правовой экспертизы всех видов нормативно-правовых актов. Также на законодательном уровне конкретно не определены, какими субъектами и какие виды нормативно-правовых актов подлежат экспертизе. В ст.22 Закона "О нормативно-правовых актах" лишь устанавливается, что правовая экспертиза проектов решений органов государственной власти на местах осуществляется территориальными подразделениями Министерством юстиции.

2. С увеличением потребности в правовой экспертизе нормативно-правовых актов, повышаются также и требования к ним, расширяется круг их субъектов.

Однако, хотя правовая экспертиза и является сложным творческим процессом, не существует единого научно-методического пособия научно-правового и практического назначения, раскрывающего основные правила, способы и др. важные аспекты проведения правовой экспертизы. Так, ученые-юристы или практические работники, участвующие в проведении правовой экспертизы нормативно-правового акта, может и являются ведущими специалистами и знатоками своей сферы, однако могут быть не знакомы с общими правилами, задачами, методами, порядком проведения правовой экспертизы. Одним из эффективных средств подготовки специалистов, участвующих в проведении экспертизы и повышения их профессиональных знаний, является подготовка научно-правовых и практических пособий, охватывающих основные правила проведения правовой экспертизы.

3. Законодательством предусмотрена обязательность проведения правовой экспертизы только проектов нормативно-правовых актов, в то время как действующие нормативно-правовые акты исключаются из сферы правовой экспертизы.

При этом в специальных законах предусматривается возможность проведения правовой экспертизы действующего законодательства соответствующими субъектами. Так, в частности, ст.1

закона "О Конституционном суде Республики Узбекистан" уполномочивает Конституционный суд определять соответствие Конституции законов Республики Узбекистан и постановлений палат парламента, указов Президента Республики Узбекистан, постановлений правительства и местных органов государственной власти, межгосударственных договорных и иных обязательств Республики Узбекистан.

Определение соответствия Конституции Республики Узбекистан нормативно-правовых актов является основной задачей правовой экспертизы.

В качестве решения вышеуказанных пробелов можно предложить следующее:

1. Необходимо разработать единый "Порядок проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов", который целесообразно утвердить решением палат парламента.

Это будет способствовать правовой регламентации указанной сферы общественных отношений и позволит упростить законотворческий процесс, особенно деятельность субъектов законодательной инициативы и палат ОлийМажлиса, а также обеспечить высокий уровень и качество принимаемых нормативно-правовых актов.

2. Целесообразно подготовить учебно-методическое пособие на тему: "Проведение правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов", что позволит выработать единые подходы к процессам проведения правовой экспертизы его субъектами.

3. Необходимо расширить круг объектов правовой экспертизы и включить в него кроме проектов нормативно-правовых актов и действующие нормативно-правовые акты.

4. В целях организации исследований, касающихся изучения научно-теоретических основ правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов, предлагается:

а) определить одной из задач развития правовой науки и совершенствования национального законодательства осуществление магистерских и докторских работ, посвященных вопросам правовой экспертизы по некоторым специальностям юриспруденции;

б) принять соответствующие организационные и практические меры, направленные на повышение квалификации и формирование знаний и навыков у представителей субъектов правовой экспертизы. В частности, предлагается расширить практику проведения лекций по теоретико-правовым и практическим проблемам правовой экспертизы в высших учебных заведениях и привлекать для этого ведущих, высококвалифицированных специалистов с научными степенями, непосредственно проводящих правовые экспертизы.

**Махмуджон ЗИЯДУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги**  
**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро аппарати**  
**директори ўринбосари**

## БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

✦ Мақолада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолиятининг келгуси тараққиётига оид масалалар кўрилган. Эришилган натижалар ва фаолияти ривожланишининг истиқболли йўналишлари таҳлил этилган.

✦ В статье рассматриваются вопросы дальнейшего развития деятельности Внебюджетного пенсионного фонда при Министерстве финансов Республики Узбекистан. Анализируются достигнутые результаты и перспективные направления развития деятельности.

✦ The article considers the issues of further development of activity of off-budget pension fund under the Ministry of finance of the Republic of Uzbekistan. In addition it is analyzed the results obtained and perspective direction of the activity.

**Таянч сўзлар:** бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, пенсиялар, нафақалар, пенсия ҳужжатлари, пенсия қонунчилиги, назорат.

**Ключевые слова:** внебюджетный пенсионный фонд, пенсии, пособия, пенсионные документы, пенсионное законодательство, контроль и надзор.

**Key words:** off-budget pension fund, pensions, allowance, pension documents, pension legislation, control and inspection.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижаларида юқори кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда. 2014 йил 20 январда қабул қилинган “2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарорида қайд этилганидек, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми 16,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибида хизматлар кўрсатиш улуши 53 фоизгача ўсди.<sup>1</sup> Шу билан бирга давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақ-

ланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.<sup>2</sup>

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва бугунги кунда тараққиётимизнинг муҳим хусусиятларидан бўлган пенсия соҳасини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни кенг жорий этиш, давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш чоғида ижтимоий адолат тамойилларини тўла қарор топтириш, ана шу мақсадлар учун ажратилаётган молиявий ресурслардан мақсадли ва ўринли фойдаланишга эришиш амалга ошириб келинаётган янгиланиш ва модернизация қилиш жараёнларимизнинг муҳим жиҳатларидан саналади. Жумладан, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда ПҚ-1252-сонли Қарорига муво-

фик, республикамизнинг барча туман (шаҳар) - ларида Пенсия жамғармасининг бўлимлари ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифаси қилиб фуқароларга пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, молиялаштиришни ташкил қилиш ва тўловлар устидан мониторингни юритишни амалга оширилиши белгиланган.

Бугунги кунда республикамизда Пенсия жамғармасининг 14 та ҳудудий, 196 та туман (шаҳар) ва 108 та тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари мавжуд бўлиб, 3 млн.га яқин пенсионерлар ва нафақа олувчиларга 5 минг нафардан зиёд ходимлар хизмат кўрсатиб келмоқда. 2013 йил якунларига кўра, бир йил мобайнида 164 минг нафар фуқарога пенсия ва нафақалар тайинланган ҳолда, маблағлар ҳар ойнинг 18-санасига қадар тўлиқ молиялаштирилишига эришилди. Бундан кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбарининг бу йўналишдаги оқилона сиёсати натижасида Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари мутаносиблиги барқарорлаштирилди.<sup>3</sup>

Ҳозирги кунда Пенсия жамғармаси фаолияти жараёнида бир неча йўналишлар бўйича ишлар ташкил этилди:

1. Пенсия қонунчилигини такомиллаштириш. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”-ги Қонунини такомиллаштириш, уни ҳозирги кун талабларига мослаштириш борасида ўтган даврда қонунга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 2010 йилда юқорида кўрсатилган қонунга қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:

— иш стажининг қўйи чегараси 5 йил қилиб белгиланди (келажақда 10-15 йил мўлжалланмоқда). Аввал бир кун иш стажига эга бўлганларга ҳам пенсия тайинлаш мумкин эди;

— айрим ўз аҳамиятини йўқотган имтиёзлар бекор қилинди. Хусусан, кўп болали оналарга, қишлоқ хўжалиги ходимларига, ўқитувчи ва шифокорларга ҳамда текстил ва шаҳар йўл транспорти ходимларининг бир қатор имтиёзлари бекор қилинди;

— иш ҳақини ҳисоблаш тартиблари (ИКЗ);

— туман коэффициентини олиш тартиблари (қонуннинг 50-моддаси);

— бола парвариши, чўпонлар, дипломатларнинг аёлларига иш стаж олиш тартиби ўзгарди (қонуннинг 37-моддаси);

— меҳнатда майибланлиги натижасида боқувчи вафот этганда маблағларни корхона тўлаб бериши нормалари киритилди (қонуннинг 66-моддаси)

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг саккизта қарори билан тасдиқланган низом ва йўриқномалар амалиётга кенг жорий этилди. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада

такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида 252-сонли ВМ қарори қабул қилиниб, бугунги кунда унинг асосида давлат пенсия таъминоти тартибга солинган. Пенсия тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди (жами 39 та).

2. Пенсия жамғармаси тизимига замонавий ахборот-коммуникация тизимини кенг жорий этиш. Пенсия жамғармаси фаолиятини техник модернизация қилиш мақсадида республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий этилди. Унинг учун Пенсия жамғармаси тизими, замонавий сервер қурилмалари, компьютерлар, принтерлар ва ахборот-коммуникацион воситалар билан таъминланиб, электрон корпоратив тармоғи яратилди ва “Пенсия” номли дастурий мажмуаси 2012 йил июнь ойидан барча туман (шаҳар) бўлимларида кенг жорий этилди. Натижада пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш механизми устидан қатъий назорат ўрнатилишига имкон яратилди, ҳудудий бошқармалар ва бўлимлар ўртасида тезкор ахборот алмашинуви тизими йўлга қўйилди.

Албатта, пенсия муносабатлари тизими бевосита бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур масала назарий нуқтаи назаридан бир неча бор кўрилган бўлиб, унинг молия, суғурта ва маъмурий муносабатлар билан боғлиқ эканлиги эътироф этилган.<sup>4</sup> Айни пайтда ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанининг мазкур қарашлари амалиётда ўз ифодасини топмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, 2013 йилдан бошлаб, дастурий имкониятларни кенгайтириш, такомиллаштириш мақсадида Пенсия жамғармаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан марказлашган ҳолда ахборот алмашинуви йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг Газна ижроси тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари тўлиқ газна ижроси механизми билан қамраб олинди. Пенсия ва нафақалар тўлови бўйича маълумот алмашинуви тезкорлигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ билан маълумотлар базаси ўртасида кунлик электрон маълумотлар алмашинуви жорий қилинди. Шунингдек, ТМЭК дастурига боғланиб, ногиронлар тўғрисида маълумотноманинг ҳаққонийлигини текшириш, пенсия тайинлаш учун тақдим этилган бирламчи ҳужжатлар электрон нусхаси сканер қилиниб маълумотлар базасида

сақлаш модуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Халқ банки ва бошқа тижорат банклари билан бевосита пенсия тўловлари бўйича ҳисоботлар алмашинуви ҳамда Солиқ идоралари билан пенсия тушумлари тўғрисида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ишлари яқунланмоқда. Келажакда, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсия тизимида бошқарув функцияларини амалга оширар экан, жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни таъминлаш унинг асосий вазифаларидан этиб белгиланган.<sup>5</sup> Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва юқорида қайд этилган Низомга биноан пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Пенсия жамғармаси зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

— фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

— пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юриштиш;

— пенсиялар тайинланиши ва қайта ҳисоблаб чиқилишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағларидан қатъиян мақсадли фойдаланилишини таъминлаш.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш ҳамда фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида “Пенсия калькулятори” модули ишлаб чиқилди ва Пенсия жамғармасининг “PFUZ.UZ” ҳамда “PFRU.uz” расмий интернет сайтига жойлаштирилди. Пенсия калькуляторини қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— Ҳар бир фуқаро хоҳлаган вақтида пенсия миқдори қанча бўлиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқади;

— пенсия бўлимига мурожаат этишдан аввал ўзига қанча пенсия миқдори тайинланишини бириктириш имкониятига эга бўлади.

— олиб турган маошига асосан келажакда унга неча сўм пул пенсия тайинланиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқариши мумкин.

3. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ушбу соҳада олий малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашдир. Ҳукуматимиз саъй-ҳаракати билан Пенсия жамғармасига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тизими учун мутахассислар тайёрлаш вазифаси Молия-Банк академияси, Молия институти ва Миллий университетга юклатилган.

Шу билан бирга, Пенсия жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш масалаларини таҳлил этиш жараёнида унинг функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ айрим муаммолар вазиятлар аниқланган. Жумладан, юқорида қайд этилганидек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширишда айрим амалий муаммоларга дуч келинмоқда. Масалан, қонуннинг 15-моддасига асосан меҳнатда ёки касб касаллиги бўйича майибланган фуқароларга ноқонуний ёки нотўғри тайинланган пенсия маблағларини тугатилаётган корхоналардан ундириш ишларида қийинчилик туғилмоқда. Мазкур масалани ҳал этишда қонунчиликда тегишли ҳуқуқий механизмни яратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ундан ташқари, фуқароларга пенсия тайинлашда тегишли ҳужжатларни тақдим этиш, уларни расмийлаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунинг натижасида амалиётда фуқароларнинг пенсия миқдорлари пасайиб кетиш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Мазкур муаммо албатта ўз ҳуқуқий ечимини топиши керак, деб ўйлаймиз.

Албатта, бизнинг давлатимизда пенсия тизимида мавжуд бўлган муаммолар ўзига хос. Бошқа давлатлар пенсия тизими таҳлили уларда ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, жаҳондаги ривожланган мамлакатларда узок йиллик тараққиёт ва тўпланган бой тажриба асосида анча мукамал ҳуқуқий тизим ва механизмлар яратилган ва улар самарали ишлаб турган бўлса-да, ҳозирги кунда кўпгина Европа давлатларида демографик ҳолат яхши бўлмаганлиги сабабли, яъни туғилиш камайиб кетганлиги, ўртача умр кўриш даври узайганлиги, ҳар бир ишловчига (1/2) пенсионерлар тўғри келадиганлиги учун пенсия таъминотида ўзига хос қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Бундай вазиятдан чиқиш мақсадида пенсия миқдорларини оши-

ришни тўхтатиш, пенсияга чиқиш ёшини узайтириш ва суғурта бадалларини ошириш чоралари кўришмоқда. Асосий давлатларда 60-65 ёш, Данияда камида 45 йил стаж билан 65 ёшдан пенсияга чиқилади. Бу билан чекланмасдан Ғарб давлатларида пенсия ёши яна 7 ёшга узайтирилиши кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пенсия тайинлаш ва ҳисоблаш механизмларини янада такомиллаштириш, уни соддалаштириш, талаб қилинадиган ҳужжатлар сонини камайтириш, фуқароларнинг овозагарчилигига чек қўйиш мақсадида фуқароларнинг Пенсия жамғармасига тўлаган суғурта бадалларининг якка тартибдаги ҳисобини юритиш (индивидуал учёт) тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тартибга асосан фуқароларнинг иш стажи ва иш ҳақлари тўғрисида электрон ҳисобот юритилиб, келажакда пенсия тайинлаш учун фуқарога фақатгина ариза ва меҳнат дафтарчасини тақдим этиш кифоя бўлар эди. Фуқаро республикамининг қайси ҳудудда яшаганлиги, корхона ҳужжатларни архивга топширганлиги ёки топширмаганлиги, ҳужжатлар сақланганлиги ёки сақланмаганлигидан қатъи назар, пенсия учун зарур иш стажи ва иш ҳақи оид маълумотларни марказлашган электрон ахборотлар базасидан қисқа муддатда олиш ва пенсия тайинлаш имконияти

яратилар эди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг Пенсия жамғармасига тўлаган суғурта бадалларининг якка тартибдаги ҳисобини юритиш механизми Пенсия жамғармаси маблағларининг истиқболдаги узоқ ёки қисқа муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш имкониятини яратар эди. Бу борада Пенсия жамғармаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда иш олиб борилса мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилиши натижасида иш стажининг айрим даврларини (ўқиш даври, туғилганлик ёки вафот этганлик тўғрисида маълумот, ҳарбий хизматни ўтаганлик даври, паспорт тўғрисидаги маълумотлар ва бошқаларни солиштиришга) ҳам электрон тарзда олиш имконияти яратилар эди. Ушбу йўналишдаги ишлар натижасида фуқароларимиз пенсия тайинлаш бўйича фақат ариза беришлари кифоя бўлади.

Ўйлаймизки, мазкур таклифлар Молия вазирлиги Пенсия жамғармаси тизимини янада такомиллаштириш ҳамда пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши жараёни устидан назоратни кучайтириш ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



<sup>1</sup> “2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори// [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//[www.press-service.uz/](http://www.press-service.uz/)

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тўпланган маълумотлар асосида, Пенсия жамғармасининг иқтисодий барқарорлигининг бундай ривожланиш тенденцияси собиқ иттифоқ тизимига кирган давлатларда ҳам ёки кўплаб хорижий давлатларда, айниқса Европа давлатларида ҳам мавжуд эмас.

<sup>4</sup> А.А.Иноятов. “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий таъминот ҳуқуқи”. ОТМ учун дарслик. Т. -ТДҶОИ. 2002. 226., Й.Турсунов. “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи”. Касб-хунар коллежлар учун дарслик. Т.-Ўқитувчи. 11-166б. Аҳмедов Д. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ТДҶОИ, 2008 йил., Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ТДҶОИ, 2003, Турсунов Й., Усмонова М.А. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДҶОИ, 2004, Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения. Учебник для ВУЗов –М., 1995.-С.23

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида Низом”// «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 8-сон, 62-модда.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,  
Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди судьяси,  
ю.ф.н., доцент

## ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

- ✦ Мақолада товламачиликни квалификация қилиш масалалари, шунингдек, ушбу турдаги жиноятни содир этганлик учун жиноий жавобгарликнинг асослари ёритилган.
- ✦ В статье раскрыты вопросы квалификации вымогательства, а также основания уголовной ответственности за совершение данного преступления.
- ✦ The article issues the qualification of extortion, as well as grounds of criminal responsibility for the commission of the crime.

**Таянч сўзлар:** товламачилик, хусусий мулк, мулкдор, мулккий манфаат.

**Ключевые слова:** вымогательство, частное имущество, собственник, имущественный интерес.

**Key words:** extortion, private property, the owner, the property interest.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмомчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин”лиги белгиланган.

Айнан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш” деб номланган боби босқинчилик (ЖК 164-модда), товламачилик (ЖК 165-модда), талончилик (ЖК 166-модда), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-модда), фирибгарлик (ЖК 168-модда) ва ўғирлик (ЖК 169-модда) жиноятларини ўз ичига олиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкни жиноий ҳуқуқий муҳофаза қилади.

Товламачилик жинояти ғаразли мақсадда мулқа қарши содир этиладиган жиноятлардан бири

бўлиб, бу жиноят давлат томонидан кафолатланган мулк ҳуқуқини бузишдан ташқари, шахснинг шаъни, қадр-қиммати, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдирадиган тажовуз ҳисобланади.

“Товламачиликнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти шундаки, товламачилар нафақат мулкка, балки мулкчилик манфаатларининг мустақил шакли сифатида намоён бўлувчи бошқа (жумладан, мажбурият юкловчи, мерос бўлиб ўтувчи, уй-жой каби) мулккий муносабатларга ҳам тажовуз қилишади”.

**Товламачиликнинг объекти** ўзга шахсларнинг мулки ва мулккий ҳуқуқлари, яъни:

- ўзгалар мулки;
- мулккий ҳуқуқ, мулккий манфаат (шартнома-лар, тилхат, акция, вексель);
- мулккий йўсиндаги ҳаракатлар (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ҳисобланади.

**Товламачиликнинг предмети** ўзганинг мулки ёки мулккий ҳуқуқи ҳисобланади.

**Объектив томондан** товламачилик айбдорнинг мулкдордан била туриб, ғайриқонуний равишда ўзига ёки у кўрсатган шахсларга муайян мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд улар фойдасига муайян мулккий йўсиндаги ҳаракатлар қилишни

кўрқитиш йўли билан талаб этишда, шунингдек, жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйишда ифодаланади.

Товламачилик учун жиноий жавобгарликка тортишга, айбдорнинг зўрлик ишлатиш тўғрисидаги таҳдидини амалга оширган бўлиши шарт бўлмай, бундай талаб қўйилишининг ўзи етарлидир<sup>1</sup>.

Демак, объектив томондан товламачилик икки-та асосий элементдан иборат:

**1) товламачилик йўли билан талаб қилиш;**

**2) товламачилик йўли билан кўрқитиш.**

Мана шу 2 та элементнинг мавжудлиги жиноятни тамом бўлган, деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Талаб қилиш ёки кўрқитиш бошқа талон-торож қилиш жиноятлари, жумладан, талончилик, босқинчиликда ҳам бўлиб, ундай қилмишларда мулк кўрқитиш ёки талаб қилиш вақтидаёқ олинади, лекин товламачиликдаги кўрқитиш ёки талаб қилишда мулкни олиш келгусига қолдирилади ва мулк кейинчалик олинади.

Қилмишни товламачилик, деб топиш учун қуйидаги белгилардан бири бўлиши лозим:

**1) жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларини зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб,** ўзгандан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш.

**Зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш деганда,** айбдор томонидан жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари соғлиғига ҳар қандай шикаст (енгил, ўртача, оғир шикаст) етказиш, уриш, дўппослаш, номусга тегиш ёки ўлдириш кабилар билан кўрқитиб, мулккий манфаат талаб этилиши тушунилади. Бунда товламачилик бошқа жиноятлар (масалан, ЖК 112-моддаси (ўлдириш ёки зўрлик билан кўрқитиш) белгиларини ўз ичига қамраб олиб, қилмиш жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинмайди;

**2) жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларини тегишли мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш билан кўрқитиб,** ўзгандан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш.

**Мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан кўрқитиш деганда,** айбдор томонидан жабрланувчини унинг мулкига зарар етказиш билан кўрқитиб, унда мулкнинг бир қисмига шикаст етказиш ёки мулкни иқтисодий жиҳатдан умуман яроқсиз аҳволга келтиришини айтиб, кўрқитиши тушунилади. Агар айбдор мулкка шикаст етказиш

билан кўрқитгандан сўнг, мулкка шикаст етказган бўлса, қилмиш жиноятлар жами тариқасида ЖК 173-моддаси (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан квалификация қилиниши керак;

**3) жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб,** ўзгандан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш.

**Сир сақланиши лозим бўлган маълумотлар 2 турга бўлинади:**

**а) жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларини шарманда қилувчи маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиш деганда,** жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига тааллуқли бўлган ва содир бўлган маълумотларнинг ошкор бўлиши уларнинг шаъни ва қадр-қиммати, обрўсига путур етказишини билган ҳолда айбдор томонидан шу маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиш тушунилади.

**б) жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказадиган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиш деганда,** маълумотлар (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, оила сирини, тижорат сирини кабилар)нинг ошкор қилинишидан манфаатдор бўлмаган ва жабрланувчи ва яқин кишиларига тегишли бўлган ҳамда улар сир сақланишини хоҳлаганлигидан фойдаланиб, айбдор томонидан шу маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, товламачилик қилиш тушунилади.

Бунда айбдор (товламачи) ўз талабларини қўйишда турли: оғзаки, телефон, факс, хат, интернет ва бошқа усуллардан фойдаланиши мумкин, содир этиш усули квалификацияга таъсир этмайди.

**Жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш** деганда, жабрланувчи айбдор талаб қилган шартларни бажармаса, жабрланувчи ёки унинг яқинларининг ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд мулки хавф остида қолиши мумкинлигидан кўрқиб, айбдор талаб қилмаса-да, айбдор фойдасига бирон-бир ҳаракатни ихтиёрий равишда содир этиши тушунилади. Масалан, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди томонидан судланган Д. ўз жиноий танишлари А. ва У.лар билан ўзганинг мулкни товламачилик йўли билан эгаллаб олиш мақсадида Д. ва Х.ларнинг жинсий алоқада бўлганлик ҳолатини уяли телефон аппаратининг камераси орқали видеога олдилар. Жиноятни содир этишга танишлари М. ва Б.ларни ҳам жалб этган. Ушбу видеолаваҳа кўчирилган СК

дискнинг бир нусхасини Х.нинг хонадонига ташлаб кетиб, дискни қўлига олган Х.нинг холаси Г.га қўнғироқ қилган. Дискдаги видеолавҳани интернетда тарқатиб, шарманда қилиш билан қўрқитган ва улардан ушбу ҳаракатларни амалга оширмаслик эвазига 4 минг АҚШ доллари талаб қилган. Шунингдек, улар Х.нинг турмуш ўртоғи К.га ҳам қўнғироқ қилиб, қўлларида турмуш ўртоғи билан бошқа шахсларнинг видеолавҳаси борлигини, 4 минг АҚШ доллари бермаган тақдирда, видеолавҳани интернетда тарқатиб, шарманда қилиш билан қўрқитган. Улар жабрланувчининг мулкани ва мулкый ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиб, сўралган 4 минг АҚШ долларини олиш учун келган вақтда тезкор тадбир ўтказган вакиллар томонидан ушландилар. Уларнинг бошқарувида бўлган автоуловдан KPS-R-6701 русумли диск ўқийдиган плеер ва ушбу видеолавҳа бўлган 1 дона СК диск баённома тузиб олинган.

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар қўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда қўрқитиш амалга оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозим<sup>2</sup>.

Қандай бўлмасин мулкый манфаатдор бўлиш мақсадида товарларнинг бозорга эркин кириб келишига ҳар қандай йўсинда тўсқинлик қилиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бозордан сиқиб чиқариш, юқори нархларни сунъий равишда сақлаб туриш талабини қўйиш ва товар эгасига, бозор маъмурияти ёки ўзга шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш, уларни зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, мулкига шикаст етказиш ёки мулкани нобуд қилиш билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар товламачилик (рэкети) тариқасида ЖК 165-моддаси билан квалификация қилинмоғи лозим. Товламачилик мулкый манфаатдор бўлиш мақсадида талаб қўйишда ёхуд товламачи фойдасига мулкый характердаги ҳаракатларни содир этишда (товарни паст нархда ёхуд текинга беришда, товарни зўрлик ишлатиб олиб қўйишда кабилар) ифодаланиши мумкин, яъни айбдор томонидан жабрланувчини қўрқитиб, мулкни арзон нархда беришни талаб қилиши ҳам товламачилик ҳисобланади. Бозорга маҳсулот олиб

келган деҳқонни қўрқитиб, унинг маҳсулотларини бозор нархидан анча арзонроқ сотиб олишни бунга мисол қилса бўлади.

Товламачилик нафақат фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўпол бузувчи, балки иқтисодиётга ҳам катта зарар етказувчи жиноят бўлиб, ижтимоий хавфи жиддий ҳисобланади. ЖКнинг 165-моддасига кўра, товламачилик ўзганинг мулкани ёки мулкый ҳуқуқни топширишни, мулкый манфаатлар беришни ёхуд мулкый йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни тақозо қилишини судлар эътиборга олишлари керак. Шу сабабли, қарздордан ўзи берган қарзни талаб қилиш ЖКнинг 165-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмас, айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖК 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши мумкин. Қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учун фоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади<sup>3</sup>.

Товламачиликнинг асосий белгиларидан бири, бу айбдор томонидан ўзганинг мулкни талаб қилинишидир. Агар шахс жиноятни ўзига тегишли мулкни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб содир этса, унинг ҳаракатлари товламачилик сифатида эмас, бошқа жиноят таркиби, жумладан, ЖК 229-моддаси (ўзбошимчалик) билан квалификация қилиниши мумкин.

Товламачилик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини топшириш, мулкый манфаатлар бериш ёки мулкый йўсиндаги ҳаракатларни содир этишни талаб қилган (қўрқитган) ёхуд жабрланувчи ўз мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйилган пайдан эътиборан **тамом бўлган** ҳисобланади.

**Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг мотиви — фараз, мақсади эса — ғайриқонуний йўл билан мулкка эга бўлиш, мулкка эга бўлиш ҳуқуқини олиш ёки мулкый характердаги ҳаракатни содир этишдан манфаатдор бўлиш ҳисобланади.

Товламачиликнинг **субъекти** вояга етган, ақли расо, 14 ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган мулк дахлсизлиги давлатимиз томонидан тўлиқ қамолатланган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилдли. — Т.: Адолат, 2006. Биринчи жилд. Б. 51.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилдли. — Т.: Адолат, 2006. Биринчи жилд. Б. 221-222.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилдли. — Т.: Адолат, 2006. Биринчи жилд. Б. 119.

Бахтиёржон МУРОДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти  
бошлигининг ўринбосари, ю.ф.н., доцент

# ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ 325-МОДДАСИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

- ◆ Мақола ЖПКнинг 325-моддасида белгиланган қоидаларни амалий фаолиятда қўлланилиши, ушбу соҳада қонун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинмаган муаммоли ҳолатларни таҳлил қилишга бағишланган.
- ◆ Статъя посвящена анализу право применения правил установленных статьей 325 УПК, проблемными положениями нерегулируемыми законами и подзаконными нормативно-правовыми актами в данной сфере.
- ◆ The article analyzes the right application of the rules established by article 325 of the Criminal procedure code, the provisions of the problematic unregulated laws and legal acts in the field.

**Таянч сўзлар:** жиноят, жиноят ишини қўзғатиш, жиноятни ҳисобга олиш, Шакл-1, жабрланувчининг шикоят, жиноятлар мажмуи, баённома, жабрланувчининг аризаси.

**Ключевые слова:** преступление, возбуждение уголовного дела, учёт преступления, Форма 1, жалоба потерпевшего, совокупность преступлений, протокол, заявление потерпевшего.

**Key words:** crime and the prosecution, registration offenses, Form 1, the complaint of the victim, a series of crimes, the protocol, the statement of the victim.

2012 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жиноят-процессуал муносабатларда жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласини жабрланувчининг хоҳиш иродасидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш тартибини вужудга келтириши билан бирга, жиноят процессида “диспозитив”<sup>1</sup> нормаларнинг қўлланилишини янада кенгайтишига ва бу билан хусусий айблов институтини ривожланишига хизмат қилмоқда.

Мазкур нормани қўллаш учун: биринчидан, содир этилган жиноий қилмиш ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлардан бири билан баҳоланиши; иккинчидан, жабрланувчи томонидан айбдорни жавобгарликка тортиш ҳақида шикоят аризаси берилмаган бўлиши талаб этилади.

ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган шартлар ушбу нормани самарали қўлланиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бергандек кўрингани билан, ўрганилаётган асоснинг амалий фаолиятда қўлланилиши ушбу соҳада қонун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинмаган муаммоли

ҳолатлар мавжуд. Уларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

**1-ҳолат:** ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳолат бўйича, рад қилинган қилмиш “жиноят” сифатида эътироф этиладими?

Мазкур масала тўғридан-тўғри қонун нормалари билан эмас, балки қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги<sup>2</sup> ҳамда сўнгги йилларда қонунларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, белгиланган тартибда қонуности ҳужжатларда ўз аксини тўлиқ топмаётганлиги сабабли, терговга қадар текширув амалиётида турли хил тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Жумладан, ЖПКнинг 325-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топмаганлиги, қонуннинг мазкур нормасини амалиётчи ходимлар томонидан турли хил қўлланилишига сабаб бўлмоқда.

Буни биз ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳолат бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этишда “Шакл-1” карточкаси тўлдириш ёки тўлдирмаслик масаласини ҳал этиш бўйича

амалиётчи ходимлар ўртасида ўтказилган анкетик сўров натижаларидан ҳам кўришимиз мумкин. “ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳолат вужудга келса, қилмиш жиноят сифатида рўйхатдан ўтиши керакми?” мазмунидаги савол билан амалий фаолият ходимларига мурожаат қилганимизда, уларнинг 80 фоизидан ортиғи бу қилмишни “*жиноят сифатида рўйхатдан ўтказиш шарт бўлиб ҳисобланмаслигини, зеро қонуншунос айнан шунинг учун ҳам Жиноят кодексидаги 15 та жиноят турини 325-моддасида қайд этганлигини эътироф этди*”<sup>3</sup>. Билдирилган бу фикрни тўғри деб бўлмайди, чунки, юқорида қайд этганимиздек, қонуншунос бу қилмишларни Жиноят кодексидан жиноят сифатида чиқариб ташламади, балки, улар бўйича ишни қўзғатиш масаласини ҳал этишни жабрланувчининг ихтиёрига ҳавола этиш билан чегараланди. Шу билан бирга, фикримизни қуйидаги икки омил билан асослашга ҳаракат қиламиз:

— шахс Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятни (мисол учун 105-модданинг биринчи қисмини) қасддан содир этади. Бу билан шахс ўзининг ижтимоий хавфлилигини кўрсатади. Фақатгина жабрланувчининг кечирishi ҳисобига, ушбу шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш рад қилинади. Лекин бу билан, мазкур шахсни жиноят ишида айбсиз бўлган шахсга тенглаштириш нотўғри бўлиб ҳисобланади;

— ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган ҳолат, мазмунан чиқарилган амнистия акти билан жиноят ишини рад қилиш асосига жуда ҳам ўхшашдир. Агар, ЖПКнинг 325-моддаси бўйича жабрланувчи кечирса, амнистия актида Олий Мажлис Сенатининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси номидан кечирилган бўлиши талаб этилади. Эътиборли томони шундаки, жиноят ишини қўзғатиш масаласи амнистия акти билан рад этилганда, мазкур қилмиш жиноят сифатида рўйхатга қўйилади. Лекин шунга ўхшаш бўлган ҳолатда, яъни жабрланувчи кечирган вазиятда қилмиш жиноят сифатида рўйхатдан ўтказилмай келинмоқда. Ўрганилаётган ҳолатга мантқ қоидаларидан келиб чиққан ҳолда баҳо берадиган бўлсак, ЖПКнинг 325-моддасига мувофиқ, жиноят ишини қўзғатишни рад қилишда қилмиш жиноят сифатида рўйхатга қўйилиши шарт. Лекин бугунги кунга қадар 1998 йил 5 январдаги «Жиноятлар ва уларни содир этган шахсларни дастлабки ҳисобга олиш ҳужжатларини тўлдириш ва тақдим этиш тартиби, жиноят ишлари, жиноят ҳақидаги материалларнинг ҳаракати» ва «Жиноятларни ҳисобга олиш қоидалари ҳақидаги» йўриқ-номаларни тасдиқлаш тўғрисидаги 2-сонли қўшма буйруқда ЖПКнинг 325-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз ифодасини топмаганлиги сабабли, мазкур асос билан жиноят ишини қўзғатишни рад этишда “Шакл-1” карточкаларининг тўлдирилишини талаб қилиш

мумкин эмас.

Шунингдек, ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган ҳолат вужудга келса, жиноят ишини ЖПКнинг қайси асоси билан тугатиш лозимлиги бўйича ягона бир тўхтаб мавжуд эмас. Бугунги кунда ўрганилаётган асос бўйича баъзи бир вилоятларда жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми олтинчи банди билан рад этилаётган бўлса, бошқа ҳудудларда (аксарият ҳолатларда) ЖПКнинг 83-моддаси билан рад қилинмоқда.

Фикримизча, юқорида санаб ўтилган омиллардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг 1998 йил 5 январдаги 2-сонли қўшма буйруғига ўзгартириш киритилиши ва келгусида ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган ҳолат аниқланадиган бўлса, ЖПКнинг 84-моддасининг биринчи қисми 6-банди асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор чиқарилиши энг тўғри йўл бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун эса, ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 6-банди, яъни “*иш фақат жабрланувчининг шикоят билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно*” деган матнидан “*.. ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно*” деган жумлани чиқариб ташлаш талаб этилади. Чунки, ЖПК 84-моддаси биринчи қисми 6-бандининг амалдаги таҳрири 325-моддаси бўйича жиноят ишини рад этилишини истисно этади.

**2-ҳолат:** ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган Жиноят кодексининг 109-моддаси, 110-моддасининг биринчи қисми, 111-моддаси, 121-моддасининг биринчи қисми, 136-моддаси, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, шунингдек, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича, агар жиноятни бир нечта шахс содир этган бўлиб, жабрланувчи фақат уларнинг биттаси ёки бир нечтасини кечириб, қолганларига нисбатан жавобгарликка тортиш бўйича шикоят аризасини берган бўлса, кечирилганларига нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилиши, шикоят аризаси берилганларига нисбатан эса, жиноят иши қўзғатилиши лозим.

**3-ҳолат:** Ўта хавfli рецидивист деб топилган шахс ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган юқорида санаб ўтилган жиноятлардан бирини содир этса-да, лекин жабрланувчи шикоят аризасини бермаган бўлса, бу шахс “ўта хавfli рецидивист” деб топилган бўлишига қарамай, унга нисбатан жиноят ишини 325-модда талаблари асосида рад этиш мумкин. Чунки, мазкур нормаларда шахснинг “ўта хавfli рецидивист” деб топилиши, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилмаган. Агар ўта хавfli рецидивист деб топилган шахс томонидан ЖПКнинг 325-

моддасида қайд этилган ЖКнинг 105-моддасининг биринчи қисми, 118-моддасининг биринчи қисми ёки 119-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлардан бири содир этилса, жиноят иши қўзғатилиши шарт бўлиб ҳисобланади. Сабаби, бу белги мазкур жиноят таркибларида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилган.

**4-ҳолат:** Агар шахс жиноятлар мажмуини ташкил этадиган ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган бир нечта жиноятни содир этса, унга нисбатан 325-модда талаблари асосида жиноя ишини қўзғатишни рад этиш мумкинми, деган саволга, сўровда қатнашган суриштирув ва тергов органларининг 70 фоиздан ортиғи “мумкин эмас” деб жавоб берди<sup>4</sup>. Дарҳақиқат, амалдаги жиноят-процессуал қонун нормалари билан бу масала тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 6-сонли қарорида бир шахс томонидан бир неча жиноят содир этиладиган бўлса, амнистия актини қўллаб, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш мумкинлиги қайд этилган. Демак, бу ҳолатда ҳам ҳуқуқ аналогиясини қўллаган ҳолда, ЖПКнинг 325-моддаси бўйича жиноят иши қўзғатишни рад қилиш мумкин деган хулосага келиш мумкин.

Масалан, агар шахс ЖКнинг 109-моддаси ва 105, 118-моддаларнинг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятларни турли вақт оралиғида содир этса ва улар бўйича жиноят иши қўзғатилмай туриб, жабрланувчилар шикоят-аризасини беришдан бош тортадиган бўлсалар, ишни қўзғатиш масаласи ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида рад қилиниши лозим. Бу вазиятда энг муҳим омил, барча жиноий қилмишлар ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноят таркиблари билан (моддаси ҳам, қисми ҳам тўғри келиши лозим) бир хил баҳоланган бўлиши лозим.

**5-ҳолат:** Тергов амалиётида жиноятдан жабр кўрган шахс дастлаб ариза билан мурожаат этиб, кейинчалик жиноят иши қўзғатилгунга қадар, ўзи берган шикоят аризасидан воз кечиб, жиноят иши қўзғатмасликни илтимос қилиш ҳолатлари учрамоқда. Бундай вазиятларда ишни юритаётган мансабдор шахс қандай йўлдан бориши лозимлиги, қонун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинмаган.

Бизнинг назаримизда, бу каби вазиятларда ЖПКнинг 325-моддаси билан жиноят ишини қўзғатиш рад қилиниши керак. Сабаби, қонуншунос жиноятдан жабр чеккан шахсга шикоят бериш ёки бермаслик ҳуқуқини кафолатлаб қўйган. Бу эса, мазкур шахсга, ўзи берган шикоят-аризасини, жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарор қабул қилингунига қадар, қайтариб олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Чунки, жабрланувчилар шикоят-аризасини бериш жараёнида жиноятни ким содир

этанлигини билмасликлари ёки уларнинг эмоционал-руҳий ҳолатлари бузилган бўлиши мумкин. Маълум бир вақт ўтиб, ўзига келганида жиноят унинг яқин қариндоши, қўшниси ёки бошқа танишлари томонидан содир этилганлиги ёхуд бошқа сабаб туфайли жиноий қилмиш содир этган шахсни кечирганидан кейин аризани қайтариб олиш бўйича илтимос билан мурожаат этади. Айнан мазкур омил жабрланувчилар томонидан берилган шикоят-аризасини ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган тартибда қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади.

Бизнинг назаримизда мазкур қоида ариза ИИБ навбатчилик қисмларида юритиладиган «Шакл-1» ёки «Шакл-2» китобларида қайд этилган вақтларда ҳам қўлланилиши лозим.

**6-ҳолат:** Барчамизга маълумки, тузалишнинг биринчи шarti — шахснинг ўз айбига иқроор бўлишдир. Гарчи, 325-модда билан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш учун, жиноий қилмишни содир этган шахснинг айбига иқроор бўлиши талаби амалдаги жиноят-процессуал қонун нормасида тўғридан-тўғри қайд этилмаган бўлса-да, ишни юритаётган мансабдор шахс, қилмиш (жиноят) айнан мазкур шахс томонидан содир этилганлигини исботлаши билан бирга, шахснинг айбига иқроорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчига етказилган зарарни ихтиёрий қоплаганлигини аниқлаши талаб этилади. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолатга яраштирув институтининг шартларини (айбига иқроорлиги, етказилган зарарни қоплаганлиги, жабрланувчи билан ярашганлиги) татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**7-ҳолат:** ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар ИИБнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилиб, мазкур хабар асосида терговга қадар олиб борилиши мумкин бўлган барча суриштирув ва тергов ҳаракатлари ўтказилиши талаб этилади. Зеро, содир этилган қилмиш айнан ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби билан қамраб олинишига шубҳа қолмаслиги шарт. Бунинг учун эса, ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида жиноят иши қўзғатишни рад қилишга қадар қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши лозим:

◆ *ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш.* Мазкур тергов ҳаракатининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, содир этилган жиноят кимлар томонидан, қачон, қаерда ва қандай шароитларда содир этилганлигини аниқлаб олиш имконини беради. Лекин, амалий фаолият ходимлари томонидан 325-моддада назарда тутилган асос билан рад этилган иш материалларини ўрганганимизда, уларнинг аксариятида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилмаганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, ушбу тергов ҳаракати давомида олинган маълумотлар шахснинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беришда муҳим

аҳамият касб этади. Масалан, агар ЖКнинг 105, 118, 119-моддаларида назарда тутилган жиноятлар икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан содир этилганлиги маълум бўлса, ушбу ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади ва ишни ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 6-банди билан рад қилиб бўлмайди;

◆ *жабрланувчидан ҳолат бўйича кўрсатмаларни тўлиқ олиш (тушунтириш хатида).* Дарҳақиқат, қонуншунос жабрланувчига ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича ариза бериш ёки бермаслик ҳуқуқини кафолатлаб қўйган. Лекин, мазкур шахсдан ҳолат бўйича тушунтириш олишни (тушунтириш хати шаклида) тақиқлаб қўймаган. Шунинг учун ҳам, ишни юритаётган мансабдор ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича жабрланувчи ариза ёзишдан бош тортган ҳолатларда ҳам, ундан ҳолатни батафсил ёритиб берадиган тушунтириш хатини олиши лозим;

◆ *жиноят натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлаш.* Жиноят натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлаш, баъзи бир ҳолатларда тегишли қилмишнинг квалификациясига тўғридан-тўғри таъсир этиши мумкинлиги туфайли 325-модда билан рад қилишда муҳим ҳисобланади. Айнан мазкур омил, рад этилаётган ҳар бир иш бўйича етказилган зарар миқдорини аниқлаш лозимлигини тақозо этади;

◆ *жиноят содир этган шахснинг мақсад ва мотивларини аниқлаш.* Ҳар бир ҳолатда ишни юритаётган мансабдор шахс, жиноятни содир этишда шахснинг мақсад ва мотивлари нималардан иборат бўлганлигини аниқлаб олиши лозим. Зеро, агар ЖКнинг 105, 139-моддаларида назарда тутилган жиноятлар *“тамагирлик”, “ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир қилинса”* жиноят ишини 325-модда талаблари бўйича рад қилиш мумкин эмас;

◆ *экспертиза тайинлаш.* ЖПКнинг 173-моддаси биринчи қисми биринчи бандида *“етказилган тан жароҳатининг хусусияти ва оғирлик даражасини”* аниқлаш бўйича экспертиза ўтказилиши шарт эканлиги белгиланган бўлса-да, республикамизнинг аксарият ҳудудларида агар жабрланувчи қаршилик қилса, суриштирув органлари томонидан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноий қилмишлар бўйича шикастнинг хусусияти ва унинг оғирлик даражасини аниқлаш бўйича экспертизалар ўтказилмай келинмоқда. Бундай ҳолатларда ишни юритган профилактика инспектори ёки тезкор-қидирув ходими ўзининг ҳаракатларига қонуний тўс бериш мақсадида *“жабрланувчиларни экспертизадан ўтишдан бўйин товлаганлигини акс эттирувчи баённома ёки далолатнома”* тузиш билан чекланиб, жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддаси иккинчи банди билан қонунга зид равишда рад қилмоқдалар. Бу ҳаракатлари билан улар, қонун нормалари талабларини қўпол равишда бузиб,

ҳисобга қўйилиши лозим бўлган жиноятни ҳисобга қўймай келмоқдалар. Ваҳоланки, юқорида қайд этганимиздек, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказилиши шарт бўлиб, агар жабрланувчи ихтиёрий равишда экспертизадан ўтмаса ёки ўтишдан бўйин товласа, амалдаги ЖПКнинг 180-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчининг қарори асосида мажбурий равишда ўтказилиши мумкин. Бу эса, ҳар бир етказилган тан жароҳатлари билан боғлиқ вазиятларда экспертиза ўтказилишини мажбурий қилиб белгилайди;

◆ *жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва унинг ўзига хос белгиларини ўрганиш.* Агар қилмиш ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган жиноят сифатида баҳоланса-да, лекин мазкур жиноятни содир этган шахс жавобгарликка тортиш ёшига етмаган бўлса, жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 7-бандига мувофиқ рад этилиши керак. Худди шу тартиб, агар жиноятни содир этган шахс ақли норасо бўладиган бўлса, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши лозим<sup>5</sup>. Бундай вазиятларда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят сифатида ҳисобга олинмайди. Чунки, қонуншунос бу каби қилмишларни жиноят сифатида эътироф этмаган;

◆ *жабрланувчининг ўзига хос белгиларини ўрганиш (ёши, жиноят содир этган шахсга қариндошлиги, ҳомиладорлиги ва бошқалар).* Бу омилларни ўрганиш 325-моддаси билан ишни рад қилишда жуда муҳим саналади. Чунки, агар жабрланувчининг ЖКнинг 105-моддаси бўйича *“ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлса”, 118 ва 119-моддалар бўйича “вояга етмаган бўлса”* ишни ўрганилаётган асос билан рад этиш мумкин эмас. Зеро, юқорида санаб ўтилган белгилар, ЖКнинг 105, 118 ва 119-моддаларида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланган;

◆ *жиноят содир этган шахснинг муқаддам судланган ёки судланмаганлигини аниқлаш.* Мансабдор шахс иш бўйича талабнома юбориши ва жавобини олмаганига қадар жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилмаслиги лозим. Чунки, агар шахс муқаддам айнан мазкур турдаги жиноятни содир этган бўлиб, *“судланганлик”* ушбу жиноят таркибида оғирлаштирувчи белги сифатида квалификация қилинишига сабаб бўлса, бундай қилмиш ЖПКнинг 325-моддасида келтирилган жиноят таркиблари доирасидан чиқиб кетади.

**8-ҳолат:** ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноятлар содир бўлганда ишни юритаётган мансабдор шахс томонидан олиб борилиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги, тузилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар тизими амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларида ўз ифодасини топмаган. Бу эса, ўрганилаётган асос билан рад этилаётган ишларнинг мазмунан ва

шаклан турли хил бўлишига, бирида мавжуд процессуал ҳужжатнинг иккинчисида йўқлиги олиб келмоқда. Айнан мазкур омил, ЖПКнинг 325-моддаси бўйича тузилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар тизimini ишлаб чиқилиши қанчалик зарур эканлигини кўрсатади.

Бизнинг назаримизда, ушбу ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

**1) Баённома.** Мазкур ҳужжатда жабрланувчининг шикоят-аризасини бериш ёки беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда у шикоят-аризасини ёзишдан бош тортадиган бўлса, шахс жиноий жавобгарликдан озод бўлиши ва келгусида мазкур иш бўйича шикоят-аризасини бериш ҳуқуқидан маҳрум этилиши тушунтирилган бўлиши лозим. Бизнинг назаримизда, мазкур баённома ЖПКнинг 325-моддасида белгиланган 15 та жиноят тури бўйича қўзғатилган барча ишларда ҳам бўлиши шарт.

**2) Жабрланувчининг аризаси.** Ушбу ҳолатда мантиқий савол туғилади, яъни жабрланувчининг ариза бермаслик ҳуқуқини ариза олиш йўли билан амалга оширилиши тўғрими? Бизнинг назаримизда, бу йўл тўғри. Чунки, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги ариза-шикоят билан жиноят ишини қўзғатилмасликни сўраб берилган аризанинг мазмуни бир-биридан тубдан фарқ қилади. Қолаверса, амнистия акти билан рад қилиш ва ярашув институтини қўллаш давомида ариза олиш билан боғлиқ тергов амалиёти, ўрганилаётган ҳолат бўйича ҳуқуқ аналогияси сифатида хизмат қилади.

**Жабрланувчининг аризасида** — 325-модда талаблари асосида жабрланувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилганлиги, шикоят-аризасининг ихтиёрий ёзилганлиги, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс томонидан етказилган зарар қопланганлиги (миқдори аниқ кўрсатилиши лозим), жабрланувчига келгусида мазкур иш бўйича фуқаровий даъво аризасини қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши, жабрланувчи жиноятни содир этган шахсни кечирганлиги ва жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор

чиқариладиган бўлса, жиноий қилмиш содир этган шахсни жавобгарликка тортишни сўраб шикоят-аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши тушунтирилган бўлиши шарт.

Бизнинг назаримизда, жиноят ишини 325-моддада назарда тутилган тартибда рад қилиш учун жиноий қилмиш содир этган шахс аниқланган ва терговга қадар текширувда иштирок этаётган бўлиши шарт. Чунки, ЖПКнинг 84-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, шахс жиноят ишини рад этилишига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига эга.

**3) жиноий қилмиш содир этган шахснинг аризаси.** Ушбу ҳужжат жиноий қилмиш содир этган шахснинг мазкур асос бўйича жиноят ишининг рад этилишига қарши эмаслигини тасдиқлаш учун олинади.

**Жиноий қилмиш содир этган шахснинг аризасида** — 325-модда талаблари асосида жиноий қилмиш содир этган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги, ариза ихтиёрий ёзилганлиги, содир этган ижтимоий хавфли қилмиш натижасида етказилган зарарни қоплаганлиги (миқдори аниқ кўрсатилиши лозим), содир этилган жиноий қилмиш бўйича айбига тўлиқ иқрорлиги, пушаймонлиги ва келгусида жиноят содир этмаслиги бўйича ваъдалари ўз аксини топган бўлиши лозим.

**4) Баённома.** Мазкур ҳужжат жабрланувчи ва жиноий қилмишни содир этган шахснинг ярашганлигини (ўзаро келишганлигини) тасдиқлаш учун тузилади.

**5) Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор:** мазкур қарор юқорида кўрсатилган барча талаблар бажарилгандагина қабул қилиниши лозим.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, амалдаги ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатишни рад қилиш юзасидан ишлаб чиққан таклиф ва тавсияларимиз жиноят-процессуал муносабатларни эркинлаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни янада ривожланишига хизмат қилади.



<sup>1</sup> Диспозитивлик (лот. *dispono* — ўз ихтиёридан келиб чиқиб иш юритиш) фуқаролик процессининг демократик принципларидан бири бўлиб, ишда иштирок этаётган шахсларга суднинг фаол ёрдами билан ўзларининг моддий ва процессуал ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятининг яратиб берилишидир. Қаранг: Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т., 2001. — Б. 130;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг 1998 йил 5 январда қабул қилинган «Жиноятлар ва уларни содир этган шахсларни дастлабки ҳисобга олиш ҳужжатларини тўлдириш ва тақдим этиш тартиби, жиноят ишлари, жиноят ҳақидаги материалларнинг ҳаракати» ва «Жиноятларни ҳисобга олиш қоидалари ҳақидаги» йўриқномаларни тасдиқлаш ҳақидаги 2-сонли қўшма буйруғи.

<sup>3</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилояти ИИБ профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув ходимлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари.

<sup>4</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилояти ИИБ профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув ходимлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари.

<sup>5</sup> Колтяев А. Ю. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Алматы, 2009. — С.17.

Адхам ОДИНАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари кафедре бошлиғи в.б.

## ПОРА БЕРИШ ВА ПОРА ОЛИШ- БЕРИШДА ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИГА ЖАЗО КУЧАЙТИРИЛДИ

◆ Мақолада 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг пора бериш ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган 211 ва 212-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асосий мазмуни ёритиб берилган.

◆ В статье освещается основная суть введенных изменений и дополнений 14 мая 2014 года в статьи 211-212 Уголовного Кодекса Республики Узбекистан устанавливающие ответственности за дачу взятки и посредничества во взяточничестве.

◆ The article is devoted to the main essence of the amendments to article 211-212 on 14 May 2014 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan established liability for bribery and mediation in bribery.

**Таянч сўзлар:** пора, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, порахўрлик, коррупция, мансабдор шахс, жиний жавобгарлик, муддат, товламачилик, пушаймонлик.

**Ключевые слова:** взятка, получение взятки, дача взятки, посредничество во взяточничестве, взяточничество, коррупция, должностное лицо, уголовная ответственность, срок, вымогательство, раскаяние.

**Key words:** bribe, accepting a bribe, bribery, mediation in bribery, bribery, corruption, officer, criminal responsibility, term, extortion, remorse.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар сифат жиҳатдан янада юқори поғоналарга кўтарилиб, жаҳон ҳамжамияти этироф этадиган даражага етишди. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш, айниқса, мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг олдини олиш ва уларни фош этиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими асосан мансабдор шахсларнинг пора олиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган бўлиб, уларни пора олишга қизиқтирувчи, воситалик қилувчи ва бевосита пора берувчиларнинг кўп ҳолатларда жиний жавобгарликдан қутулиб қолаётганлиги, ушбу тоифадаги жиноятларни камайтиришга қаратилган ишларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 2014 йил 14 майда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди<sup>1</sup>.

Ушбу Қонун 29 та моддадан иборат бўлиб,

унга асосан Ўзбекистон Республикасининг 6 та кодекс ҳамда 21 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек айримлари бекор қилинди.

Ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган энг асосий қонун ҳужжатларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳисобланиб, ушбу кодекснинг 211-212-моддаларига киритилган бу ўзгартиш ва қўшимчалар бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар сирасига кирувчи порахўрлик жиноятига бағишланган.

Унга кўра, пора бериш, яъни мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш **энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**. Илгари бу қилмиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бара-

варигача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган эди.

Агар пора бериш такроран, хавфли рецидивист томонидан кўп миқдорда содир этилган бўлса, **беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**. Аввал бу ҳаракат уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланарди.

Мабодо пора бериш жуда кўп миқдорда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, **ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**. Эски таҳрирдаги модда санкциясида бунинг учун беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган эди.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда **ўттиз сутка мобайнида** ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Шуни қайд этиш керакки, янги ўзгартишларга биноан, пора беришга воситачилик қилганларга жавобгарлик кучайтирилди. Унга мувофиқ, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш **энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**. Илгари бундай хатти-ҳаракатлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган эди.

Агар воситачилик қилиш такроран, хавфли рецидивист томонидан кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида ёки бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, **беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**. Илгари бундай қилмиш учун уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланар эди.

Мабодо пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳақ эвазига жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида ҳамда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, **ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**. Аввалги қоида бўйича бундай жи-

ноятлар беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо тайинланган.

Эски таҳрирдаги моддада пора берган ёки воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин **исталган вақтда** бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинар эди. Янги киритилган ўзгартиришга кўра, эндиликда бу муддат **ўттиз сутка** қилиб қатъий белгиланди.

Жиноят кодексининг 211-212-моддаларида белгиланган муддатлар ЖПКнинг 314-моддаси талабларига мувофиқ келади. Хусусан, муддатлар жиноий ҳаракатлар содир этилган куннинг эртасидан бошлаб, дам олиш кунларини ҳам эътиборга олган ҳолда ҳисобланади. Муддатнинг охири суткаси аризани қабул қилаётган органнинг иш вақти тамом бўлиши билан тугайди. Агар муддатнинг охири куни дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, муддат шундай кейинги биринчи иш кунида тугайди.

Пора сўраб товламачилик қилинган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод қилиш шартлари Жиноят кодексининг 211-моддаси 4-қисми ҳамда 212-моддаси 4-қисмида қатъий белгиланган қуйидаги талабларнинг барчаси мавжуд бўлгандагина шахс жавобгарликдан озод этилиши мумкин:

— товламачилик йўли билан пора талаб қилинган ҳолатнинг далиллар асосида тўлиқ тасдиқланганида;

— ариза қонунда назарда тутилган муддатда, яъни ўттиз сутка давомида тақдим қилинганда;

— ҳар қандай ноқонуний ташқи таъсирлардан (жисмоний, руҳий) холи тарзда ўз ихтиёри билан арз қилинганда;

— пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлик билдирган ҳолатда;

— пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс ушбу жиноятни очишда фаол иштирок этганида.

Қонуннинг бешта талабидан бирортаси мавжуд бўлмаганида пора берганлик ёки воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилинишига йўл қўйилмайди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикасида пора олиш (210-модда), пора бериш (211-модда) ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда) жиноятлари учун жазолар тизими бир хил кўринишга келтирилди. Илгари пора олиш (210-модда) жиноятининг жазоси пора бериш ва воситачилик қилишдан оғирроқ қилиб белгиланган эди.

Хулоса шуки, Жиноят кодексига киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, корруп-

ция билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, энг асосийси порахўрлик сингари давлат ҳокимиятини обрўсизлантирадиган, халқаро майдонда давлат тўғрисида салбий тасаввурлар пайдо қиладиган, уюшган жиноятчиликнинг ривожланиши учун шароит яратадиган, демократлаштириш ва модернизация жараёнларини секинлаштирадиган, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга тўсқинлик қиладиган салбий иллатга қарши самарали кураш олиб боришга хизмат қилади.

### **Порахўрликка оид тарихий ва замонавий фактлар**

1. Қадимги Русда Пётр I даврида ҳар қайси шаклда пора олиш жиноий иш ҳисоблана бошланди, чунки мансабдор шахслар белгиланган миқдорда маош ола бошладилар. Хусусан, Сибир губернатори Гагарин коррупцияда фош этилди ва осиб ўлдирилди.

2. Екатерина II эса ўз навбатида юмшоқроқ ҳаракат қилган эди. У пораларни ман қилди-ю, лекин порахўрлар қатл қилинмаган. Уларнинг исмлари омма таниб олиши учун эълон қилинган эди.

3. Финляндияда пора учун 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши мумкин. Бундан ташқари, мансабдор шахсга маълум бир лавозимларни эгаллашга рухсат берилмаслиги ҳам мумкин.

4. Германияда порахўрлар жарима ва 3 йил

муддатгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Худди шу хатти-ҳаракатлар судьялар томонидан бажарилса, жазолар яна ҳам жиддийроқ бўлади. Улар 10 йил муддатгача озодликдан маҳрум қилинадилар.

5. Францияда саноат ёки тижорат корхоналар бошлиқлари ёки хизматчилари пора учун 7 йилгача, мансабдор шахслар эса 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини оладилар.

6. Италияда пора учун 4 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши мумкин.

7. АҚШ қонунчилиги порахўрлик учун жарима тўлаш жазосини қўллайди. Бунда пора қийматининг уч баравари миқдорда жарима ёки 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилди. Иккала жазо суд ҳукмига қараб баравар қўлланилиши ҳам мумкин.

8. Буюк Британияда порахўр ҳибсга олиниши ёки пора қийматига тенг тўловни амалга оширишга ҳукм қилинади. Бунга қўшимча равишда у бирор оммавий мансабга 7 йил муддатга сайланиш ёки тайинланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

9. Пора учун энг қаттиқ жазолар замонавий коммунистик мамлакат — Хитойда амал қилади. У ерда порахўрларга ўлим жазоси берилади, хусусан, сўнги ўн беш йил ичида порахўрлик жиноятини содир этгани учун 10 минг нафар мансабдор шахс отиб ташланди.



<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 222-модда.

Комрон НИГМАТОВ,  
главный консультант Исследовательского центра  
при Верховном суде Республики Узбекистан

## РОЛЬ ПРОВЕДЕНИЯ МОНИТОРИНГА ИСПОЛНЕНИЯ ЗАКОНОВ НАПРАВЛЕННОГО НА УСТРАНЕНИЕ НЕДОСТАТКОВ В СУДЕБНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

- ◆ Мақолада суд ҳокимияти томонидан суд қонунчилигидаги камчиликларни бартараф этиш ва ғайриҳуқуқий суд қарорларини қабул қилинишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказиладиган мониторинг институтининг моҳияти ва аҳамити ёритиб ўтилган.
- ◆ В статье раскрывается понятие и роль проведения мониторинга судебной властью в целях устранения недостатков в судебном законодательстве и недопущения вынесения непропорциональных судебных решений.
- ◆ Article dedicated to the concept and a role of hold monitoring by the judicial power with a view of elimination lacks in judicial legislation and prevent adjudication unlawful judicial decisions.

**Таянч сўзлар:** суд, мониторинг, қонун, назорат, суд қарори, қонун ижодкорлиги, мониторинг тартиби, мониторинг усуллари.

**Ключевые слова:** суд, мониторинг, закон, контроль, судебное решение, нормотворчество, порядок мониторинга, способы мониторинга.

**Key words:** court, monitoring, law, control, judicial decision, lawmaking, monitoring procedure, monitoring ways.

Создание Исследовательского центра по демократизации и либерализации судебного законодательства и обеспечению независимости судебной системы при Верховном суде Республики Узбекистан (далее Центр) стало логическим продолжением начатых Президентом страны реформ в судебной-правовой сфере. Глава нашего государства уделяет повышенное внимание совершенствованию деятельности судов, росту авторитета этой независимой ветви власти, гарантирующей судебную защиту прав и свобод человека. В течение последнего времени внесен ряд прогрессивных изменений в действующее законодательство, в частности, введена специализация судов, отменена смертная казнь, право выдачи санкции передано в суд, а также реорганизованы институты адвокатуры и амнистии и т.д.

В соответствии с п. 6 Положения об Исследовательском центре по демократизации и либерализации судебного законодательства и обеспечению независимости судебной системы, Центр имеет право проводить мониторинг практики при-

менения нормативно-правовых актов в деятельности судов. За последние годы Центром проведены несколько десятков целенаправленных мониторингов для решения задач подготовки предложений по повышению авторитета и укреплению независимости судебной власти, недопущению вынесения непропорциональных судебных решений и искоренению фактов вмешательства в деятельность суда. Вначале изучения хотелось бы остановиться на этимологии самого термина "мониторинг". Некоторые ученые утверждают что термин "мониторинг" происходит от английского языка, другие же указывают на его латинскую основу. Так, слова "moneo", "monitor", "monitorius", "monitum", "monitus" являются однокоренными. При этом все они многозначны. Переводя указанные слова можно встретить слова "наказывать", "надзиратель", "предупреждающий" и т.д.

В ходе правотворческой деятельности государственных органов существует риск принятия неэффективного закона, что может привести к нестабильности регулируемых им правоотношений, в других случаях, некоторые лица не хотят со-

блюдовать закон и нарушают его предписания либо не умеют применять закон, что тоже приводит к его нарушению. Причины, подобным явлениям могут быть самыми разными. Это и низкая осведомленность населения об их правах и обязанностях, попытки заменить закон подзаконными актами, несогласованность между собой правовых норм, содержащихся в законе, и часто сменяющие друг друга реформы в административной, гражданской и другой сфере. Подобные явления отрицательно влияют на отношение правоприменителей к закону, понижает его значимость, и может вызвать желание найти более легкие, но незаконные пути решения своих проблем.

Деятельность судебной ветви власти, и вообще любого другого государственного органа станет эффективной, а в правосознании граждан будет сформировано уважение к власти и правам граждан только тогда, когда запланированные результаты правового регулирования тех или иных правоотношений совпадут с фактическими итогами. Решение вопроса, как и кто должен профессионально оценивать реальную эффективность принятого закона и обучать правоприменителей правильно его реализовывать возложено на органы, наделенных полномочиями по проведению контроля над исполнением законов путем применения такого правового института, как мониторинг закона.

Между тем, необходимо отметить, что контроль над исполнением законов в судебно-правовой сфере имеет свой особый и специфический характер. Поскольку в соответствии со ст. 112 Конституции Республики Узбекистан, судьи независимы, подчиняются только закону и какое-либо вмешательство в деятельность судей по отправлению правосудия недопустимо, и влечет ответственность по закону. Иными словами, закон не допускает осуществлять контроль за деятельностью суда по отправлению правосудия. Только специально уполномоченные лица в судебном законодательстве вправе давать жалобы или приносить протесты на решения или незаконные действия суда. Таким образом, право, условно именуемого в данном случае контролем за ходом осуществления судебной деятельности, принадлежит самим участникам каждого конкретного судебного процесса, чьи процессуальные права и обязанности предусмотрены в процессуальном законодательстве. Данное высказывание относится к судам общей юрисдикции, хозяйственным и военным судам. Иное дело обстоит с Конституционным, Верховным и Высшим хозяйственным судом.

В силу ст. 108 Конституции Республики Узбекистан, Конституционный суд Республики Узбекистан рассматривает дела о конституционнос-

ти актов законодательной и исполнительной власти. Расширенное толкование указанного полномочия отражено в ст. 1 Закона Республики Узбекистан "О Конституционном суде Республики Узбекистан". Конституционный суд Республики Узбекистан осуществляет проверку соответствия законов Республики Узбекистан и постановлений палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, указов Президента Республики Узбекистан, постановлений правительства и местных органов государственной власти, межгосударственных договорных и иных обязательств Республики Узбекистан с Конституцией Республики Узбекистан. Для реализации указанного полномочия требуется внесение соответствующих вопросов на рассмотрение Конституционным судом специально уполномоченными лицами, предусмотренных упомянутым законом. Исходя из того, что Конституционный суд и его судьи в своей деятельности независимы и подчиняются только Конституции Республики Узбекистан, Конституционный суд фактически имеет право осуществлять мониторинг любого законного, подзаконного или международного договора Республики Узбекистан путем определения и дачи заключения о соответствии указанных документов Конституции Республики Узбекистан.

Остановившись на деятельности Верховного суда Республики Узбекистан через призму осуществления мониторинга выполнения законов, Верховный суд Республики Узбекистан обладает правом надзора за судебной деятельностью верховных судов Республики Каракалпакстан, областных, городских, межрайонных, районных и военных судов. Кроме этого, в ст. 12 Закона Республики Узбекистан "О судах" указывается, что Верховный суд осуществляет контроль за выполнением судами руководящих разъяснений Пленума Верховного суда. Так, Верховный суд Республики Узбекистан оценивает текущее состояние объекта мониторинга, в данном случае разъяснений Пленума Верховного суда. Изучение влияния объекта мониторинга на определенные правоотношения, связанные, например, с судебной защитой прав граждан, с обеспечением или защитой других интересов физических и юридических лиц, позволяет выявить и, по возможности, своевременно устранить недостатки в законодательстве, коллизии, как между отдельными объектами мониторинга закона, так и в рамках одного объекта мониторинга закона. В этой связи значительную роль играет Председатель Верховного суда Республики Узбекистан, который организует работу по обобщению судебной практики, а также по осуществлению контроля за выполнением руководящих разъяснений Пленума Верховного суда. Ведь регулируемые судебным законодательством правоотношения не

являются статичными, им свойственно развиваться и, как следствие, изменяться. Отслеживание данного процесса является целесообразным не только Верховным судом и Центром, но и заинтересованными лицами с целью своевременного, опережающего правового регулирования таких правоотношений. Эта деятельность позволит предотвратить нежелательные последствия, которые могут наступить в ходе реализации процессуального законодательства.

Что касается Высшего хозяйственного суда, то ст. 42 Закона Республики Узбекистан "О судах" гласит, что Высший хозяйственный суд, кроме осуществления контроля за выполнением хозяйственными судами руководящих разъяснений Пленума, также проверяет деятельность нижестоящих хозяйственных судов, изучает, обобщает и распространяет положительный опыт организации работы хозяйственных судов. В этом аспекте, отмеченный закон наделил Высший хозяйственный суд более широкими полномочиями, чем Верховный суд Республики Узбекистан. Также, как и председатель Верховного суда Республики, председатель Высшего хозяйственного суда организует работу по обобщению судебной практики, а также по осуществлению контроля за выполнением руководящих разъяснений Пленума Высшего хозяйственного суда. В данном случае, субъектами, условно называемого мониторинга закона предлагается считать специально уполномоченные органы судебной власти, и их должностных лиц, а также специально созданные государством структуры, например как Центр, которые в соответствии с законодательством обладают полномочиями по проведению мониторинга практики применения нормативно-правовых актов в деятельности судов. И от правильности и эффективности действий участников судебной деятельности, на которое оказывает влияние большое количество объективных и субъективных факторов, зависит правильность реализации судебного законодательства. Задача мониторинга законодательства в данном случае заключается в выявлении указанных факторов и в оценке их влияния на эффективность действий участников судебной деятельности.

Наконец, особую роль в недопущении вынесения неправомερных судебных решений и дальнейшей демократизации судебного законодательства играет Центр, который уполномочен Президентом Республики Узбекистан, осуществлять мониторинг практики применения нормативно-правовых актов в деятельности судов. В настоящий день Центром выработан специальный подход по осуществлению данного полномочия в пределах правил установленных законодательством. Осуществление мониторинга судебного законодательства предполагает обязательное

наличие полной и достоверной информации о текущем состоянии законодательства, о статистических и иных видах данных. Для того чтобы источники мониторинговой информации могли быть использованы в любое время, они должны поддерживаться в контрольном состоянии, быть систематизированы в зависимости от задач, стоящих перед мониторингом конкретных норм закона.

Для оценки объектов мониторинга судебного законодательства разрабатываются как общие, так и особенные критерии. Общие критерии выработаны Центром заранее, именно на стадии организации мониторинга. Впоследствии эти критерии применяются при проведении всех или большинства мониторингов конкретных законов. Что касается особенных критериев, то они определяются в каждом конкретном случае, исходя из особенностей содержания, сферы правового регулирования и иных индивидуальных особенностей объекта мониторинга судебного законодательства, а также из конкретных задач проведения мониторинга. Для решения тех задач, которые ставят перед собой Центр, можно выделить несколько способов проведения мониторинга судебного законодательства: изучение, анализ объекта мониторинга по заданным критериям оценки; затребование документов, информации у судов, которые дают представление о состоянии объекта мониторинга в тех или иных судах, их изучение и формирование выводов о состоянии объектов мониторинга; проведение изучения исполнения закона и связанного с ним правового комплекса; обмен информацией, мнениями и опытом о состоянии объекта мониторинга между субъектами и участниками мониторинга; анализ судебных решений, и других процессуальных документов. Безусловно, приведенный перечень, не является исчерпывающим и содержит основные из способов осуществления мониторинга закона.

В судебной практике мониторинг может осуществляться по объекту изучения закона: отдельно, проводимого в отношении одного объекта мониторинга; комплексно, проводимого в отношении правового комплекса, нескольких объектов мониторинга; тематически, проводимого в отношении объектов мониторинга, объединенных одной темой исследования; или отраслевой, проводимого в отношении объектов мониторинга, относящихся к одной отрасли права.

Условно стадии проведения мониторинга Центром состоят из подготовительного, основного и заключительного этапа. Подготовительная стадия включает в себя: правовое и организационное обеспечение организации и проведения мониторинга закона, формирование системы источников информации, обеспечивающих проведение

мониторинга закона и определение вышеотмеченных критериев оценки мониторинга. Основная стадия включает в себя: определение объекта и участников мониторинга судебного законодательства путем составления вопросника и изданием соответствующих актов, выбор общих и определенных особенных критериев оценки мониторинга, выбор способов проведения мониторинга, системное отслеживание состояния объекта мониторинга закона по выбранным критериям оценки и с помощью выбранных способов его ведения, составление информационных, аналитических и иных материалов на основании полученных результатов слежения за состоянием объекта мониторинга, формулирование предложений исходя из результатов мониторинга, доведение результатов мониторинга до сведения Председателя Верховного суда Республики Узбекистан. И, наконец, заключительная стадия мониторинга включает в себя, выбор способов реализации результатов мониторинга и их претворение на практике, а также наблюдение за ходом реализации результатов мониторинга судебного законодательства. Хотелось бы отметить,

что мониторинг судебного законодательства можно считать состоявшимся только тогда, когда его результаты будут реализованы на практике.

В заключение данного исследования можно отметить, что выявление причин недостаточной эффективности судебного законодательства и его применения на практике направлено на то, чтобы с помощью организационных и правовых возможностей субъектов и участников мониторинга, повысить уровень законности и правопорядка в стране, степень правосознания и правовой культуры граждан, юридических лиц и государственных органов. Однако в настоящее время институт мониторинга недостаточно подкреплен четко сформулированными, общепризнанными методологическими, научными исследованиями и выводами. Таким образом, мониторинг в судебной сфере, как один из актуальных правовых институтов, базирующийся на закрепленных в правовых актах методологических, правовых и организационных основах его осуществления, должен занять приоритетное место в строительстве демократического правового государства.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- ◆ Мақола мамлакатимизда ОИВ касаллигининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда мазкур соҳасидаги шакллантирилган ҳуқуқий базасига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена мероприятиям по противодействию заболеванию ВИЧ, а также сформированной правовой базе в данной сфере в стране.
- ◆ The article is devoted to activities to prevent HIV disease, and formed the legal framework in this field in the country.

**Таянч сўзлар:** ОИВ, ОИТС, диагностика лабораториялари, соғлиқни сақлашнинг миллий модели, иммунитет.

**Ключевые слова:** ВИЧ, СПИД, диагностические лаборатории, национальная модель здравоохранения, иммунитет.

**Key words:** HIV, AIDS, diagnostic laboratories, a national model of health, immunity.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойили асосий омил бўлмоқда.

Республикада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиология муҳитининг барқарорлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар инсон саломатлигини асраш, гиёҳвандлик, одамнинг иммунитет танқислиги вирус инфекцияси — ОИТС каби миллий менталитетимизга хос бўлмаган иллатларга қарши курашда муҳим омил ҳисобланади.

ОИВ инфекциясининг тарқалиб кетишининг олдини олиш ва профилактик тадбирларини амалга ошириш мақсадида 1987 йил 13 августда Вазирлар Маҳкамасининг 1124-сонли қарори билан Республика СПИД диагностика маркази ташкил этилган бўлса, 1988 йилдан республиканинг

барча маъмурий ҳудудларида СПИД диагностика лабораториялари, 1989 йилдан эса, СПИД профилактикаси хизмати алоҳида ташкиллаштирилиб фаолият бошлаган.

Ўтган йиллар давомида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатда соғлиқни сақлашнинг миллий модели яратилиб, Ўзбекистон Республикаси ОИВ инфекцияси профилактикаси соҳасидаги халқаро стратегик ҳужжатларни имзолаб, қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Жумладан, БМТнинг ОИТС бўйича Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (2000 йил), Тарафдорлик Декларацияси (2001 йил) ҳамда Сиёсий Декларация (2006 йил) талабларига асосан ҳукумат томонидан ОИВ инфекциясини аҳоли, аynиқса ёшлар ва касалликни юқтириб олиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар орасида тарқалиб кетишининг олдини олиш, ОИВ билан касалланган шахсларни даволаш ва эпидемиянинг ижтимоий оқибатларини енгиллаштириш борасида мақсадга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида соҳага оид ҳуқуқий база-ни такомиллаштириш мақсадида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги, "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида"ги, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги, "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги, "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинган ҳамда улар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бугунги кунда одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиқадиган касаллик барча мамлакатлар учун глобал муаммога айланди. Ушбу касаллик аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши, бундай беморларни даволаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга кетадиган сарф-харажатларнинг кўплиги, шунингдек, мамлакатнинг демографик ҳолатига ва иқтисодий тараққиётга хавф туғдириши муаммога қарши курашнинг янада самарадор усул ва воситаларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда 1999 йил 19 августда "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий асос яратилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2008 йил 26 декабрдаги Қарори юртимизда мазкур соҳага оид ягона тизимни ташкил этиш, махсус марказларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш, ушбу соҳада фаолият юритаётган тиббиёт ходимларига қўшимча моддий имтиёзлар белгилашга асос бўлди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, унинг 14 та ҳудудий тузилмалари, 60 га яқин туманлараро тиббиёт муассасаларида мазкур йўналишда замонавий услубларда тиббий таҳлиллар ўтказадиган лабораториялар ташкил этилган.

Аҳоли ўртасида мазкур касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Тиббиёт ходимларининг ма-лака ва маҳоратини юксалтиришга оид кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилган. Бунинг натижасида касалликнинг олдини олиш ва вазиятни барқарор сақлашга эришилмоқда. Шу билан бирга, бутун дунёдаги ва минтақамиздаги эпидемиологик вазиятнинг кескинлиги, чегараларнинг очик-

лиги, сайёҳлар сонининг ошганлиги, миграциянинг эркинлиги бу масалага эътиборни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунга келиб халқаро ҳамжамиятда ОИВ касаллиги тарқалишига қарши кураш масаласида ёндошувлар ҳам кескин ўзгармоқда. Бу ўз навбатида, ушбу масалага комплекс ёндашувни талаб этмоқда. Бу жараёнда нафақат давлат ва унинг тегишли органлари, балки кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ҳамкорликда ҳаракат қилиш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарурати юзага келди.

Шундан келиб чиқиб, соҳани тартибга солувчи амалдаги "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштириш ва бир қатор муносабатларни қонун доирасида тартибга солиш ҳамда камчиликларни бартараф этиш зарурияти вужудга келди.

"ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш" тушунчаси "ОИВ касаллигининг олдини олиш"га нисбатан бир мунча кенг тушунча бўлиб, у касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволаш ва беморларнинг ижтимоий муҳофазаси каби масалаларни ҳам қамраб олади.

Шунингдек, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсати, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш фаолиятини олиб борувчи давлат органларини аниқлаш, уларнинг ваколатларини белгилаш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларнинг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашдаги иштироки каби масалаларни қонун доирасида тартибга солиш, ОИВ инфекцияси юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш тизимининг ҳуқуқий меъёрларини белгилаш, ОИВ касаллигига чалинганларнинг камситилишига йўл қўймаслик мақсадида ушбу касалликка чалинган хорижий давлат фуқароларини давлатдан чиқариб юбориш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларда ОИВ/ОИТС йўқлигини тасдиқловчи сертификати бўлмаган ҳолатларда уларга давлатга кириш учун виза (рухсат) бермаслик каби чекловларни бекор қилиш, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирлари ва ОИВ юқтириб олган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ОИВ юқтириб олганларнинг ҳуқуқлари, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа шахсларга юқтирмасликлари учун мажбуриятлари, ОИВни бошқа шахсга юқтирганлиги учун жавобгарлик тўғрисидаги муносабатларни қонун доирасида белгилаш, амалда бўлган қонунда баъзи атамаларнинг турлича ишлатилганлиги, бу билан боғлиқ меъёр-

ларни қўллашда тушунмовчиликларни келтириб чиқармаслик учун қўлланилган атамаларни қонунчилик техникаси талабларига мослаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги энг муҳим ва барқарор тизимни ташкил этиш ва соҳага оид муносабатларни ягона қонун доирасида белгилаш мақсадида 2013 йил 23 сентябрда "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Қабул қилинган янги қонун 5 та боб, 28 та моддадан иборатдир. Унда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштирадиган давлат ва жамоат органларининг ваколатлари, фаолият йўналишлари, ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш тартиблари, ОИВни юктириб олган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш йўналишлари аниқ белгиланган.

ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш ишларини ташкил этишда махфийликни таъминлаш, бу жараёнда аҳолига юксак технологиялар воситасида тиббий диагностика хизмати кўрсатиш йўналишлари ҳам алоҳида меъёрлар билан мустаҳкамланган.

Касалликнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, беморлар ва уларнинг яқинлари, айниқса, ОИВ юктирган онадан соғлом фарзанд туғилишини таъминлашда эрта ташхис қўйишнинг аҳамияти каттадир. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, қонунда ихтиёрий текширув билан бир қаторда мажбурий текширув йўналишлари ҳам белгиланди. Унга кўра, қон, биологик суюқлик донорлари, элик ёшгача бўлган никоҳланувчи шахслар, ҳомиладор аёллар, инъекция орқали гиёҳвандлик воситаларини истеъмол этишда гумон қилинаётган шахслар, ОИВни юктирган онадан туғилган болалар, ўз фаолиятида қон, биологик суюқликлар, одам органлари ва тўқималари билан ишловчи тиббиёт ходимлари, жинсий шеригида ОИВ аниқланган шахслар ва бошқа айрим мутахассислар бу борада мажбурий тиббий текширувдан ўтиши лозимлиги кўрсатилган.

Шунингдек, қонунда ғайриихтиёрий (розилиги олинмасдан) равишда ОИВга тиббий текширув ўтказиш тартиб-қоидалари ҳам ифода этилган.

Унга кўра, текширувдан ўтаётган шахсни ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз суриштирувчининг, тергов-

чининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримига кўра амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Қонунда ОИВни юктирган беморларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга замонавий усулда тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Бундай беморларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВни юктириб олганлар, касаллик босқичидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳар ойлик ижтимоий нафақа ва ногирон болалар учун имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга эканликлари ва бундай бемор болалар тиббиёт муассасаларида даволанаётганда уларга ҳамроҳлик қилаётган ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилиши белгилаб қўйилган.

Шу вақтга қадар амалда бўлган қонунда ОИВни юктириб олганларнинг ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймасликка оид меъёрлар мавжуд эмас эди.

Шу боис, жамиятда бу борада муайян муаммолар юзага келганда, бемор манфаатига зид равишда йўл тутилган ҳолатлар ҳам учраб турарди. Бундай ҳолатлар ҳам янги қонун билан тўлиқ тартибга солинди.

Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, эндиликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиладиган рўйхатда назарда тутилган айрим касбий фаолият турларидан ташқари ҳолатларда ОИВ инфекцияси мавжудлигини асос қилиб, бундай инсонлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, уларни ишга қабул қилишни рад этиш, уларнинг оила аъзоларининг турар жой ҳуқуқларини, бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклашга йўл қўйилмайди.

Қонунда ОИВни юктириб олганларнинг ушбу инфекцияни тарқатмаслик борасидаги мажбуриятлари ҳам ўз аксини топган. Жумладан, ОИВни юктириб олган шахс тиббиёт ходимлари томонидан тавсия этилган ОИВ инфекциясини тарқатмасликка доир чора-тадбирларни бажариши лозим. Бунинг учун тиббий ва маиший хизматлардан фойдаланганда ушбу соҳа ходимларини ўз касаллиги тўғрисида хабардор этиши шарт. Бундай вазиятларда тиббиёт ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ҳам белгиланган тиббий-санитария, гигиена қоидалари асосида ушбу беморларга самарали хизмат кўрсатиши, беморнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказмаслиги муҳимдир. Қонунда бундай меъёрнинг белгиланиши профилактика ишлари самарадорлигини янада оширишга замин яратади.

Қонуннинг яна бир ютуқли томони, у ҳам бўлса ОИВ юқтириб олган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, тиббиёт ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажараётганда уларга ОИВ инфекцияси юқиши касб касалликлари тоифасига киритилиши, ОИВни юқтириб олганларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи, шунингдек профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишда иштирок этувчи тиббиёт ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилиши алоҳида модда билан белгилаб қўйилганидир.

Янги қонун кучга кириши билан амалдаги қонун ва бу соҳадаги айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз кучини йўқотди. Эндиликда ҳуқуқат қарор-

ларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш, давлат бошқаруви органларининг ўз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини янги қонун талаблари юзасидан қайта кўриб чиқишлари ва такомиллаштиришлари талаб қилинади.

Қабул қилинган "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасига оид муносабатларни тартибга солиш билан бирга Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва мамлакатда ушбу касаллик бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлашувини таъминлашда бевосита хизмат қилади.



# ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ КОНФИДЕНЦИАЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- ✦ Мақолада давлат бошқарув идоралари томонидан жисмоний ёки юридик шахсларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар ахборот ресурсларининг конфиденциаллигини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари тизимлилик нуқтаи назардан таҳлил этилган.
- ✦ В статье с системных позиций анализируется нормативно-правовые основы обеспечения конфиденциальности информационных ресурсов интерактивных услуг, оказываемых государственными органами управления физическим или юридическим лицам.
- ✦ In article from system's positions are analyzed legal and regulatory frameworks of ensuring confidentiality of information resources, interactive services provided by government authorities for persons or entities.

**Таянч сўзлар:** давлат бошқарув идоралари, ахборот ресурслари, конфиденциаллик, ахборот майдони, интерактив хизматлар, ҳужжат айланиши, ахборот хавфсизлиги.

**Ключевые слова:** органы государственного управления, информационные ресурсы, конфиденциальность, информационное поле, интерактивные службы, документооборот, информационная безопасность.

**Key words:** public administration, information resources, confidentiality, information field, online services, document management, information security.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер техника воситалари жамият ривожланишининг асосий факторларидан бири ҳисобланади.

Ахборот жамияти изчил суръатларда ривожланмоқда, бу тараққиёт инсонлар ўртасида, шунингдек, инсонлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни шакллантиришда ифодаланadi. Бугунги кунда Ўзбекистонда ягона ахборот майдонини яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг шаклланиши ва ривожланиши ахборот тизимидаги маълумотларга фуқароларнинг тезкор мурожаатини таъминлаш учун, шунингдек, давлат бошқарув идоралари ваколатларини, иқтисодни бошқариш соҳасида, шахснинг, жамият ва давлатнинг хавфсизлиги борасида ахборот тизимларидан фойдаланишда амалда жорий этишга қаратилган.

Давлат бошқарув идоралари ахборот тизимидан фойдаланишни ҳуқуқий мувофиқлаштиришда турли хил кўринишда фойдаланувчи ахборот ресурсларига мурожаат этиш тартибларини ўрнатиш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ахборот ресурсларига мурожаат

этиш тартиби давлат бошқарув идоралари томонидан қонунга асосан ўрнатилиб, бу турдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш конфиденциал хусусиятга эга бўлган электрон ҳужжатлар айланиши ҳуқуқий режими билан мувофиқланади. Электрон ҳужжат айланишида конфиденциаллиқни таъминлаш давлат бошқарув идораларининг келгуси фаолиятини белгилловчи мажбурий шарт ҳисобланади ва бу идораларда конфиденциал хусусиятга эга бўлган ахборот айланиши шахсий маълумотлар ва хизмат сирлари ҳуқуқий режими билан мувофиқлаштирилади.

Шахсий маълумотлар ва хизмат сирлари ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш мажбурий чора ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда режим маълумотларининг қайта ишланмаслиги нафақат фуқароларга, балки давлат бошқарув идораларига ўз таъсирини кўрсатади. Шахсий маълумотлар ва хизмат сирларининг ҳуқуқий режимидан кўзланган асосий мақсад субъектларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлиб, давлат бошқарув идораларида конфиденциал хусусиятга эга бўлган маълумотларни ифодалайди ҳамда мансабдор шахсларнинг мазкур идорада давлат

бошқарув манфаатларини кўзлаб яратилган чеклаган ахборот ҳуқуқларини қандай амалга оширишларини назорат қилади.

Сўнги йилларда ахборот қонунчилигининг шаклланиши изчил олиб борилиб, янги қонунлар қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Қонунлари ахборот соҳасида муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Келтирилган факторлар мажмуаси давлат бошқарув соҳасида конфиденциал хусусиятга эга бўлган ҳужжатларнинг айланишида ҳуқуқий асосларни тадқиқ этиш ва яратишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида электрон ҳужжат айланишида конфиденциал хусусиятга эга бўлган маълумотлардан амалда фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидаларини илмий-амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб муаммо ҳисобланади. Бунинг учун аввало "ахборот ресурслари", "конфиденциал хусусиятга эга бўлган маълумотлар", "сир" ҳақидаги тушунча ва улар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш зарур. Табиатан конфиденциал хусусиятга эга бўлган маълумотларнинг кўрсаткичлари, таснифланиши ва ахборот-коммуникация тизимида электрон усулда айланишини, шахсий маълумотлар ва хизмат сирларини таҳлил этиш талаб этилади. Давлат бошқарув соҳасида конфиденциал хусусиятга эга бўлган маълумотлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий режими, уларни шакллантириш, расмийлаштириш ва фойдаланишга рухсат этилиш имкониятлари ва қонунқоидаларини аниқлаш керак.

Давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларида конфиденциал хусусиятга эга бўлган ахборотлар мазмун ва моҳиятига кўра, тавсифланганда қуйидаги турларга бўлинади:

а) оммавий-ҳуқуқий соҳада: давлат сирлари, хизмат сирлари;

б) хусусий-ҳуқуқий соҳада: тижорат сирлари, иш фаолиятига боғлиқ хизмат сирлари, шахсий маълумотлар, ихтиролик ва муаллифлик сирлари.

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув идоралари интерактив хизматлари тизимида конфиденциал хусусиятга эга бўлган ахборотлардан фойдаланишни мувофиқлаштирувчи қонунлари ҳужжатларида қуйидаги ҳолатлар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ:

— давлат ахборот тизимларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари;

— давлат бошқарув идоралари ахборот тизимларининг ўзаро муносабатларини амалга оширувчи усул ва услубиятлар;

— давлат бошқарув идоралари ахборот тизимларига фойдаланувчи ва давлат хизматчиларини йўналтириш усуллари;

— давлат бошқарув идоралари ахборот тизимларини бир неча факторлар бўйича ҳуқуқий жиҳатдан табақалаш мумкин (соҳалар бўйича, ҳудуд бўйича, ҳимояланганлик даражаси бўйича, ҳукумат ижро этиш идоралари бўйича);

— ахборотларнинг бузишилиши, йўқотилиши, ўзгартирилишига олиб келувчи махсус ҳаракатлар ва рухсатсиз мурожаат этишдан ҳимоялаш;

— маълумотларнинг ишончсизлиги, зидлиги ва ёпиклиги учун масъулият чоралари.

Хизмат сирлари режимида фаолият юритувчи ижро этувчи ҳукумат идоралари маълумотларининг самарали айланиши учун ягона ахборот майдони ва давлат ахборот тизимини яратиш ва тегишли ахборот ресурслари билан таъминлаш лозим.

Давлат бошқарув органларида айланувчи расмий ҳужжатларнинг хусусияти унинг ҳуқуқий кучи ҳисобланади ва амалдаги қонунчилик асосида узатилади, ҳужжат яратган ташкилот ваколати ва ўрнатилган расмийлаштириш тартиби билан характерланади. Бунда расмий ҳужжат асосида жисмоний ва юридик шахс томонидан яратилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган ҳужжат тушунилади. Ушбу талабларга жавоб бермайдиган тартибда яратилган ҳужжатларнинг ҳуқуқий кучи йўқ ёки кам деб ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат бошқарув органларида электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Электрон ҳужжат айланишининг икки синфи мавжуд. Биринчиси workflow — тизим, ҳужжат юритиш жараёни аввалдан аниқланган бўлиб, технологик ҳаракат схемаси ёрдамида ходимлар ўртасидаги ҳужжат бошқарув ҳаракати ва электрон ҳужжат айланишининг бошқаруви остида топшириқ берилади. Иккинчи синфга эркин ҳаракатланувчи ad-hoc киради, бунда жараён тузилиши аввалдан белгиланмайди, бажарилиши жараёнида шаклланади (амални бажарувчи ходимнинг ўзи кейинги амалнинг бажарувчисини белгилайди ва ҳужжат (топшириқ)ни беради. Эркин ҳаракатланувчи тизимнинг хусусияти шундаки, ягона ҳужжат яратиш бир қанча усулга эга ва бир-биридан танланган бажарувчилар, ҳужжат (топшириқ) таркиби ва жараённинг биридан иккинчисига ўтиш ҳолати билан фарқ қилади.

Ахборотнинг муҳимлилик ва қимматлилик даражаси қадим замонлардан инсониятга маълум. Шунинг учун ҳам қадимда ахборотни ҳимоялаш ва унинг конфиденциаллигини таъминлаш учун турли хил усуллар қўлланилган. Улардан бири сирли ёзувдир. Ундаги хабарни хабар юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқий олмаган. Асрлар давомида бу санъат — сирли ёзув жами-

ятнинг юқори табақалари, давлатнинг элчихона резиденциялари ва разведка миссияларидан ташқарига чиқмаган. Фақат бир неча ўн йил олдин ҳамма нарса тубдан ўзгарди, яъни ахборот ўз қийматиغا эга бўлди ва кенг тарқаладиган маҳсулотга айланди. Уни эндиликда ишлаб чиқарадилар, сақлайдилар, узатишади, сотадилар ва сотиб оладилар. Булардан ташқари, уни ўғирлайдилар, бузиб талқин этадилар ва сохталаштирадилар. Шу боисдан, ахборотни химоялаш зарурати туғилади.

Ахборотни химоя қилиш ва конфиденциаллигини таъминлаш деганда:

- ◆ ахборот ресурсларининг жисмоний бутунлигини таъминлаш, шу билан бирга, ахборот таркиби ва элементларининг бузилиши ёки йўқ қилинишига йўл қўймаслик;

- ◆ ахборотнинг бутунлигини сақлаб қолган ҳолда, унинг таркиби ва элементларини қалбакилаштиришга (ўзгартиришга) йўл қўймаслик;

- ◆ ахборотни тегишли ҳуқуқларга эга бўлмаган шахслар ёки жараёнлар орқали тармоқдан рухсат этилмаган ҳолда олишга йўл қўймаслик;

- ◆ ахборотнинг ҳақиқий эгаси томонидан берилаётган (сотилаётган) ахборот ресурслари фақат томонлар ўртасида ўзаро келишилган шартномалар асосида қўлланилишига ишониш кабилар тушунилади. Шунингдек, ахборот ресурслари конфиденциаллигини таъминлаш масалаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ахборот хавфсизлигини таъминлаш; логин тушунчаси; парол тушунчаси; авторизация тушунчаси; рўйхатдан ўтиш тартиби; логин ва паролга эга бўлиш шартлари; логин ва паролни бузиш; логин ва паролни ўғирлаш; ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш ва унинг оқибатлари; компьютер вируси; вирусларнинг турлари ва вазифалари; вирусларга қарши курашиш усуллари; ҳужум тушунчаси; ахборот ҳужумлари ва ундан сақланиш қоидалари.

Давлат бошқарув тизимлари ва тармоқларида ахборот ресурсларини химоя остига олиш деганда, тақдим этилаётган, сақланаётган ва қайта ишланилаётган ахборотнинг ишончилигини тизимли тарзда таъминлаш мақсадида турли восита ва усулларни қўллаш, чораларни кўриш ва тадбирларни амалга оширишни тушуниш қабул қилинган. Ахборот-коммуникация технологиялари тизимида ишлаш хавфсизлигининг мураккаблигига қуйидаги мисоллар орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин.

1. Ахборот ресурсларини узатишда хавфсизликни таъминлашга қўйиладиган талабларни бевосита қуйидаги атамалардан аниқлаш мумкин: конфиденциаллик, аутентификация, яхлитликни сақлаш, ёлғоннинг мумкин эмаслиги, фойдаланувчанлик, фойдаланувчанликни бошқариш.

2. Кўп ҳолларда яратувчи эътиборидан четда қолган химоя тизимининг камчиликларини аниқ-

лаш мақсадида муаммога қарши томоннинг нуқтаи назаридан қараш лозим. Бошқача айтганда, химоянинг у ёки бу механизми ёки алгоритмини яратишда мумкин бўлган қарши чораларни ҳам кўриш лозим.

3. Химоя воситаларидан барча қарши чоралар мажмуасини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш лозим.

4. Хавфсизликни таъминлаш чоралари тизими яратилганидан сўнг бу чораларни қачон ва қаерда қўллаш масаласини ечиш лозим. Бу физикавий жой (маълум химоя воситасини қўллаш учун тармоқ нуқтасини танлаш) ёки хавфсизликни таъминловчи мантиқий занжирдаги жой (масалан, ахборот узатувчи протокол сатҳи ёки сатҳларини танлаш) бўлиши мумкин.

5. Химоя воситалари, одатда, маълум алгоритм ва протоколдан фарқланади. Уларга биноан барча химоядан манфаатдор ахборотнинг қандайдир қисми махфий бўлиб қолиши шарт (масалан, шифр калити кўринишида). Бу эса ўз навбатида бундай махфий ахборотни яратиш, тақсимлаш ва химоялаш усулларини ишлаб чиқиш заруратини туғдиради.

Махфий ва қимматга эга бўлган ахборот ресурсларига рухсатсиз киришдан химоялаш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Компьютер эгалари ва фойдаланувчиларнинг мулккий ҳуқуқларини химоялаш бу ишлаб чиқарилаётган ахборотларни жиддий иқтисодий ва бошқа моддий ҳамда номоддий зарарлар келтириши мумкин бўлган турли киришлар ва ўғирлашлардан химоялашдир. Ҳозирги кунда хавфсизликнинг бир қанча йўналишларини қайд этиш мумкин. Ахборот хавфсизлиги деб, маълумотларни йўқотиш ва ўзгартиришга йўналтирилган табиий ёки сунъий хоссаи тасодифий ва қасддан таъсирлардан ҳар қандай ташувчиларда ахборотнинг химояланганлигига айтилади. Илгариги хавф фақатгина конфиденциал (махфий) хабарлар ва ҳужжатларни ўғирлаш ёки нусха олишдан иборат бўлса, ҳозирги пайтдаги хавф эса компьютер маълумотлари тўплами, электрон маълумотлар, электрон массивлардан уларнинг эгасидан рухсат сўрамасдан фойдаланишдир. Булардан ташқари, бу ҳаракатлардан моддий фойда олишга интилиш ҳам ривожланди. Ахборот ресурсларининг химояси ва унинг конфиденциаллигини таъминлаш деб, бошқариш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи ва ташкилот ахборот захираларининг яхлитлиги, ишончилиги, фойдаланиш усулининг осонлиги ва махфийлигини таъминловчи қатъий регламентланган динамик технологик жараёнга айтилади.

Ахборот ресурсларининг конфиденциаллигини таъминлашдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

— ахборот ресурсларининг ўзаро келишувлар-

сиз ўзга шахсга чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, ўзгартирилиши, сохталаштиришларнинг олдини олиш;

— шахс, жамият, давлат хавфсизлигига бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш;

— ахборот ресурсларини йўқ қилиш, ўзгартириш, сохталаштириш, нусха кўчириш, тўсиқлаш бўйича рухсат этилмаган ҳаракатларнинг олдини олиш;

— ҳужжатлаштирилган ахборотнинг миқдори сифатида ҳуқуқий тартибини таъминловчи, ахборот захираси ва ахборот тизимига ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш;

— ахборот тизимида мавжуд бўлган шахсий маълумотларнинг махфийлигини ва конфиденциаллигини сақловчи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш;

— давлат сирини, қонунчиликка мос ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг конфиденциаллигини сақлаш;

— ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминловчи воситаларни яратиш, ишлаб чиқиш ва қўллашда субъектларнинг ҳуқуқларини таъминлаш.

Ахборот ресурсларини ишончли ҳимоя қилиш механизмини яратишда ташкилий тадбирлар муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, конфиденциал ахборот ресурсларидан рухсатсиз фойдаланиш, асосан, техник жиҳатлар билан эмас, балки ҳимоянинг элементар қоидаларини эътиборга олмайдиган фойдаланувчилар ва ходимларнинг жинояткорона ҳаракатлари, бепарволиги, совуққонлиги ва масъулиятсизлиги билан боғлиқ.

Ташкилий таъминот конфиденциал ахборот ресурсларидан фойдаланишга имкон бермайдиган ёки жиддий қийинчилик туғдирувчи ижрочиларнинг ишлаб чиқариш ва ўзаро муносабатларини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида регламентлашдир.

Давлат бошқарув органлари ахборот ресурсларидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг идентификациялаш зарурлиги туфайли, фуқаронинг ҳукумат ахборот ресурсларидан фойдаланишини технологик тартиблаш зарур. Одатда фуқаронинг ҳукумат интерактив хизмати ахборот ресурсидан фойдаланиши икки кўринишда амалга ошади. Ҳукумат ахборот ресурсларидан фойдаланувчи шахсларни идентификациялаш қонунчилик билан тартибланади ҳамда фуқарога маълумот олиш ҳуқуқини беради ёки чеклайди.

Биринчи кўринишдаги ахборот ресурсларига рухсат маълумот олишга рухсат берилган шахсни аввалдан идентификациялаш билан характерланади. Бу турдаги ихтиёрий маълумотга рухсатлар чекланган доирадаги рухсат ҳисобланади. Масалан, давлат сирларига боғлиқ ёки шахсий маълумотлар. Идентификация маълум бир шахснинг қуйидаги маълумотларни олишлари учун

зарур:

— бевосита ушбу шахсга алоқадор бўлган маълумотлар, яъни ташкилот ёки ходимларнинг ўзларининг маълумотларини олишга рухсати бўлган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатувчи маъмурий маълумотларга рухсати бўлганда;

— маълум бир шахснинг ўз лавозимига боғлиқ мажбуриятларини бажариш учун зарур маълумотлар, бу шахснинг давлат сирларига боғлиқ маълумотлар билан ишлашини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ёки тиббиёт ходимларининг шахсий сирларидан хабар топишни ўз ичига олади.

Шуни олоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай шахс фақат идентификация қилинганидан сўнг маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, шундай модел ёрдамида фуқаро ва ташкилот манзиллари ҳақидаги маълумотларни олишга рухсатни ташкил этиш мумкин. Маълумот ҳар қандай шахсга фақат идентификация қилингандан сўнггина тақдим этилиши мумкин. Ушбу модел асосида давлат органлари маълумотларини тақдим этиш, буюртма берилиши орқали ташкил этилади. Маълумотга бундай турда рухсат берилиши танқидга ҳаққоний сазовор, чунки маълумот олган, идентификацияланган шахсга маълумотни тарқатмаслиги ҳақида масъулият юклаб бўлмайди, шунингдек бундай маълумотни назорат қилиш самара бермайди. Ўзини идентификация қилиш маъмуриятчи учун қулай тўсиқ бўлиб, маълум даражада коррупцион салоҳиятга эга бўлишига имкон яратади. Маълумотга аввалдан идентификациядан ўтиш орқали рухсатга эга бўлган шахс маълумотга бўлган рухсатномасини, шахс ҳақидаги маълумотларини, олган маълумотларини, олинган маълумот таркиби ва маълумот тақдим этилган вақт ҳақидаги маълумотларни сақлаши талаб этилади. Маълумотга рухсат берилишининг иккинчи кўриниши рухсатга эга бўлган шахсдан идентификациялаш талаб этилмаган ҳол. Бу турдаги маълумотларга рухсат берилиши, ҳар қандай шахснинг идентификациясиз маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлиши билан характерланади. Бундай ҳолларда давлат ахборотларини тақдим этиш давлат мажбурияти ҳисобланади.

Давлат бошқарув идоралари интерактив хизматидан фойдаланишни ҳуқуқий тартиблашнинг ташкилий чора-тадбирлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— интерактив хизмат электрон ҳужжат маълумотларини муҳофаза қилишни таъминлашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

— электрон ҳужжат маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар бўлган, объектлараро электрон ҳужжат айланиши фойдаланувчилари ва администраторининг мансабдор шахс-

ларини белгилаш;

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларида объектлараро ҳужжат айланиши бош администратори серверидаги маълумотлар базасининг резерв нусхасини кўчириш, тиклаш ва архивга киритиш тартибини, шунингдек вирусга қарши базаларни янгилаш тартибини белгилаш;

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларида электрон ҳужжат айланиш тизимининг дастурий-техник воситаларини таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш учун кириш тартибини белгилаш ва бошқалар.

Интерактив хизмат тизимини жорий этиш жараёнида ҳукумат тузилмасининг ахборот марказига ягона ойна орқали киришнинг соддалашган интерфейси, электрон рақамли имзо ёрдамида умумий авторлаштириш тизими, алоҳида ташкилотнинг интеграллашган ахборот тизими яратилган.

Узатилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва конфиденциаллигини таъминлаш мақсадида 128-разрядли маълумотларнинг шифрлар тизими жорий этилган; электрон ҳужжатларнинг ҳуқуқий кучга эгалигини тасдиқловчи электрон рақамли имзо тизими қўлланилган; электрон сертификациялаш тизими киритилган.

Ҳужжатларни авторлаштириш ва ҳужжатларнинг аутентиклигини назорат қилиш Net ва Microsoft SQL Server технологиясига асосланади. Одатда электрон ҳукумат интерактив хизматлари портали Net Framework, ASP.NET ва Visual C# технологиясини қўллайди.

Ҳужжатларни талабларига кўра, тизим куйидаги мезонларга жавоб бериши лозим: фойдаланувчи билан юқори даражада дўстона муносабатда бўлиши, очиқ архитектурага эга бўлиши, асосийси, электрон хавфсизлик таъминоти соҳасида энг янги ютуқларга таяниши. Электрон ҳукумат тизимини жорий этишда турли тармоқли инфратузилмани интеграциялаш, турли ташкилотлар томонидан яратилган сайтлар ва ахборот тизимлари каби муаммоларга дуч келинади.

Давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларининг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизматидан фойдаланишнинг технологик имкониятини тизим фойдаланувчиларининг динамик ўзгаришчан сони билан таъминлаш;

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизмат тизими фойдаланувчилари томонидан ахборотга оид ўзаро ҳамкорликнинг мослашувчи технологиялари, форматлари, протоколларини ягона бир хил имкониятли дастурий-техник воситалардан фойдаланишга мослаш;

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизматлари тизими фойдаланувчилари томонидан дастурий таъминот ва сертификатланган дасту-

рий-техник воситаларда меъёрий-ҳуқуқий қоидаларга риоя этиш;

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларида узатилаётган, қабул қилинган ва қайта ишланган электрон ҳужжат маълумотларининг тўлиқлиги ва яхлитлигини таъминлаш;

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларида электрон ҳужжат айланиши тизимида моддий-молиявий ва вақт харажатларини камайтириш;

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизматлари электрон ҳужжат айланишида маълумотлар хавфсизлигини ва конфиденциаллигини таъминлаш.

Давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларида электрон ҳужжат айланиши тизимининг техник-технологик инфратузилмаси куйидагилардан иборат: электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон ҳужжат айланиши бош сервери, унинг администратори бўлиб, объектлараро электрон ҳужжат айланиши тизими менежери ҳисобланади; объектлараро электрон ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчиларининг бошқарув серверлари; ҳимояланган алоқа каналлари.

Ўз навбатида, бош сервернинг техник воситалари ўз ичига электрон почта сервери, тасдиқловчи марказнинг дастурий-аппарат воситалари, ахборотни муҳофаза қилиш воситалари ва электрон ўзаро ишлаш дастурий-техник таъминотининг бошқа воситаларини олади. Бош администраторнинг асосий вазифалари куйидагилар ҳисобланади: қайта ишланадиган, сақланадиган ва узатиладиган электрон ҳужжатни рухсатсиз фойдалана олишдан ва маълумот администратор серверида бўлганида ҳамда ҳимояланган алоқа каналлари бўйича объектлараро электрон ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчиларининг серверларигача узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш; ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчилари ўртасида электрон хабарлар алмашинуви.

Давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларида электрон ҳужжат айланишини амалга оширишда ахборот хавфсизлиги техник ва дастурий воситалар ҳамда бир қатор ташкилий тадбирлар комплекси билан таъминланади. Хусусан, техник тадбирларга куйидагилар киради: функционал имкониятларининг тўлиқ ҳажмида ахборотни муҳофаза қилиш воситаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш; қайта ишланадиган электрон ҳужжат маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш; электрон ҳужжат маълумотини вирусга қарши ҳимоялашни таъминлаш.

Давлат бошқарув идоралари интерактив хизматида объектлараро электрон ҳужжат айланишини амалга оширишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ма-

салани ҳал қилиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши зарур:

— телекоммуникациялар инфратузилмасини таъминлашга ва объектлараро электрон ҳужжат айланиши учун тармоқни қуришга қўйиладиган талабларни белгилаш;

— давлат бошқарув идоралари объектлараро ахборот алмашинув тизимининг дастурий-аппарат воситаларини ва ахборот ресурсларини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш бўйича чора-лар ишлаб чиқиш;

— объектлараро ахборот алмашинувида электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳаларини белгилаш (ҳимояланган муаллифлаштириш, ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва ҳоказо);

— электрон ҳужжатларни алоқа каналлари бўйича узатишда ва объектлараро ахборот тизимининг маълумотлар базасида ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларини қўлланган ҳолда, сақлашда электрон ҳужжатларнинг бутунлигини ҳимоялаш ва таъминлаш бўйича талаблар ишлаб чиқиш;

— давлат бошқарув идоралари интерактив хизматида объектлараро электрон ҳужжатлар алма-

шинишида ҳимояланган уланиши талабларини бажариш.

Дастурнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда, жумладан, ахборотни рухсатсиз ўчириб ташлаш, ўзгартириш, бузиш, кўчириб олиш, тўсиб қўйиш ва ахборот ресурсларига ноқонуний аралашувга доир бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, қонунчиликка мувофиқ равишда ҳужжатлаштирилган ва электрон шаклдаги давлат сирини, ахборотнинг махфийлигини сақлаш, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ташкил қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи хизматларни шакллантириш, маълумот узатиш тармоқларига ҳимоя воситаларини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига жавоб бериш нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказиш учун доимий ишлайдиган (идоралараро) эксперт гуруҳини тузиш ва ахборотни ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, мамлакатда ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Фируза МУҲИДДИНОВА,  
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, ю.ф.д., доцент

## ЁШЛАР ОНГИДА ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАЪСИРИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

- ◆ Ушбу мақолада ёшларнинг ахборот олиш ҳуқуқи ҳамда ёшларнинг маънавий дунёқарабини юксалтиришда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг ўрни қайд этилган.
- ◆ В статье рассмотрены правовые основы при получении информационных сведений молодежи, а также значение политико-правовых учений.
- ◆ The article is considered about guarantee of judicial aspects of informational datas which are related to youth and include meaning legal-political science.

**Таянч сўзлар:** ахборот, ҳуқуқ, ёшлар, маънавий мерос.

**Ключевые слова:** информация, право, молодежь, духовное наследие.

**Key words:** information, law, youth, guarantee, spirituality and heritage.

Жамият тараққиётини ёшларсиз тасаввур этиш қийин. Чунки, келажак пойдеворини баркамол, илмли-зеҳнли ёшлар қуради. Ёшлар сиёсий-ҳуқуқий, маънавий тафаккурида миллийлик ғурурини, фахрини шакллантириш эса илм-фан фидойиларининг асосий вазифаларидан биридир. Жумладан, ҳозирги даврда компьютер технологиялари, интернет алоқалари борган сайин ривожланаётган бир пайтда ёшларимизнинг ахборот олиш имкониятлари кенгаймоқда.

Маълумки, 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов буюк аجدодларимизнинг маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш заруриятини, уларнинг миллий маданиятимиз ва жаҳон цивилизацияси ривожигаги ролини бир неча бор таъкидлаган эдилар. Негаки, айнан анъаналар давомийлиги ўсиб келаётган ёш авлодда миллий

ўзлик — ватанпарварлик ҳисси, меҳнатсеварлик, унинг маънавий ва ахлоқий хислатларини тарбиялаш ва шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, Ўрта асрлардаги Шарқ олимлари ва алломаларининг илмий тарихий меросини чуқур ўрганиш, дунё тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаларини жамоатчиликка таништириш, уларнинг меҳнатлари ва ихтироларини ҳар томонлама ўрганиш даврнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шу боис ҳам, Мухтарам Президентимизнинг махсус Фармойиши асосида дунёнинг турли мамлакатларидан илмий марказлар ва етакчи олимларни жалб қилиш, “XXI аср — билимлар ва интеллектуал меҳнат асри” тушунчасини англаган ҳолда ёшларни бугунги кун руҳида тарбиялаш каби ғояларни асосий мақсад қилган мазкур халқаро илмий конференцияни ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция-

нинг очилиш маросимидаги нутқида: «Бу улут зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаятган ютуқлари — бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқчиман, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ахир, фақатгина Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналарнинг “олтин фонд”ини ташкил этади.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсишини, кўп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борлиқни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб боришни тақозо этиши мумкин», деб таъкидлади.

Шу боис ҳам, бой маънавий меросимиздан фойдаланиш, уни ёш авлодга етказиш ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам маънавий, ҳам маърифий аҳамият касб этади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида белгиланганидек, “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”.

Шунингдек, Конституциянинг 42-моддасида “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданий ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.”

Лекин, айрим ҳолларда унинг салбий томони ҳам сезиб қоламиз. Бу ёшларимизнинг онгига миллий урф-одатларимиз, шарқона анъаналаримизга зид бўлган ғояларнинг таъсирида кўзга ташланмоқда. Шунингдек, ёшларимизнинг кийиниши, юриш-туриши, бошқалар билан муносабатга киришиш маданияти сезиларли даражада ўзгармоқ-

да. Буни ҳаттоки, оила ва маҳалладаги муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Тўғри, ахборот асри даврида бу ҳолат табиийдек туюлади. Бироқ, ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган айрим ёшларимизнинг ўзи билмаган ҳолда, ҳар хил диний оқимларга, маънан бузуқ сайтларнинг таъсирига тушиб қолаётганлиги хавотирли ҳолатдир. Бундай омилларга қарши курашишда бой маънавий меросимизни ўрганиш ва ундан ёшларимизни баҳраманд қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Зеро, ёшларни ўқитиш, тарбиялаш, етук кадр сифатида жамиятга етказиш масаласи қадимдан ҳозирги даврга қадар сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг бош ғояси бўлиб келган. Жумладан, Моний ибн Фаттахнинг фикрига кўра, жамиятнинг катта ютуғи — маърифатпарварлик бўлиб, давлат бошлиғи ёшларга маърифатни, ахлоқий қадриятларни ўргатишга шароит яратиб берса, жамиятда ёвузлик йўқолади. Бундай маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб этган жадидлар ёшлар масаласига жиддий эътибор беришганига тарих гувоҳдир.

Жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларидаги энг асосий ғоялардан бири инсонийлик, ёшлар онгига ахлоқ-одоб, маърифат ва маънавиятни сингдириш масалалари ҳисобланади.

Шу жиҳатдан Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларини ўрганиш, ёшларимизга етказиш долзарб муаммолардан биридир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида “Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаятган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз”<sup>1</sup>, — деб таъкидлаган эди.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг конституциявий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида жамиятимиз олдида қуйидаги мураккаб ва масъулиятли ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий муаммолар

хамда вазифалардан бири ёшларга бўлган муносабат турибди.

Ёшлар жамиятнинг катта қисмини ташкил этар экан, жамият ҳаётида ёшларнинг илмга қизиқиши, севимли касб-хунар эгаллаши, миллий қадриятларни билиши ва ҳурмат қилиши жамиятнинг юксак маданиятини билдиради. Жумладан, Шарқ Уйғониш даври алломаларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида илгари сурилган бой ҳуқуқий қадриятларимиз билан боғлаб ўрганиш ва ёшларга етказиш муаммонинг иккинчи томонидир. Ҳуқуқий маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бирини сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ташкил этгани бизга аён. Мутафаккирлар томонидан ёзиб қолдирилган сиёсий-ҳуқуқий меросни кенг жамоатчиликка етказиш, ундан ҳуқуқий тарбия жараёнида фойдаланиш учун тадқиқотлар олиб бориш ҳам танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди. Президент Ислоҳ Каримов 2008 йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтганидек: “Бугун ёшларимиз қандай қадриятлар сари интиломда, қандай орзу-ният ва ўй-хаёллар билан яшамоқда — биз бунга асло лоқайд ва бефарқ қарамаслигимиз керак. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи-раҳбар сифатида бу жараёни четдан туриб кузатишга ҳаққимиз йўқ. Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яна бир бор чуқур англаб етишимиз шарт — маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди. ...Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур”.

Жумладан, жамиятнинг пайдо бўлиши тўғрисида Ибн Сино «Инсон ўз шахсий эҳтиёжлари мустақиллиги маъносида алоҳида ажралган эмас, чунки уларни инсон зотининг бошқа вакиллари билан бирлашмай туриб қондирилмайди<sup>2</sup>», деб айтган.

Ибн Сино «Донишнома» китобида ўз даврида маълум бўлган илмларни иккига: амалий ва назарий илмларга ажратади. Биринчиси — бизни ўз хатти-ҳаракатларимиздан хабардор қилади. Унинг фойдаси шундаки, у шу дунёдаги илмларимизни йўлга солиш учун нималар қилишимиз лозимлигини ўргатади. Иккинчиси эса, бизнинг жонимиз ўз шаклини касб этиши ва у дунёда бахтиёр бўлиши учун буюмларнинг борлиқ ҳолати ҳақида бизни хабардор қилади.

Демак, Ибн Сино амалий илмлар деганда, инсоннинг амалий ҳаракати билан боғлиқ бўлган илмларни тушунади. Жамиятни, халқни, мамлакатни идора қилишни, уйни бошқаришни, оила муносабатларини тартибга солиш, кишиларнинг ўз-ўзига қандай муносабатда бўлишлари ҳақида-

ги амалий билимларини маънавият, одоб-ахлоқ ҳақидаги билим, деб қарайди.

Ижтимоий масалалар, хусусан, давлат идораси масаласида Ибн Сино Форобийнинг “Рисола фи ари аҳл ал-маданият ал-фадила” асарида изҳор қилинган фикрларига деярли қўшилади. Ибн Сино шаҳарнинг маданият, адолат иқтисодий фаровонликни таъминловчи тузум эканлигини алоҳида таъкидлаган. Ибн Синонинг фикрича, энг олий фазилат назарий доноликда эмас, балки амалий бошқарувдадир.

Ибн Синонинг одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик ҳақидаги таълимоти ёшлар учун катта илмий-амалий, тарбиявий аҳамиятга эга. Бу таълимот инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у буюк шараф ва ҳурматга лойиқдир, деган фикрга асосланади. Унинг фикрича, яхшилик доноликда, донолик эса ҳодисаларни билиш орқали қўлга киритилади. Билим инсон ҳаётининг ажралмас томонидир. “Жон агар шиша бўлса, илм худди лампадир, Ҳикмати инсонни билгил, ул чироқда лампа ёғ”.<sup>3</sup>

Унинг фикрича, инсон оламдаги мавжудотлар ичида энг буюк зотдир. Шунинг учун ҳам аллома ҳар бир кимсадан инсон номига лойиқ бўлишни талаб қилади.

Ибн Синонинг фикрига кўра, “Ақлли ва фаросатли уй бекаси хўжайиннинг ҳар қандай муҳим оилавий ишларни ҳал этишда энг яқин маслаҳатчиси, кўмакчиси бўлади, бунинг учун хўжайин ўз аёлининг ҳурматида сазовор бўлган бўлиши керак”.<sup>4</sup> Шу ўринда, у ота ва ўғил муносабатларига алоҳида тўхталган. Оилада фарзанд тарбияси, айниқса, ўғил бола тарбиясига кўп жиҳатдан отанинг роли ҳақида фикрларини илгари сурган. Бу ерда ота нафақат оила каттаси, балки ўғлининг энг яқин устозига айланмоғи лозим ва фарзандига дастлабки илмларни эгаллашга ёрдам беришини қайд этган. Ибн Синонинг фикрича, фарзандининг истеъдодига яраша илм, касб-хунар танлашига, уларни тўғри эгаллашига йўл кўрсата олган ота энг буюк устозга айланади. Чунки, ўсмирликда тўғри танланган йўл, кейинчалик йигитлик чоғида кишининг мустақил яшашига таянч бўлади.

Бундай йўлдан борган ёшлар энг авалло, ўзини идора этиш, бошқаришни ўрганиш баробарида, ўзига ишонадиган бўлади. Инсон ҳар бир қилаётган ишини таҳлил қила билиши керак. Ҳаттоки, хато ва камчиликларини ҳам ўрганиши ва таҳлил қилишдан қўрқмаслиги керак. Чунки, ҳар бир ёш ўзидан катталарга тақлид қилишга, уларнинг ишини давом эттиришга қизиқар экан, катталарга ойнага қарагандек қарашга ҳаракат қилади. Ойнада оқ ва қорани, эгри ва тўғрини ҳақиқий ҳолатда кўради. Ўз қилмишларини чуқур таҳлил

қилган киши кейинчалик ўзини бошқалар билан қиёслашга ҳаракат қилади. Шундан кейин ўзида қуйидаги фазилатларни мужассамлаштиришга ҳаракат қила бошлайди: босиқлик, руҳий тетиклик, жасурлик, донолик, адолатлилик.<sup>5</sup>

Кўпчилик бу фазилатларнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслигидан кўпгина хатоликларга дуч келади. Масалан, сахийлик деганда — зиқналик ва талон-торож қилиш; адолат деганда, эзилувчи билан бошқаларни қаттиқ эзиш тушунчалари; жасурлик деганда, қўрқоқлик билан онгсизлик тушунчаларининг нотўғри талқин этилиши нохуш ҳолатларга сабаб бўлади. Ибн Синонинг таъкидлашича, инсон ахлоқий жиҳатларни йиллар давомида ўзида мужассамлаштиради. Чунки уларда туғма бўлмаслиги мумкин. Ибн Синонинг фикрича, яхши раҳбарлар, давлат бошлиқлари ўзларидаги ахлоқий жиҳатлари билан атрофдагиларни, қўл остидагиларни яхшиликка, яъни жамият аъзоларига нисбатан яхши муносабатда бўлишга ўргатиши жамиятни сахий ва адолатли жамият бўлишига сабаб бўлади. Лекин, ёмон хулқли раҳбар ёки давлат бошлиғи бўлса, унинг ўзи ҳам қўл остидагилари ҳам ахлоқона ишларга ҳомийлик қилишади ва жамиятда тартибсизликнинг қарор топишига имкон яратишади.<sup>6</sup>

Демак, Ибн Синонинг қарашларидан шу нарса аён бўладики, ҳар қандай фазилат ёшларга жамият томонидан сингдирилади. Ахлоқий фазилатнинг энг юқори босқичига шунда эришиладики, бунда жамият аъзолари ўз қилган ишлари учун ҳисоб-китоб қилмасдан, барча яхши ишлар жамият, халқ манфаати йўлида қилингани билан белгиланади. Энг олий бахтга эса шунда эришиладики, бунда жамият аъзоси бутун вужуди билан жамият ва халқ манфаатини, фаровонлигини чуқур ҳис этади ва ўзига ана шу фаровон жамиятнинг ижодқори сифатида қарайди.<sup>7</sup>

Ибн Синонинг бундай қарашларини икки томонлама таҳлил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз; биринчидан, Ибн Сино илгари сурган бундай жамият Абу Наср Форобий томонидан қайд этилган, фозил шаҳар-давлат ҳақидаги қарашларни давом эттиради ҳамда Ибн Сино қарашларида бундай жамият “намунавий”, адолатли жамият деб қаралади.

Абу Наср Форобий қарашларида ёшлар масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Форобий сиёсий қарашларининг асосий ғояси фозил давлат қуришга қаратилган бўлиб, бундай давлатни ёшларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фозил давлатда ёшлар ҳар томонлама етук бўлиб, кўп нарса тарбияга боғлиқ бўлади. Тарбия турли кўришишлар ва усулларда амалга оширилади. Унинг мақсади «адашган», «ахлоқсиз», «маърифатсиз» ва балоғатга етмаган ёшларни тўғри йўлга со-

лишдан иборатдир. Бу ўзига хос тарбиявий, мажбурий таъсир кўрсатиш предмети категорияларидир. Ҳар қандай қонун ўрнатиш онгли равишда ихтиёрий бўйсунуш шароитидагина муҳим бўлади. Қонун ўрнатишда мажбурлаш, ҳокимият кучини қўллаш ёки бу борада қарорлар қабул қилиш эмас, балки таълим-тарбия орқали ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим омил ҳисобланади.

Тарбиянинг шакл ва усуллари орасида Форобий ташвиқот маърузалари ва сўз санъати воситасида таълим беришни эслатиб ўтади. Сўз, агар ўз таркибида билим ва саховатни мужассам этган бўлса, азалдан таълим ва тарбиянинг энг асосий услубларидан бири бўлиб келган. У пайтларда оммавий ахборот воситаларининг бўлмаганлиги, китобларнинг эса фақат айрим кишилардагина мавжудлиги, маърузачининг таълим ва тарбияда энг муҳим омил эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Агар тингловчилар маърузаларни тинглашда ўтилаётган қоидаларни соғлом ақл билан фикрлай олмасалар, «маърузачи ўзининг санъати билан ифодалаб берган хусусиятларнинг инсонда мавжуд эканлигини чуқур ўрганмасалар ёки маърузачининг санъати туфайли барча нарсалар ҳақида яхши фикр шакллантира олмасалар, таълимотлар ва ахлоқий билимларнинг аҳамияти бўлмайди».<sup>8</sup> Шундай қилиб, тингловчилар маърузачини фақат пассив равишда тингламай, унинг фикрлари тўғри ёки нотўғрилигини мулоҳаза қилишлари лозим. Ана шу хусусият борлиққа нисбатан синчков ва танқидий муносабатда бўлишнинг шакллантиради.

Иккинчидан, ушбу қарашларида Ибн Сино жамият аъзолари учун фидойи бўлишни — энг олий бахт деб ҳисоблаган бўлиб, бу ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек «Адолатли жамият қуриш учун энг аввало, шу табаррук заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак...”

Бизнинг фикримизча, айнан ушбу ғоя Шарқ Уйғониш даврининг қомусий олимлари томонидан ҳам илгари сурилган. Шундай қилиб, Ўзбекистон халқининг бой миллий мероси, анъаналари ва кадриятлари мамлакатимиз, шунингдек, жаҳон цивилизациясидаги энг ёрқин саҳифалардан бири бўлиб, бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий юксалишида бой мерос бўлиб хизмат қилади. Бу даврда яратилган сиёсий-ҳуқуқий қарашлар, адолатли жамият ва давлат қуриш йўлидаги интилишлар, илм-фан, санъат, адабиёт ривожини ва фалсафий фикрлар тараққиёти инсоният тафакқурини бойитиш учун қўшилган улкан

хисса бўлди. Шунинг учун ҳам улардаги ўлмас гоёларнинг, жумладан, Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг ҳозирга қадар ўз аҳамияти ва қимматини йўқотмагани бутун дунёни ҳайратга солиб келаётганидан асло ажабланмаса бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунида белгиланганидек, “Ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди”.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 3-моддасида ахборот олиш кафолатлари қайд этилган бўлиб, унга кўра, “Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади”.

Юқоридагиларга хулоса сифатида айтиш мумкинки, биз қадимдан адолатпеша, меҳнатсевар, айниқса, маърифатпарварлиги билан ажаралиб турган халқмиз. Бизнинг фарзандларимиз ҳам ана шу қадриятлар асосида тарбияланган ва маънан етук кадрлар бўлиши учун барчамиз масъулмиз, деган хулосадаман.



<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.

<sup>2</sup>Ибн-Сина. Даниш-Намэ: Книга знания. – Сталинабад:Таджикское гос. изд-во, 1957. – 286с.

<sup>3</sup>Ибн Сино.Шеърлар.Т.:1965.Б-18.

<sup>4</sup>Ибн-Сина. Даниш-Намэ: Книга знания. – Сталинабад:Таджикское гос. изд-во, 1957. Б-204.

<sup>5</sup>.Ибн-Сина. Даниш-Намэ: Книга знания. – Сталинабад:Таджикское гос. изд-во, 1957. .Б-205

<sup>6</sup>Шу жойда.Б-206

<sup>7</sup>Шу жойда Б-207.

<sup>8</sup>Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тузувчи: Махмудов. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. – 224б.Форобий Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2002. – 44 б. ша асар с.147.

Муаттара РАХИМОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси ўқитувчиси, ю.ф.н., доцент.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ АМАЛИЁТИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ УСТУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақола халқаро ҳуқуқ ва давлатлар ҳуқуқий тизими ўзаро нисбати ва ўзаро алоқаси масалаларига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена вопросам соотношения и взаимодействия международного права и правовой системы государств.
- ◆ The article is devoted to questions of correlation and interaction of international law and the legal system of states.

**Таянч сўзлар:** халқаро ҳуқуқ, конституция, инсон ҳуқуқлари.

**Ключевые слова:** международная права, конституция, права человека.

**Key words:** international law, constitution, human rights.

Халқаро ҳуқуқ ва давлатлар ҳуқуқий тизими ўзаро нисбати ва ўзаро алоқаси масалалари интеграция ва глобаллашув жараёнлари нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда дунёда давлатларнинг доимий, янада қизгин интеграция жараёнлари кузатилмоқда. Уларнинг умумий муаммоларни ечиш йўлларини излаш билан тобора фаол шугулланишларига тўғри келмоқда. Давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги янада кучаймоқда. Глобал муаммоларни давлатлар томонидан биргаликда ҳал этилиши миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзаро нисбати янгича мазмун касб этишига олиб келмоқда. У қўп даражали бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларига таъсир кўрсатиш усуллари амалда турлича намоён бўлади. Чунки ҳар бир мамлакатнинг норматив ҳужжатларида халқаро ҳужжатларнинг нормалари турлича акс этади. Миллий ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро нисбати билан боғлиқ қизгин жараёнлар ҳам ҳуқуқ тизимларининг кенг кўламли ўзаро таъсирида, ҳам халқаро принциплар ва нормалар миллий ҳуқуқий тизимларга тобора фаол кириб бораётганида намоён бўлади.

Ривожланган мамлакатлар ва ўтиш даврини бошдан кечириётган мамлакатлар амалиётида халқаро шартномалар ва битимларнинг ҳуқуқий мақоми, одатда, конституциянинг тегишли моддаларида белгиланади.

Халқаро ҳуқуқ принципларининг мамлакат ички ҳуқуқидан устунлиги тўғрисидаги қоида таърифи илк бор 1919 йилги Германия ва 1920 йилги Австрия Конституцияларига<sup>1</sup>, кейинчалик эса 1947 йилги Италия Конституцияси, 1947 йилги Япония Конституцияси ва 1949 йилги ГФР Асосий қонунига киритилган. Чунончи, ГФР Асосий қонунининг 25-моддасида халқаро ҳуқуқ умумий қоидалари федерал ҳуқуқнинг таркибий қисми, деб эълон қилинган. Ушбу қоидалар миллий қонунлар олдида устунликка эга бўлади ва федерал ҳудуд аҳолиси учун ҳуқуқлар ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Италия Конституциясининг 10-моддасида қуйидаги қоида белгиланган: "Италия ҳуқуқий тартиботи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари билан мос келади"<sup>2</sup>. Шунга ўхшаш таърифларга Австрия Конституциясининг 9-моддасида ва Испания Конституциясининг 7-моддасида ҳам дуч келиш мумкин.

Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин ўз конституцияларида ушбу принципни мустақамлаган мамлакатлар қаторига МДҲнинг мустақил мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам қўшилди. Республикамиз Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларининг устунлиги айтиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида "...Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испания ҳамда Шарқ

мамлакатлари — Ҳиндистон, Покистон, Мисрнинг ижобий конституциявий тажрибаси ўз аксини топган<sup>3</sup>.

МДХ мамлакатлари конституцияларининг аксариятида ҳам халқаро ҳуқуқнинг устунлиги у ёки бу тарзда айтиб ўтилган. Масалан, Қирғизистон Конституцияси 6-моддасининг 3-қисмида шундай дейилади: “Қонунда белгиланган тартибда кучга кирган, Қирғизистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари Қирғизистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларига доир халқаро шартномаларнинг нормалари тўғридан-тўғри амал қилади ва бошқа халқаро шартномаларнинг нормаларига нисбатан устунликка эга бўлади”<sup>4</sup>.

Украина Конституциясининг 9-моддасига биноан, амал қилишининг мажбурийлигига Украина Олий Радаси томонидан розилик берилган амалдаги халқаро шартномалар “Украина миллий қонунчилигининг таркибий қисми” деб эълон қилинган<sup>5</sup>.

МДХ мамлакатларининг айрим конституцияларида халқаро ҳуқуқ мамлакат ҳуқуқига ҳам, ҳуқуқий тизимига ҳам киритилмайди. Туркменистон Конституцияси 6-моддасининг иккинчи қисмига кўра фақат халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларининг устунлиги эътироф этилади<sup>6</sup>.

Шунга ўхшаш таъриф биров кенгайтирилган кўринишда Белоруссия Конституцияси 8-моддасининг биринчи қисмига ҳам киритилган: “Беларусь Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларининг устунлигини тан олади ва қонун ҳужжатларининг унга мувофиқлигини таъминлайди”<sup>7</sup>.

Ёки, Россия Федерацияси Конституциясининг 15-моддасида қуйидаги қоида мустаҳкамланган: “Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Россия Федерациясининг халқаро шартномалари унинг ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Агар Россия Федерациясининг халқаро шартномасида қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади”<sup>8</sup>.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ нормалари олдида устунликка эга бўладими? Бу саволга жавоб топиш учун Европа Иттифоқи таркибига кирувчи бир қатор мамлакатлар амалиётига назар ташлаймиз.

Нидерландияда парламент томонидан маъқулланган халқаро шартнома, Конституцияга мувофиқ, миллий қонун олдида, маълум маънода эса — ҳатто Конституция олдида ҳам устунликка эга бўлади. Нидерландия Конституциясига кўра, халқаро шартномалар фақат парламент томонидан маъқулланганидан кейин Қироллик учун кучга киради. Бироқ, парламент бундай маъқуллаш талаб этилмайдиган ҳолатларни белгилаши ҳам мумкин. Бундан ташқари, маъқуллаш тартиб-қоидаларини ҳам парламент белгилайди ва у “суқут сақлаш орқали маъқуллаш”ни назарда тутиши ҳам мумкин. Агар халқаро шартнома

конституцияга зид бўлса, бунинг қўрқинчли жойи йўқ: у парламент ҳар бир палатаси аъзолари учдан икки қисмининг овози билан маъқулланган бўлиши лозим (Нидерландия Конституциясининг 91-моддаси 3-қисми)<sup>9</sup>.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат: Нидерландия Конституциясининг 120-моддасига мувофиқ, “парламент ҳужжатлари ва шартномаларининг конституциявийлиги судлар томонидан назорат қилинмайди”<sup>10</sup>, бинобарин, улар судлар томонидан баҳолашни мумкин эмас, шу туфайли ҳам Нидерландияда конституциявий суд йўқ.

Шу билан бир вақтда, конституциянинг 94-моддасига биноан, Нидерландия норматив ҳужжатлари, агар улар барча шахслар учун мажбурий кучга эга бўлган халқаро шартномаларнинг қоидаларига зид бўлса, амалда қўлланилиши мумкин эмас. Натижада Нидерландия судлари, масалан, миллий қонунни унда конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари бузилгани туфайли ҳақиқий эмас, деб топши имкониятига эга эмас. Бироқ ушбу қонуннинг қўлланилишини унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси бузилгани туфайли йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол, деб эътироф этиши мумкин.

Масалан, 1986 йилда Нидерландия Олий суди томонидан оила ҳуқуқи билан тартибга солинадиган иш (“Spring” иши) кўриб чиқилди<sup>11</sup>. Унда гап никоҳсиз туғилган бола ҳақида борар эди: гарчи боланинг ота-онаси бирга яшаса-да, никоҳга киришни истамасди. Ўша вақтда амалда бўлган Нидерландия қонун ҳужжатларига кўра, бундай ота-она болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқига эга эмасди, балки фақат болага биргаликда васийликни расмийлаштириши мумкин эди.

Олий суд (эътибор беринг — Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди эмас) бундай вазиятни Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси (8-модда “Хусусий ва оилавий ҳаёт ҳурмат қилинишига бўлган ҳуқуқ” ва 14-модда “Камситишнинг тақиқланиши”)га зид, деб топди. Натижада Олий суд Нидерландия Фуқаролик кодексининг бир қатор нормаларини қўлланилиши мумкин бўлмаган нормалар сифатида эътироф этди ва унинг бошқа бир қатор нормаларига миллий қонунчиликни Конвенция билан мувофиқ ҳолатга келтириш учун шарҳ берди. Лўнда қилиб айтганда, ушбу ишда Олий суд ўз фикрига кўра, Фуқаролик кодексининг Конвенцияга зид бўлган нормаларини қайта ёзиш орқали амалда анча баҳсли бўлган “позитив қонун чиқарувчи” вазифасини ўз бўйнига олди (вахоланки, бунга қадар у мазкур вазифани бажаришдан ўзини тияр эди)<sup>12</sup>. Ушбу иш халқаро ҳуқуқнинг Нидерландия миллий қонунчилигидан устунлигини намойиш этади.

Буюк Британияда эса аксинча, халқаро битимларнинг бундай устунлиги мавжуд эмас. Парламент томонидан қабул қилинган қонун ижро этувчи ҳокимият томонидан илгари тузилган ва миллий ҳуқуққа имплементация қилинган халқаро шартномага нисбатан устунликка эга бўлади (ҳар қалай, агар қонун чиқарувчи томонидан айнан шундай ният очиқ-ой-

дин билдирилган бўлса)<sup>13</sup>. Ушбу қоида суд прецедентларида айниқса бўртиб намоён бўлади<sup>14</sup>.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, Буюк Британия ўзи истаган ҳолда, Европа Иттифоқи ҳужжатларида қандай қоида белгиланганидан қатъи назар, ўз Парламентининг қарорига биноан ЕИ таркибидан чиқиш ҳуқуқий имкониятига эга. Бирлашган Қиролликда ягона ҳужжат сифатидаги конституция мавжуд эмас; Парламент ҳужжатларининг барчаси умуман олганда тенг кучга эга (мавжуд нуқтаи назарга кўра, “оддий” қонунлардан фарқли ўлароқ, айрим — “конституциявий” қонунлар фақат Парламент қарорига биноан бекор қилиниши мумкин).

Халқаро шартноманинг миллий қонун олдида устунлиги Франция ҳуқуқий тизимида назарда тутилган. Франция Конституциясининг 55<sup>15</sup>-моддасига биноан, тегишли равишда ратификация қилинган халқаро шартнома эълон қилинган пайтдан эътиборан миллий қонунлар олдида устунликка эга бўлади, башарти, у шартнома бўйича шерик томонидан қўлланилаётган бўлса. Ўзаролик шартининг белгиланиши шунга олиб келадики, ҳуқуқни қўллаш жараёнида шартнома аксарият ҳолларда устун қўйилиши лозим. Агар шартнома кейинроқ қабул қилинган қонуннинг қоидаси билан тўқнашган бўлса, шартнома қўлланилиши лозим. Шартнома миллий ҳуқуқнинг илгари қабул қилинган нормаси билан тўқнашган ҳолда эса, миллий ҳуқуқ нормаси қўлланилади, башарти уни коллизияни бартараф этадиган тарзда талқин қилишнинг иложи бўлмаса.

Австрия Конституцияси эса халқаро шартномаларни қонунчилик органи томонидан маъқуллаш тартиб-таомилларига қараб, уларнинг икки хил мақомига фарқлайди. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, Австрияда қонунлар парламент қўйи палатаси — Миллий кенгаш томонидан қабул қилинади, Федерал кенгаш эса фақат ўтиш мумкин бўлган вето қўйиш ҳуқуқига эга<sup>16</sup>. Бунда конституциявий қонунлар Миллий кенгаш томонидан кенгаш барча аъзоларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади<sup>17</sup>. Халқаро шартномалар умумий қоидага кўра “оддий” қонунлар сингари маъқуллади. Конституциявий қонунларни ўзгартирувчи ёки тўлдирувчи шартномалар эса конституциявий қонунлар учун назарда тутилган тартиб-таомилларга мувофиқ маъқуллади<sup>18</sup>. Қонунлар ва халқаро шартномалар мақомига мос равишда уларнинг устунлиги тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилади. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси Австрияда конституциявий қонун мақомига эга. Бинобарин, Конвенция ва Конституция қоидалари ўртасида тўқнашув юз берган ҳолда, вақт бўйича кейинроқ қабул қилинган норма қўлланилади<sup>19</sup>.

Роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб мамлакатларнинг аксарияти халқаро шартномаларнинг нормаларини ўз миллий ҳуқуқи нормаларидан устун қўяди ва ушбу қоидани ўз конституциясига киритади. Бироқ, масалан, Германия Конституцияси (Асосий қонуни)да бундай қоида йўқ. ГФР Асосий қонунининг 77-, 78-моддаларига мувофиқ қонунларни Федерал мажлис

Федерал кенгашнинг муайян иштирокида қабул қилади<sup>20</sup>. Бунда Асосий қонунга ўзгартириш киритиш учун Конституция 79-моддасининг 2-қисмига биноан, қоида тариқасида, “...Бундестаг депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан ва Бундесрат аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози” билан қабул қилинган қарор талаб этилади<sup>21</sup>. Халқаро шартномаларни президент тузади, бироқ бунда “Федерация сиёсий муносабатларини тартибга солувчи ёки федерал қонунчилик масалаларига тааллуқли бўлган шартномалар федерал қонунчилик соҳасида ваколатли органларнинг маъқуллаши ёки кўмагини талаб этади; шартномалар федерал қонун қабул қилиш йўли билан расмийлаштирилади”<sup>22</sup>. Халқаро шартномаларнинг федерал қонунлар олдидаги устунлиги Асосий қонунда назарда тутилмаган.

Шу билан бир вақтда, “халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган нормалари” ўз-ўзидан федерал ҳуқуқнинг таркибий қисми ҳисобланади, Германия резидентлари учун ҳуқуқлар ва мажбуриятларни вужудга келтиради, қонунлар олдида устунликка эга бўлади<sup>23</sup>.

Юқорида айтилганларга қарамай, Германия Конституциявий суди 2004 йилда, бир томондан, халқаро шартнома “оддий” федерал қонун билан бир хил мақомга эга бўлишини, бошқа томондан эса қонун чиқарувчи янги қонун қабул қилар экан, халқаро ҳуқуқ қоидасини фақат “истисноли ҳолларда”, хусусан, “фундаментал конституциявий принциплар бузилиши”га йўл қўймаслик учун эътибордан соқит этиши мумкинлигини тан олган<sup>24</sup>. Германия Конституциявий судининг мазкур прецеденти мақоламиз мавзуси нуқтаи назаридан жуда муҳим, чунки унда гап “Герголю иши”да Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суду ва Германия судлари нуқтаи назарларининг тўқнашуви ҳақида боради.

Кўриб турганимиздек, халқаро шартномаларнинг миллий қонунга нисбатан шак-шубҳасиз устунлиги ҳақидаги (бизнинг миллий ҳуқуқимизга ҳам маълум бўлган) тезис умум-этироф этилмаган (айниқса, англосаксон ҳуқуқий оиласида).

Шу билан бир вақтда, роман-герман ҳуқуқ тизимида мансуб мамлакатларнинг аксариятида халқаро шартнома қоидалари миллий қонун қоидалари олдида устунликка эга<sup>25</sup>.

Аксарият мамлакатларда халқаро нормаларнинг устунлиги тўғрисидаги ушбу қоида миллий конституцияга киритилган, бунда мазкур тенденция нисбатан яқинда пайдо бўлган. 1947 йилги Япония Конституцияси мазкур қоида мустаҳкамланган биринчи конституция бўлса керак, шундан кейин унга Нидерландия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг конституциялари ҳам эргашган<sup>26</sup>.

Немис ҳуқуқшуноси Клаус Фогель Европа мамлакатлари бўйича тадқиқот ўтказди ва қуйидаги хулосага келди:

◆ Европадаги 43 давлатдан 17 тасининг конституциясида **халқаро шартноманинг миллий қонундан (шу жумладан, тегишли шартнома-**

дан кейин қабул қилинган қонунлардан) устунлигини мустақкамловчи қоидалар бор;

◆ 2 та давлатда бундай қоидалар қўшимча конституциявий қонунларда мустақкамланган;

◆ 5 та давлат шунга ўхшаш мазмундаги ёзилмаган конституциявий нормаларга эга;

◆ 6 та давлат камида инсон ҳуқуқларига доир халқаро шартномаларга устунлик беради;

◆ фақат 12 та давлат ўз конституциясида ҳам, ёзилмаган нормаларида ҳам бундай қоидаларга эга эмас<sup>27</sup>.

Чет эл мамлакатлари амалиётининг юқорида ўтказилган таҳлилидан аниқ ва равшан кўриниб турганидек, давлатлар куйидаги тартиб-таомилларни амалга оширади:

◆ шартнома ва конституция қоидалари ўртасида тўқнашув юз берган ҳолда, халқаро мажбурият қабул қилингунга қадар конституцияга тузатишлар киритиш мумкин бўлиши учун шартнома қоидаларининг конституциявийлигини конституциявий судлар томонидан дастлабки тарзда текшириш (Франция, Венгрия, Италия, Болгария, Испания, Руминия);

◆ муайян қонун ҳужжатларига ушбу ҳужжатлардан улар айна шу масала ёки масалаларни тартибга солувчи, тегишли давлат қўшилган халқаро конвенцияларга зид бўлмаган ҳолдагина фойдаланилишини назарда тутувчи қоидаларни киритиш (Руминия, Чехия, Албания);

◆ ҳужжатлар маъмурий органлар, айниқса, судлар томонидан шундай талқин қилинадик, улар шартнома қоидалари билан мос келсин. Бу давлат ўз халқаро мажбуриятларини ҳурмат қилишга ва ўз ички ҳуқуқий тизимида ушбу мажбуриятлар фахрли ўрин эгаллашини таъминлашга аҳд этганидан дараж беради;

◆ давлатлар ўзгартириладиган халқаро ҳуқуқ нормалари ҳажмини белгилаш ваколатига эга бўлади. Айна ички ҳуқуқ халқаро нормаларининг давлат доирасидаги мақомини белгилайди;

◆ континентал ҳуқуқ тизими мамлакатлари халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонун олдида устунлигини тан олади. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари миллий ҳуқуқ тизимларини ривожлантириш учун ўзига хос мўлжал сифатида эътироф этилади, шу сабабли давлатлар одат нормаларининг алоҳида мақомини тан олади.



<sup>1</sup> Қаранг: Большой юридический словарь / А.Я.Сухарев, В.Е.Круткин, А.Я.Сухарева. – М.: Инфра-М, 2003.

<sup>2</sup> Қаранг: Конституция Итальянской Республики от 22 декабря 1947 года / Пер. с итал. Л. П. Гринберга // Конституции государств Европейского Союза / Под общ. ред. Л.А. Окунькова. – М.: Издательская группа ИНФРА-М–Н ОРМА, 1997. – 10-6.

<sup>3</sup> См. Комментарий к Конституции Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистон, 2001. – 39-б.

<sup>4</sup> См. Конституция Республики Кыргызстан от 27 июня 2010 года (с изменениями и дополнениями) - <http://www.gov.kg>

<sup>5</sup> См. Конституция Украины // Ведомости Верховной Рады Украины, 1996, № 30, ст. 141.

<sup>6</sup> Қаранг: Конституция Туркменистана от 18 мая 1992 года (с изменениями и дополнениями). – <http://www.base.spinform.ru>

<sup>7</sup> См. Конституция Республики Беларусь от 1994 года (с изменениями и дополнениями). – <http://pravo.by>

<sup>8</sup> См. Конституция Российской Федерации от 12 декабря 1993 года (с изменениями и дополнениями). – <http://constitution.kremlin.ru/>

<sup>9</sup> Қаранг: Конституция Королевства Нидерландов от 17 февраля 1983 года. – <http://www.concourt.am>

<sup>10</sup> См. Конституция Королевства Нидерландов от 17 февраля 1983 года. – <http://www.concourt.am>

<sup>11</sup> Қаранг: Верховный Суд Нидерландов. Решения от 21 марта 1986 г. NJ 1986, 585-588. ("Spring.")

<sup>12</sup> Қаранг: Uzman J., Barkhuysen T., van Emmerik M.L. The Kutch Supreme Court: A Reluctant Positive Legislator? // Electronic Journal of Comparative Law. 2010. Vol. 14.3. – 16-6.

<sup>13</sup> Қаранг: Vogel K. кр. cit. – 4-6.

<sup>14</sup> Масалан, қаранг: Апелляционный Суд Англии и Уэльса. Padmore v Inland Revenue Commissioners [1989] STC 493; Высокий Суд Англии и Уэльса. Padmore v Inland Revenue Commissioners (No 2) [2001] STC 280 (дело о налоге на доходы резидента Великобритании, получаемые через офшорное товарищество).

<sup>15</sup> Қаранг: Конституция Франции от 1958 года (с изменениями и дополнениями). – <http://dic.academic.ru>

<sup>16</sup> Қаранг: Конституция Австрии / Конституции государств Европейского Союза / Под общей редакцией Л.А. Окунькова. – М.: Издательская группа ИНФРА-М–НОРМА, 1997. Ст. 41-42.

<sup>17</sup> Қаранг: Конституция Австрии/Конституции государств Европейского Союза / Под общей редакцией Л.А. Окунькова. – М.: Издательская группа ИНФРА-М–НОРМА, 1997. Ст. 44

<sup>18</sup> Қаранг: Конституция Австрии/Конституции государств Европейского Союза / Под общей редакцией Л.А. Окунькова. – М.: Издательская группа ИНФРА-М–НОРМА, 1997. Ст.50

<sup>19</sup> Масалан, қаранг: Martinico G. Is the European Convention Going to Be 'Supreme'? A Comparative-Constitutional kverview of ECHR and EU Law before National Courts // European Journal of International Law. 2012. Vol. 23. No. 2. P. 401, 404, 417.

<sup>20</sup> Қаранг: Основной закон ФРГ от 23 мая 1949 года. / Конституции государств Европейского Союза / Под общей редакцией Л.А. Окунькова. – М.: Издательская группа ИНФРА-М–НОРМА, 1997. Ст.ст. 77,78.

<sup>21</sup> См. Основной закон ФРГ от 23 мая 1949 года. / Конституции государств Европейского Союза / Под общей редакцией Л.А. Окунькова. – М.: Издательская группа ИНФРА-М–НОРМА, 1997. Ст. 79

<sup>22</sup> См. Основной закон ФРГ от 23 мая 1949 года. / Конституции государств Европейского Союза / Под общей редакцией Л.А. Окунькова. – М.: Издательская группа ИНФРА-М–НОРМА, 1997. Ч.2. Ст. 59

<sup>23</sup> Қаранг: Основной закон ФРГ от 23 мая 1949 года. / Конституции государств Европейского Союза / Под общей редакцией Л.А. Окунькова. – М.: Издательская группа ИНФРА-М–НОРМА, 1997. Ст. 25

<sup>24</sup> Қаранг: Федеральный Конституционный Суд Германии. BVerfG, 14.10.2004 - 2 BvR 1481/04, BVerfGE 111, 307. Para. 35.

<sup>25</sup> Қаранг: Avi-Yonah R.S. кр. cit. – 65-6.

<sup>26</sup> Қаранг: Vogel K. кр. cit. – 6-6.

<sup>27</sup> Қаранг: Vogel K. кр. cit. – 10-6.

Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Юристар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси,  
ю.ф.н., доцент

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

◆ Мақола муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, уларни вужудга келиши, объекти ва субъекти, яратилган асарлардан фойдаланиш, шунингдек, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг ҳимоясига йўналтирилган миллий қонунчилик ва халқаро шартномаларга бағишланган.

◆ Статъя посвящена авторским и смежным правам, их возникновению, объектам и субъектам, использованию произведённых произведений, а также национальному законодательству и международным договорам направленных на защиту авторских и смежных прав.

◆ The article is dedicated to author's rights and neighbouring rights, their accrual, object, subject, the use of performed work of art, the national legislation and international treaties addressed to protect author's rights and neighbouring rights.

**Таянч сўзлар:** турдош ва муаллифлик ҳуқуқлари, объект, субъект, асар, ижод.

**Ключевые слова:** авторские и смежные права, объект, субъект, произведение, творчество.

**Key words:** author's rights and neighbouring rights, object, subject, work of art, scientific work.

Янги технология ва замонавий воситаларнинг яратилиши инсоният тафаккурида янгича фикр-лашни вужудга келтирди. Фан, адабиёт ва санъат асарларидан кенг фойдаланилиши натижасида бу асарларга бўлган ҳуқуқларни бутун дунёда бир хилда ҳимоя қилиш зарурияти келиб чиқди. Асарларни техник воситалар ёрдамида ёзиб олиш, нусха кўпайтириш, уни янги технологияга асосланган воситалар орқали узатиш (тарқатиш) оддий ҳолга айланиб борди. Ана шу ҳаракатлар амалга оширилиши бир томондан, асар муаллифлари ҳуқуқлари доимий амалда бўлишини, иккинчи томондан, асарларни саноат усулида кўпайтириб, даромад олишни талаб этди. Муаллифлар ёки ҳуқуқ эгалари ўзлари томонидан яратилган махсулотларни бозорда ҳимоя қилиш, уни ноқонун ишлаб чиқариш ёки тақрорлашнинг олдини олиш мақсадида ўз ҳуқуқларини халқаро доирада ҳимоя қилишни талаб этишлари натижасида айнан дунёда биринчи марта 1886 йилда Бернь (Швейцария)да “Фан, адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги конвенция ташкил этилди. Бундай халқаро шартноманинг ташкил этилиши ва амалда бўлиши асарлардан фойдаланувчи иккиламчи субъектлар: теле-радио ташкилотлари, кабелли телевидение, фонограмма ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ҳамда

ижрочиларни тан олишни тақозо этди ва уларнинг тегишли ҳуқуқлари юзага келишига ҳуқуқий асос бўлди, дейиш мумкин.

Турдош ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган ва бу икки ҳуқуқ соҳаси қўлланишда ҳам деярли битта қонунга мурожаат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунида муаллифлик ҳуқуқи билан турдош ҳуқуқларга оид қоидалар кетма-кет жойлаштирилган. Турдош ҳуқуқларни тушунишда, аввало, муаллифлик ҳуқуқи қоидалари ва принциплари тўғри таърифланиши ҳамда етарлича таҳлил қилиниши лозим. Шу боис, турдош ҳуқуқларнинг вужудга келишида олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд.

Бир гуруҳ олимлар аввал янги кўринишдаги объект (асар)лар пайдо бўлди ва ундан кейин субъектлар майдонга чиқди десалар, иккинчи гуруҳ олимлар эса унинг аксини илгари сурадилар. Бизнингча, субъектларнинг ҳуқуқлари аввал улар томонидан амалга оширилган ижро (асар ёки объект)нинг амалда бўлиши билан асосланади. Яъни ҳали ижрочига ёки турдош ҳуқуқларнинг бошқа субъектига маълум бўлмаган амал (ижро этиш, ҳаракат, рақс ва бошқа)лар ҳаракатга келтирилади. Бу ҳаракатлар омманинг наза-

рида бўлгани ва кўпчиликка ижодий фаолият натижасида таъсир этгани боис, бу ҳаракатларни қонун нормалари орқали эътироф этишга киришилган. Хулоса қилиб айтганда, аввал объектлар пайдо бўлди ва ундан сўнг бу объектларга нисбатан ҳуқуқдорлик вужудга келади. Субъектларнинг ҳуқуқлари вужудга келишига сабаб бўлган объектларни қуйидагича таснифлаш мумкин: телекўрсатувлар; радио эшиттиришлар; фонограмма (магнит лентаси, граммафон пластинкаси, СД, КВК ва бошқа компакт диск)лар; турли ижролар.

Ана шу объектлар кундалик истеъмолга кириб бориши ва унинг натижаларидан учинчи шахсларнинг ўз манфаатлари йўлида (моддий даромад олиш) кенг фойдаланишлари натижасида бу объектларга нисбатан уни амалга киритган шахсларда субъект сифатида янгича ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши зарур бўлиб қолди. Шундай қилиб, йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан сўнг бу соҳа “маданий индустрия”, “шоу бизнес” номини олди ва у турли янги йўналишларда ривожланиб бормоқда.

Муаллифлар томонидан яратилган асарларни ижрога қаратиш жараёнида, айниқса, бир мамлакатда яратилган асар бошқа мамлакатларда фойдаланилаётганда ёки бошқача усулда фойдаланилаётганда муаллифларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан бузилиши ҳоллари кўзга ташланди. Муаллифлар ҳуқуқларини бутун дунёда бир хилда ҳимоя қилиш, янгича тамойилларга асосланган халқаро тизимни яратиш, асар (объект)ларни такрорлаётган ёки ижро қилаётган ёхуд техник усулда ёзиб олаётган шахс (субъект)лар ҳуқуқларини аниқлаш, унга ҳуқуқий мақом бериш ва миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш лозим эди. Дунёдаги йирик компаниялар мана шу масалани ҳал этиш учун халқаро доирада ижтимоий фикрни шакллантириб, турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва турдош ҳуқуқлар объектлари мақомини аниқлаш мақсадида универсал шартномаларни яратиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Шу сабабли 1961 йил 26 октябрда Римда “Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва эфир орқали узатувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги Конвенцияси қабул қилинди. Конвенция 1964 йил 26 октябрь куни кучга киритилди<sup>1</sup>.

Конвенциянинг асосий мақсади — овоз ёзувчилар ва ижрочи-артистлар ҳамда эфир орқали маҳсулот узатувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Конвенция ижрочилар томонидан асарлар ижро этилаётганда, фонограмма (ҳар қандай товушнинг акустик ёзиб олиниши) ишлаб чиқарувчиларнинг фонограммаларидан фойдаланилаётганда, кўрсатув ва эшиттириш ташкилотларининг дастурлари эфирга узатилаётганда

уларни ҳимоя қилишни таъминлайди. Конвенция нормаларига кўра турдош ҳуқуқларнинг барча субъектлари ҳуқуқлари ҳар қандай рухсатсиз ҳаракатлардан ҳимоя қилинади.

Рухсатсиз ҳаракатлар деганда, дастурларни трансляция ёки ретрансляция қилиш (такроран узатиш), трансляцияларни такрор ишлаб чиқариш мақсадида ёзиб олиш ва шунга ўхшаган ҳаракатлар тушунилади. Бундай ҳаракатлар рухсатсиз амалга оширилганда ҳам муаллифлар, ҳам турдош ҳуқуқлар субъектларининг тегишли ҳуқуқлари бузилиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, асар (объект)лардан такроран фойдаланиш, ёзиб олиш, узатиш, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланувчилар билан турдош ҳуқуқлар субъектлари ўртасида келиб чиқадиган муносабатлар конвенция нормалари орқали тартибга солинмаган бўлди. Конвенцияга кўра турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқлари аниқлаштирилди, уларнинг ўзлари ижро этган, ёзиб олган ёки узатган маҳсулотларининг мақоми белгиланди ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муддати камида 20 йил бўлиши белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган дунёда турдош ҳуқуқлар объектларидан нафақат давлат теле-радио ташкилотлари, балки нодавлат оммавий ахборот воситалари саналмиш мустақил телвидение, радио каналлари, интернет тизими ва бошқа воситаларда кенг фойдаланиш, имкониятлардан келиб чиқиб, бу маҳсулотларни тезкорлик билан дунёнинг исталган бурчагига етказиб бериш оддий ҳолга айланиб қолди. Бундай ҳолатда турдош ҳуқуқлар субъектлар ҳуқуқларини нафақат бир мамлакат ҳудудида, балки бутун дунёда бир хилда ҳимоя қилиш қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, халқаро шартномаларнинг талаблари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топишни, амалдаги қонунчиликни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш ва уни такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2010 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида: “Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг...норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга”, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бундан кўришиб турибдики, соҳага оид миллий қонунчилик халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос бўлиши, нафақат муаллифлар, балки уларнинг асарларидан фойдаланувчилар, жумладан, турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб масала бўлиб қолаверади.

Маълумки, республикамизда турдош ҳуқуқлар-

га оид дастлабки нормалар 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунида ва 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўз аксини топган эди. Албатта, эндигина соҳага оид миллий қонунчилик яратилган бир вақтда турдош ҳуқуқларга оид назарий қарашларни ўрганиш, хорижий тажрибани таҳлил қилиш, халқаро нормаларни миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация (сингдириш) қилиш қийин эди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи, хусусан, турдош ҳуқуқларга оид миллий қонунчилик асосларини яратишда республикамиз олимларидан Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.О.Оқюлов, И.Анортоев, Ш.М.Асянов ва бошқаларнинг илмий-назарий қарашлари ҳамда тажрибаларидан кенг фойдаланилди. Кейинчалик, И.И.Насриев, Б.Н.Тошев ва бошқа ёш олимлар мавжуд муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиб, ўз асарларида ривожлантирдилар, уларнинг тақлиф ва тавсияларидан қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланилди. Хулоса қилиб айтганда, 1996-2006 йиллар турдош ҳуқуқларга оид янги, миллий қонунчилик асосларини яратиш ва уни такомиллаштириш даври бўлди, дейиш мумкин.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг бир қатор моддалари турдош ҳуқуқлар соҳасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишга бағишланган бўлиб, кодексда айрим чалкашликлар мавжуд эди. Масалан, кодекснинг эски таҳриридаги (2006 йилгача) нормаларида ижрочи, фонограмма ишлаб чиқарувчи каби субъектларнинг ҳуқуқлари аниқлаштирилмаган, объектларнинг мақомига ойдинлик киритилмаган эди. Масалан, эски нормаларда «ҳар қандай ижронинг ёзиб олиниши» деган тушунча бўлиб, унга кўра фақатгина шахслар томонидан асарлар ижро этилганда уни ёзиб олиш тушунилар эди. Миллий қонунчиликда “фонограмма” деган тушунча мавжуд эмас эди. Рим конвенцияси талабига кўра, “фонограмма” ҳар қандай товуш (табиий товушлар, турли ҳайвонлар овози, яъни ижродан ташқаридаги стихияли товуш)нинг шахслар томонидан режали ёки мақсадли аудио маҳсулот сифатида ёзиб олиниб, фонограммага киритилишини англатади. 2006 йилга келиб, яъни соҳа қонунининг янги таҳририда бундай чалкашликлар бартараф этилди, халқаро шартнома қоидаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу билан келгусида республикамиз юқоридаги конвенцияга аъзо бўлиши, бошқа мамлакатлар турдош ҳуқуқлар субъектларининг манфаатларини таъминлаш, яъни конвенциядаги “миллий тартиб” принципига тўлиқ амал қилишнинг ҳуқуқий имкониятлари яратилди.

Юқоридагиларга кўра айтиш мумкинки, турдош ҳуқуқларни халқаро доирада ҳимоя қилиш тизимининг яратилиши ёки соҳага оид миллий

қонунчиликка асос солишда Рим конвенцияси “халқаро ҳуқуқий восита” бўлиб хизмат қилади. Бу конвенция турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган бошқа халқаро шартномалар, хусусан, 1971 йилда “Фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларини уларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан ҳимоя қилиш ҳақидаги Женева” конвенцияси, 1974 йилда “Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида”ги Брюссель” конвенцияси, 1996 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг “Ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси” қабул қилинишига ҳам хизмат қилди.<sup>2</sup>

Турдош ҳуқуқларни халқаро миқёсда ҳимоя қилишда юқоридаги халқаро универсал шартномалар ҳуқуқий асос ҳисобланади. Миллий қонунчиликда халқаро ҳуқуқий нормалардан кенгроқ фойдаланиш ички ҳимоя тизими (турдош ҳуқуқлар субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи ташкилотларни тузиш ва бошқалар)ни шакллантиришда амалий кўмак бўлиши ҳам мумкин. Айниқса, турдош ҳуқуқлар субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ҳуқуқ принциплари “устувор принцип” сифатида қўлланилишини инобатга олсак, халқаро тажрибаларни ўрганиш ва хулоса чиқариш, миллий ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш, амалда ишлайдиган янги тизимни яратишнинг стратегик йўналишлари ва назарий асосларини белгилаб олишда ёрдам бериши мумкин.

Соҳага оид миллий қонунчилик ривожланишининг иккинчи босқичи сифатида 2005-2010 йилларни кўрсатиш мумкин. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2005 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқиб, мамлакатни модернизация қилиш ва жамият ҳаётини либераллаштиришга қаратилган Давлат дастури қабул қилинди. Бу Дастурда бошқа қонунчилик билан бирга, турдош ҳуқуқларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, янги қонунчилик асосларини яратиш вазифаси ҳам қўйилди.

Иккинчидан, 2005 йил 19 апрелдан республикамизда “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенциясининг амалга киритилиши соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш заруриятини ўртага қўйди. Шунга кўра, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди ва 2006 йил 23 июлдан амалга киритилди. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг турдош ҳуқуқларга оид нормалари ҳам 2006 йил декабрь ойида янги таҳрирда қабул қилинди.

Хозирги замон турдош ҳуқуқлар қонунчилигини янада такомиллаштириш, турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳуқуқларини янада кенгайтириш мақсадида телевидение, радиостудия, фонограмма ишлаб чиқарувчилар мақомларини аниқлаштириш, бунинг учун эса янги қонунлар қабул қилиш зарурияти мавжуд. Янги қонунларда турдош ҳуқуқлар субъектларининг асар (объект)ларнинг фуқаролик муомаласида бўлиши ва субъектлар ҳуқуқларининг муҳофазасини таъминлаш мақсадида қайта ишлаб чиқариш ҳуқуқи, тарқатиш ҳуқуқи, ижарага бериш ҳуқуқи, ёзилган ижрони маълум қилиш ҳуқуқи каби ҳуқуқларни белгилаш лозим бўлади. Қонунчиликни ривожлантириш ва мавжуд нормаларни янада такомиллаштириш мамлакатимизнинг келгусида соҳага оид халқаро шартномаларга аъзо бўлиб киришида муҳим кафолат бўлиши мумкин.

Республикамизда амалдаги соҳа қонунчилигини такомиллаштириш, уни янги нормалар билан бойитиш, қонунчиликдаги мавжуд қарама-қаршилиқларни бартараф этиш кераклиги субъектив қараш ёки фикр бўлмасдан, балки муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳимояси масалалари билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотларнинг талаби ҳамдир. Халқаро ташкилотлар актилари ва халқаро универсал шартномалар қоидаларининг миллий қонунчиликда акс эттирилиши (имплементацияси) турдош ҳуқуқлар субъектлари тизимини аниқлаш, уларга бериладиган ҳуқуқлар ҳажмини белгилаш ва мутлақ ҳуқуқларни вақтинча ёки қисман (тўла) ўзгаларга ўтказиб туриш, келгусида содир этиладиган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.



<sup>1</sup> Конвенция об охране прав исполнителей, производителей фонограмм и вещательных организаций. Рим, 1961). –ВОИС.: Женева, 2000.

<sup>2</sup> Конвенция об охране интересов производителей фонограмм от незаконного производства их фонограмм. Женева, 1971. – ВОИС.: Женева, 2000.

Конвенция о распространении несущих программы сигналов, передаваемых через спутники. Брюссель, 1974. – ВОИС.: Женева, 2000.

Договор ВОИС по фонограммам и исполнениям .1996. – ВОИС.: Женева, 2000.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,  
Тошкент давлат юридик университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар”  
кафедраси доценти

## ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

◆ Мақолада ҳуқуқий маданият, жумладан, ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаштиришнинг муҳим омили эканлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этилган.

◆ В статье исследуется научно-теоретический и аналитический взгляд на то, что формирование молодежной политической культуры является основным фактором в процессе демократизации общества и модернизации страны.

◆ This article reflects the scientific and theoretical and analytical view of the fact that the formation of youth political culture is a major factor in the process of democratization and modernization of the country.

**Таянч сўзлар:** жамиятни демократлаштириш, ижтимоий маданият, мамлакатни модернизациялаштириш, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тизим.

**Ключевые слова:** демократизация общества, социальная культура, модернизация государства, политическая культура, правовая культура, правосознание, правовая система.

**Key words:** democratization of society, social culture, modernization of state, political culture, legal culture, sense of justice, legal system.

Жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялашда ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби сиёсий модернизациялашув жараёнида ҳуқуқ соҳаси ўзига хос етакчилик қилиши табиий. Бу биринчидан, мамлакатни модернизациялаш, аввало, унда ҳуқуқ тизимининг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалганлиги билан бевосита боғлиқ. Иккинчидан, ёшлар муҳим ижтимоий қатлам сифатида жамиятнинг демократлашуви ва мамлакатни модернизациялаштиришга конструктив таъсир кўрсатади. Учинчидан, ҳуқуқий маданият мазкур жараённинг самарадорлигини таъминловчи асосий омил саналади.

Ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг муҳим элементидир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида кенг маънода ҳуқуқий маданият ва шахс ҳуқуқий маданияти тушунилади. Кенг маънода ҳуқуқий маданият бу ҳуқуқий фаолият доирасига тегишли моддий ва идеал элементларнинг тизимидир. Ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг муҳим таркибий қисми саналади. Шу маънода ҳуқуқий маданият ўз таркибида нормалар тизими, ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий муассасалар кабиларни мужассам этади.

Ҳуқуқий маданият бу чуқур ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий тизим, қонунга нисбатан ҳурмат ва ҳуқуқий хулқ-атвор йиғиндиси. У ижтимоий ва сиёсий маданият билан мустаҳкам алоқадор саналади. Умумий маданиятнинг мазкур учта тури бевосита боғлиқ бўлиб, улар бир-биридан ўзаро куч олади. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиш жараёнида дастлаб: инсоф, шаън, ростгўйлик, қадр-қиммат ва эзгулик каби элементлари пайдо бўлади. Ушбу элементларсиз ҳуқуқий маданият яхлит юзага келмайди. Ижтимоийлашув натижасида одамлар эзгулик ва адолат, инсон шаъни ва унинг топталиши ҳамда эркинлик ва қўллик каби қонуниятнинг мавжудлигини англаб идрок этишади. “Нима яхшию нима ёмонлигини” тушуниб етишда эса уларга айнан ҳуқуқ соҳаси ёрдам беради. Одамлар ёши улғайгани сари уларда ҳуқуқнинг турли соҳалари, жумладан, давлат ҳуқуқи тарихи, криминалистика ва суд жараёнларига нисбатан қизиқиш орта боради. Кейинчалик эса уларда сиёсий маданиятнинг элементлари шаклланади<sup>1</sup>.

Дунё миқёсида ёшлар ҳуқуқий маданияти даражасига назар ташланса, муаммонинг жаҳон аҳамиятига эгаллигини кўриш мумкин: “Демократик ва эркин сайловларда иштирок этиш ҳуқу-

қининг мавжудлиги ижтимоий ва сиёсий адолатнинг асосий кафолатидир, бироқ ҳаётини тажриба ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги фаол иштирок фақат ушбу ҳуқуққа боғлиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Масалан, қатор ғарб демократик мамлакатларидаги ёшлар ушбу ҳуқуқ билан таъминланса-да, кейинги йигирма йил ичида уларнинг сайлов жараёнидаги иштироки йил сайин пасайиб бормоқда. Шу сабабдан “Ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш учун нима қилиш керак?” деган ҳақли савол туғилади”<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муаммоси миллий доирадан чиқиб, дунё муаммосига айланиб улгурган. Мазкур муаммо фақат ҳуқуқ асосида муайян мамлакатда тартибга солинадиган ҳодиса эмас, балки бу дунё аҳамиятига молик кўп қиррали мураккаб жараёндир. Шу нуқтаи назардан муаммонинг ўз ечими ҳам бор. У дастлаб халқаро ҳамкорликни талаб этади ҳамда ҳар бир мамлакат ёшларида илм-фан ва таълим жараёни орқали ҳуқуқий маданиятни шакллантириб, унинг амалий жиҳатдан реал воқеликка айланиши билан боғлиқ.

Мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида кенг қамровли ислохотларни амалга ошираётган Ўзбекистон давлати ҳам юксак ҳуқуқий маданиятли ёшларни тарбиялашдан манфаатдор. Ҳуқуқий ривожланиш сари йўл тутган мамлакатимизда масалага ўзига хос тарзда рационал тарзда ёндашилаётганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори айнан шу мақсадни назарда тутиши билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳуқуқий маданиятнинг муҳим элементларидан бири бу ҳуқуқий билим саналади. Шунингдек, ўз ўрнида ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий муассасалар муҳим ўрин тутишини эътиборга олсак, мазкур қарорнинг аҳамияти маълум бўлади. Ушбу норматив ҳужжатда: “Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш”<sup>3</sup> каби масаланинг асосий вазифа сифатида белгиланиши фикримизга асос бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда у асосида ишлаб чиқилган 7 та йўналиш ва 67 та банддан иборат Дастурнинг тасдиқланиб амалга оширилишининг белгиланиши жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни

модернизациялаштириш сари ташланган яна бир муҳим кадамдир. Мазкур Дастур ёшларнинг муҳим ижтимоий қатлам сифатида ўз шахсий ва ижтимоий манфаатлари ҳамда эҳтиёжлари мавжудлиги ва уларни амалга оширишга ҳуқуқий жиҳатдан имконият яратиш муҳимлигини назарда тутди. Мамлакатимизнинг модернизациялашуви жараёнида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш<sup>4</sup> жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаштиришнинг муҳим шартидир.

Ҳуқуқий маданият — шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий фаолият соҳасида эришган ижобий даражалари ҳолатини характерловчи ҳамда субъектнинг юридик нормаларга нисбатан ҳуқуқий онги ва даражасининг юксалиши, шунингдек, давлат ёки фуқаролик жамияти томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг кафолатланганлигини англатувчи ижтимоий ҳодисадир.

Ҳуқуқий маданият — ижтимоий маданиятнинг муҳим таркибий қисми саналиб, у жамият ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий фаоллиги ҳамда юридик норма ва юридик фаолиятнинг ривожланганлик даражаси каби таркибий қисмлардан иборат. Жамият ҳуқуқий маданияти аҳолининг ҳуқуқий онги қай даражада юксалганлигига бевосита боғлиқ. Бу ҳуқуқий маданиятнинг дастлабки элементидир.

Жамият ҳуқуқий маданияти умумий маданиятнинг асосий таркибий қисми саналиб, у ҳуқуқий онг даражаси, ҳуқуқий институтлар фаолиятининг самарадорлиги, мамлакатда қонунчилик ҳолати ва такомиллашувининг ривожланганлик даражаси ҳамда умуминсоний ва миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро нисбати каби белгилар билан характерланади.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти бу ҳуқуқни тушуниш, идрок этиш ва уни қўллашни англатади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онг билан мустаҳкам алоқада бўлиб, бевосита унга таянади. Шахс ҳуқуқий маданиятининг асосий элементлари таркибига: одамнинг ҳуқуқий онги; шахснинг ҳуқуққа итоаткорлик ва унга бўйсунуш ҳулқ-атвори; шахснинг ҳуқуқий фаоллиги кабилар кирди.

Ҳуқуқий маданиятнинг таҳлили қонуншунос, ҳуқуқни қўлловчи, фуқаро ва жамиятнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадини амалга оширишда инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий қадриятларни англаш, идрок этиш ҳамда тушуниш учун зарур бўлади<sup>5</sup>.

Чунки бу, биринчидан, демократиянинг миллий ва умумбашарий тамойилларидан келиб чи-

қувчи жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий манфаати, сиёсий-ҳуқуқий мақсад ва муддаоси билан боғлиқ. Иккинчидан, ҳуқуқий билим, тажриба, эътиқод ва маданиятнинг ёшларга ворисийлик асосида ўтиб, унинг шу тариқа бир авлоддан кейингисига мерос қолишида кўринади. Учинчидан, муҳим сиёсий институт давлат фаолиятида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш жараёнида қандай ҳуқуқий кадриятларга асосланганлигини ўзида ифодалайди.

Шу боис ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муаммоларини ўрганиш ҳуқуқий тизимда ёшларнинг бевосита ёш билан боғлиқ ўзига хос психологик хусусиятларини инобатга олиш, ҳуқуқий йўналишда таълим ва тарбия беришнинг ўзига хос муаммоларини таҳлил қилиш, жамият ҳуқуқий тизимидаги хусусият ва мақомларига эътибор бериш, шунингдек, ҳуқуқий кадриятлар ва бошқа бир қатор жиҳатларни илмий асосда тадқиқ этишда кўринади. Айниқса, мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти муаммолари долзарб аҳамиятга эга. Негаки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, ёшлар ҳуқуқий онгидаги янги ўзгаришлар, ахборот технологиялари тараққиётининг жадал суръатлари ёшларнинг ҳуқуқий-ижтимоий ҳаётга, уларнинг кадриятлар дунёсига, анъанавий кадриятларни қайта баҳолаш даражасига таъсир қилмасдан қолмайди.

Шу нуқтаи назардан ёшларга янги ҳуқуқий тарбия беришдан асосий мақсад ҳар бир ёш миллий ва умуминсоний тамойиллар асосида ҳуқуқий маданиятни ўзлаштириб, идрок эта олишига эришишдан иборатдир. Профессорлар У.Таджиханов ва А.Саидовлар қайд этганидек: “Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамият, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдек кенг қамровли ишларни амалга оширишни тақозо этади. Шу маънода ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси — бу юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятдир. Ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, замонавий бозор муносабатлари механизмини яратиш жамиятимиз олдида Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий

онги ва ҳуқуқий маданиятини жаҳон андозаларига мослаштиришдек ўта долзарб муаммони ҳал қилиш масаласини қўймоқда”<sup>6</sup>. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш шахс, жамият ва давлат демократик ривожланишининг ўзига хос хусусияти саналади. Сабаби, жамиятга нисбатан ҳуқуқий маданият ҳуқуқий кадриятлар ва меъёрлар, ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий онг ва ҳулқ-атвор бирлигининг сифат хусусиятини ифодалайди. Алоҳида индивидга нисбатан эса у жамият ҳуқуқий тизимида шахснинг ҳуқуқий ҳаёт тўғрисидаги ўзлаштирилган ўзига хос “ҳуқуқий маданияти” бўлиб, у ҳуқуқий воқеликни ўзлаштиришнинг мезони сифатида гавдаланади. Бу йўналишда асосий эътибор ёшларнинг онгида муҳим демократик ўзгаришларни содир этишдан бошлангани аҳамиятлидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

— биринчидан, ҳуқуқий маданиятнинг асосий субкультураси сифатида шахснинг ёши катта аҳамият касб этади;

— иккинчидан, аҳолининг турли ёшдаги ижтимоий гуруҳлари ҳар хил ижтимоий-иқтисодий шароитда шаклланиши боис, аҳолининг кекса ва ўрта ёшлиларга мансуб вакиллари ижтимоий муносабатларнинг модернизациялашуви жараёнидаги ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, ўзларининг асосий эътиборини моддий жиҳатга кўпроқ қаратади;

— учинчидан, ёш авлод вакиллари эса бутунлай янги ҳуқуқий кадриятлар тизимига таяниб, етакчи ўринга номоддий кадриятлар саналмиш индивидуал эркинлик, ўз муаммоларини ўзи ҳал этиш имкониятига эгалик, ўзини ўзи мустақил ҳаётга йўллаш кабиларга эришишга интилиши билан ажралиб туради;

— тўртинчидан, мазкур кадриятли йўналишлар давомида таълим жараёнининг самарадорлиги, ахборотга эгалик даражасининг юқорилиги муҳим аҳамият касб этади;

— бешинчидан, бундан ёшларда субъектив моддий кадриятларга нисбатан талаб умуман йўқ экан деган фикр келиб чиқмайди, аксинча ёшларда номоддий кадриятларга нисбатан талаб ус-тунлик қилади.



<sup>1</sup> См.Юридический словарь / Сост., предисл., прилож. А.Ф.Никитина. — М.: ОЛМА-ПРЕСС Образование, 2004. — С. 413-415.

<sup>2</sup> См. ЮНИСЕФ (2000 год), «Молодежь в меняющемся обществе». Региональный мониторинговый доклад № 7, Флоренция, Исследовательский центр ЮНИСЕФ «Инноченти».

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 28 июндаги ПҚ-1990-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2103 й, 29-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февралдаги 2124-сонли қарори.

<sup>5</sup> См. Большая юридическая энциклопедия. — М.: Изд-во Эксмо, 2007. — С. 455.

<sup>6</sup> Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. 2 томли. 1-том / Масъул муҳаррир академик Ш.З.Ўразаев — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. — 10-11- б.

Шерзод МАТЧОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

## СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

◆ Мақола солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни либераллаштириш масалаларига бағишланган. Муаллиф томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни либераллаштириш бўйича ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялар ифодаланган.

◆ Статья посвящена вопросам либерализации ответственности за налоговое правонарушение. Автором отражены разработанные основные предложения и рекомендации по либерализации ответственности за налоговые правонарушения.

◆ The article deals with the liberalization of liability for tax offenses. The author developed reflected the main proposals and recommendations for the liberalization of liability for tax offenses.

**Калит сўзлар:** солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик, айб, якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс, либераллаштириш.

**Ключевые слова:** ответственность за налоговое правонарушение, вина, индивидуальный предприниматель, юридическое лицо, либерализация.

**Key words:** responsibility for tax violation, fault, individual entrepreneur, legal entity, liberalization.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг кўламли имкониятлар яратиш борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, 2013 йилнинг ўзидан юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлаганлиги, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони шу йилнинг охирига келиб 190 мингтага етганлиги, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилаётганлигининг ўзи юқоридаги фикримизнинг исботидир<sup>1</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тез ўзгарувчан бозор иқтисодиётига мослашувчан бўлиши билан бирга, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларига нисбатан йирик тадбиркорлик субъектларига қараганда таъсирчандир. Шу нуқтаи назардан қўлла-ниладиган жавобгарлик чораси уларни оғир иқтисодий аҳволга солиб қўймаслиги, балки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг оғир ва енгиллигига

муносоиб ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда профилактик аҳамиятга эга бўлиши, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий майдонда фаолият юритишига ундовчи ҳуқуқий восита бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳуқуқбузарликнинг оғир ва енгиллигига мос келадиган даражада белгиланиши адолат принципининг муҳим шартларидан биридир. Шу сабабли, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар томонидан содир этиладиган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларининг ўрнатилиши, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликнинг олдини олувчи чора доирасидан четга чиққан ҳолда тадбиркорни ўзини тиклаб бўлмайдиган ҳолатга олиб келмаслиги лозим.

Шундай экан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чорасининг ҳар томонлама ўйланган ҳолда, адолат мезонларига мос келадиган доирада ўрнатилиши тадбиркорлик фаолиятини

ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолиятида солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чорасини қўллаш билан боғлиқ муносабатлар ва уларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормалари амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, жадал ривожланиб бораётган жамият эҳтиёжларига мослаштирилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Агарда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик қўллаш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари нормаларига эътибор берадиган бўлсак, охириги йилларда уларга тадбиркор манфаати йўлида кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса, мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар бир жойда тўхтаб турмасдан давом этаётганлигини кўрсатади.

Шу муносабат билан солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чорасини қўллаш соҳасини ҳам ислох этиш давом этаётганлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا биноан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди (қонунда белгиланган истиснолар бундан мустасно). Мазкур тартибнинг жорий этилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Эндиликда назорат қилувчи органлар ўзлари томонидан амалга оширилган текширишлар натижасида аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни сўраб судга мурожаат қилишлари лозим бўлади.

Бундан ташқари, амалга оширилган ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъекти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик оқибатида содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан, пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши тўғрисидаги қоидалар киритилди.

2008 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чорасини қўллаш механизмни тизимлаштирган ҳолда шакллантирди. Яъни мазкур кодекснинг IV бўлими солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка бағишланган бўлиб, ҳуқуқий конструкциясига кўра моддий ва процессуал ҳуқуқий нормаларни, шунингдек,

умумий ва махсус қоидаларни ўзида қамраб олган. Бундан ташқари, мазкур кодексда тадбиркор манфаатига хизмат қилувчи нормалар ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, жавобгарликни енгиллаштирувчи, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбини, жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси, даъво муддати каби нормалар шулар жумласидандир.

Юқоридагилардан ташқари, 2013 йилнинг 25 декабрида "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва ўтган йилнинг 7 октябрида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари қабул қилиниши билан Солиқ кодексига солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган моддаларнинг нормалари либераллаштирилган ҳолда қуйидагича ўзгартишлар киритилди, жумладан:

— 114-моддага кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яширганлик (камайтириб кўрсатиш) учун яширилган тушум суммасига тенг миқдорда жарима белгиланган норма, эндиликда жарима миқдори яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасининг 20 фоизи миқдорига камайтирилди;

— 115-моддада назарда тутилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси Солиқ кодексидан чиқариб ташланди;

— 116-моддада назарда тутилган бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси Солиқ кодексидан чиқариб ташланди;

— 117-моддада назарда тутилган фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси Солиқ кодексидан чиқариб ташланди;

— 120-моддада назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун тўланадиган пеня миқдори 0,05 фоиз миқдоридан 0,033 фоиз миқдорига камайтирилди.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар солиқ тўловчилар учун, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун муҳим енгилликлардан биридир ва тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда тадбиркорликни ри-

вожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодийetni ислох этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур”.<sup>2</sup>

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келинди.

Биринчидан, Солиқ кодексининг 106-моддасига кўра, солиқ тўловчининг ушбу Кодексда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади. Кўриб турганимиздек, қилмишни солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб баҳолаш учун айбли бўлиши лозим. Аммо Солиқ кодексига “айб” тушунчасига таъриф берилмаган. Шунингдек, айбнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилиши тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилмаган. Бундан ташқари, солиққа оид ҳуқуқбузарлик субъектлари юридик ва жисмоний шахслардир. Мазкур ҳолатда юридик шахснинг айбини аниқлаш механизми ҳам қонунчиликда белгиланмаган. Шу муносабат билан мазкур масалаларга қонунчиликда аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, Солиқ кодексининг 111-моддасида солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар белгиланган. Кодексда енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати кўрсатилиши билан чекланилган бўлиб, уларни қўллаш механизми кўрсатилмаган, яъни енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолларда Солиқ кодексининг ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган модда санкцияси доирасида енгилроқ жазони белгилаш ёки содир этилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам кам жазони белгилаш учун асос бўлиши ёхуд бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштириш мумкин ёки мумкин эмаслиги масалаларига аниқлик киритиш жоиз.

Учинчидан, Солиқ кодексининг 108-моддасига кўра, юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда

қўлланилади.

Мазкур модданинг мазмунига кўра, битта қилмиш учун ҳам маъмурий ёки жиноий, ҳам солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкция қўлланилиши назарда тутилмоқда. Маълумки, тадбиркорлик фаолияти юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор тариқасида рўйхатдан ўтиб, жисмоний шахс томонидан амалга оширилади. Шу муносабат билан битта қилмиш учун юридик шахснинг мансабдор шахси маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликка тортилгандан сўнг яна у томонидан бошқарилаётган юридик шахсга ҳам айнан ўша қилмиши учун молиявий санкция қўлланилиши битта ҳаракат учун икки хил жавобгарликнинг қўлланилишига олиб келмоқда. Мазкур масала якка тартибдаги тадбиркорга солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик қўллашда янада аниқ кўринади. Яъни якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахс бўлгани ҳолда битта қилмиш учун ҳам жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилмоқда, ҳам молиявий санкция қўлланилмоқда.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда мазкур модданинг қуйидаги тарзда таҳрир этилишини мақсадга мувофиқ, яъни “юридик шахснинг мансабдор шахслари маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликларга тортилиши, юридик шахсни айнан шу солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун, агар етказилган зарар қонунда белгиланган тартибда қопланган бўлса, молиявий санкцияни қўллашдан озод этади. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар жисмоний шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади”.

Тўртинчидан, Солиқ кодексининг 114-моддасида қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) учун жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, ушбу моддани қўллаш мақсадида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади:

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги факти ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги;

ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг оморда ёки реализация

қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

Мазкур моддага ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарлар омбордан ёки реализация қилиш жойидан юридик шахснинг раҳбари ёки мулкдорининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ва уларга маълум бўлмаган ҳолда юридик шахс ходими ёки бошқа шахслар томонидан талон-торож қилингани ёхуд бошқача усулда йўқ қилингани исботланганда, юридик шахс жавобгарликдан озод этилиши тўғрисидаги қоида қиритилиши мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонуннинг нормасига кўра, агар юридик шахс ҳисобида реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойидан юридик шахс ходими томонидан ёки юридик шахс раҳбари ёхуд

мулкдори ҳисобланмаган бошқа шахслар томонидан содир этилган талон-торожликлар натижасида мавжуд бўлмаслиги реализация қилишдан тушган тушумни яшириш деб баҳоланмоқда ва юридик шахсга нисбатан жавобгарлик чораси қўлланилмоқда. Мазкур ҳолатда юридик шахс ҳам молиявий санкцияни тўлашга мажбур бўлади, ҳам содир этилган талон-торождан зарар кўрган ҳолда икки томонлама салбий таъсирга айбсиз ҳолда учрайди. Ваҳоланки, ушбу қилмишлар юридик шахс раҳбарининг қасди билан қамраб олинмаган ҳолда содир этилган бўлади.

Айтиб ўтилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



<sup>1</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2014 йил, 18 январь. №13(5943).

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2014 йил, 18 январь. №13(5943).

Икром ФАЗИЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
катта илмий ходим-изланувчиси

# ОДАМ САВДОСИНИНГ ЖАБРЛАНУВЧИСИНИ АЛДОВ, МАЖБУРЛОВ ЁКИ ТАҲДИД ОСТИДА СОДИР ЭТГАН ЖИНОЯТИ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ: ТАКЛИФ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАР

◆ Мақолада одам савдоси жабрланувчисининг жиноят-ҳуқуқий тавсифига доир муаммолар таҳлил қилинган. Муаллиф одам савдоси жабрланувчисининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиққан.

◆ В статье анализируются проблемы, касающиеся уголовно-правовой характеристики жертвы торговли людьми. Автор разработал научно обоснованные предложения по уголовно-правовой характеристике жертвы торговли людьми.

◆ The article deals with the problems of criminal legal characteristics a victim of human traffic. The author elaborates his conclusions his own characteristics of a victim of human traffic.

**Таянч иборалар:** одам савдоси, одам савдосининг жабрланувчиси, одам савдоси жабрланувчисининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи.

**Ключевые слова:** торговля людьми, жертва торговли людьми, уголовно-правовая характеристика жертвы торговли людьми.

**Key words:** human traffic, a victim human traffic, criminal legal characteristics of a victim of human traffic.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддаси диспозициясининг мазмунига кўра, жинси (аёл, эрак) ва фуқаролиги (Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс)дан қатъи назар, одам савдоси орқали маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган ҳар қандай инсон ушбу жиноятнинг жабрланувчиси ҳисобланади.

Таҳлил қилинаётган қонун нормасида ёш жиҳатдан на юқори, на пастки чегара белгиланмаган. Бу эса, гўдак ҳам, ўсмир ҳам, катта ёшдаги киши ҳам одам савдосининг жабрланувчиси бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Шунингдек, муҳокама қилинаётган қонун нормасида жабрланувчига доир бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам чекловлар мавжуд эмас. Бинобарин, айбдорнинг фарзанди ҳам, фарзандликка олинган шахс ҳам жабрланувчи бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз жиноят қонунчилигига одам савдосининг жабрланувчисини алдов, мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи махсус норманинг киритилишига одам савдосига қарши

кураш амалиёти кучли эҳтиёж сезмоқда. Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, биз ўрганган одам савдоси бўйича юритилган жиноят ишларининг таҳлили суд-тергов амалиётида одам савдосидан жабрланган шахслар алдов, мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилаётганлигидан далолат беради. Масалан, одам савдоси чоғида Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ноқонуний тарзда олиб ўтилган жабрланувчиларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддаси (Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш) билан, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган жабрланувчиларнинг ҳаракатлари эса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан квалификация қилинмоқда.

Одам савдосининг жабрланувчилари аксарият ҳолларда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда давлат чегарасидан ноқонуний тарзда олиб

ўтилаётганлигини инобатга олсак, ушбу муаммонинг долзарблиги янада ошади.

*Иккинчидан*, баъзан одам савдосидан жабрланган шахслар ўзларига нисбатан одам савдоси содир қилинганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилмаяптилар, содир этилган жиноятни фош қилишга, одам савдосидан жабрланган бошқа шахсларни ёки улар эксплуатация қилинаётган жойни аниқлашга фаол кўмаклашмаятилар.

Бунинг асосий сабаби одам савдосидан жабрланган шахслар ўзларининг «ноқонуний муҳожирлиги» оқибатларидан, жумладан, қонунга хилоф равишда чет элга чиққанлиги ёки Ўзбекистон Республикасига кирганлиги ёхуд қалбаки ҳужжатлардан фойдаланганлиги фош бўлиши натижасида жинойий жавобгарликка тортилишидан қўрқиши ҳисобланади. Бу эса, одам савдосидан жабрланган шахсларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан айрим депортация қилинганлар билан ўтказилган суҳбатда уларнинг одам савдоси жиноятдан жабрланган бўлишига қарамасдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаганлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Мазкур ҳолатлар одам савдосини содир этган айрим шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ва жинойий фаолиятини давом эттиришига шароит яратмоқда.

Шу боис, мамлакатимиз жиноят қонунчилигида одам савдосининг жабрланувчисини алдов, мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган жинояти учун жинойий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи махсус норманинг киритилиши одам савдосини содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги тўлиқ таъминланишига самарали хизмат қилади.

*Учинчидан*, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда давлатлар ўз қонун ҳужжатларида одам савдосидан жабрланган шахсларни мамлакатга ноқонуний кирганлиги ёки яшаганлиги учун жазоланишига йўл қўйилмаслигини назарда тутишга чақирилади<sup>2</sup>.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига болалар савдоси, болалар фоҳишалиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол (2000 йил 25 май)<sup>3</sup> иштирокчи давлатлар зиммасига болалар савдосидан жабрланганларга ҳар қандай тегишли ёрдам кўрсатилишини, жумладан, уларнинг ижтимоий реинтеграцияланиши (жамиятга қайта қўшилиши) ҳамда жисмоний ва руҳий жиҳатдан тўлиқ тикланишини таъминлаш мақсадида имкони бўлган барча чораларни кўриш мажбуриятини юклади (9-м. 3-қисми).

Таҳлил қилинаётган масалага доир илғор хал-

қаро нормалар минтақавий ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўзининг ифодасини топган. Хусусан, Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш ҳақидаги конвенцияси (2005 йил 16 май)нинг 26-моддасига кўра, иштирокчи давлатлар ўз ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ жабрланганларни мажбурият орқасида ғайриқонуний фаолият турларига алоқадор бўлиб қолгани учун жазодан озод қилиш мумкинлигини назарда тутилади<sup>4</sup>.

Мамлакатимиз жиноят қонунчилигида одам савдосининг жабрланувчисини алдов, мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган жинояти учун жинойий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи махсус норманинг киритилиши таҳлил қилинаётган масалага доир халқаро ҳуқуқий нормаларнинг талаблари мамлакатимиз жиноят қонунчилигида ўзининг тўлиқ ифодасини топишига хизмат қилади.

*Тўртинчидан*, таҳлил қилинаётган масала бўйича илғор хориж амалиёти мавжуд. Жумладан, Молдова Республикасининг Жиноят кодексида одам савдосидан жабрланган шахс ушбу процесуал мақоми туфайли содир этган жинояти учун жинойий жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган (165-м. 4-қисми)<sup>5</sup>.

Шубҳасиз, Молдова Республикаси Жиноят кодексининг ушбу нормасини муҳокама қилинаётган масалага доир илғор хориж тажрибаси сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ, таҳлил қилинаётган норманинг мазмуни ҳаддан ташқари кенг баён қилинган. Чунки, айрим ҳолларда одам савдосидан жабрланган шахслар қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш (ЖК 223-м.), ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш (228-м.) ва бошқа жиноятларни ўзлари била туриб, қасддан содир этишмоқда. Шу боис, одам савдосидан жабрланган шахс ушбу процесуал мақоми туфайли содир этган ҳар қандай жинояти учун жинойий жавобгарликдан озод қилиниши жиддий танқидга сабаб бўлади.

*Бешинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунида «одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жинойий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади», деган норма келтирилган (12-м. 4-қисми)<sup>6</sup>.

Афсуски, ҳанузгача ушбу норма Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ўзининг ифодасини топмади. Натижада Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг нормалари (12-м. 4-қисми) билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг нормалари (135-м.) ўртасида зидди-

ят юзага келди.

Мамлакатимиз жиноят қонунчилигига одам савдосининг жабрланувчисини алдов, мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутовчи махсус норманинг киритилиши ушбу зиддиятни бартараф этади. Бу эса, муҳокама қилинаётган таклифимизнинг амалий аҳамиятини янада оширади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни 12-моддаси тўртинчи қисмининг мазмунига кўра, одам савдосидан жабрланганлар алдов остида содир этилган қилмиши учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин эмас. Бу эса, таҳлил қилинаётган қонун нормасининг заиф жиҳати ҳисобланади. Чунки, аксарият ҳолларда одам савдосидан жабрланган шахсларга алдов қўлланилганлиги оқибатида улар томонидан ғайриқонуний қилмишлар содир этилаётганлигини одам савдоси бўйича юритилган жиноят ишларининг таҳлили яққол тасдиқлайди.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, одам савдосидан жабрланганлар нафақат мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган қилмиши учун, балки уларга алдов қўлланилганлиги туфайли содир этган қилмиши учун ҳам фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилинишни қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидланган илмий хулосаларга асосланиб, қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси (Одам савдоси)ни қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи қисм билан тўлдириш:

«Одам савдосининг жабрланувчиси алдов, мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод қилинади»;

2) Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни 12-моддасининг тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Одам савдосидан жабрланганлар алдов, мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиши учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади».

Ўйлаймизки, юқорида таъкидланган илмий хулоса ва таклифларимизнинг назария, қонунчилик ва одам савдосига қарши кураш амалиётида ўзининг ифодасини топиши қуйидагиларга хизмат қилади:

— одам савдосидан жабрланган шахсларнинг манфаатлари жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали янада самарали муҳофаза қилинишига;

— одам савдосини содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги тўлиқ таъминланишига;

— одам савдоси учун жавобгарлик белгиловчи миллий қонунчилик нормаларидаги зиддиятларни бартараф этишга;

— одам савдоси учун жавобгарлик белгиловчи миллий қонунчилик нормаларининг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларига янада мувофиқлаштирилишига;

— одам савдосига қарши кураш борасидаги илғор хориж тажрибалари миллий қонунчиликка татбиқ этилишига;

— халқаро ва хориж мутахассислари томонидан одам савдосига қарши кураш борасидаги миллий қонунчилигимизнинг нормалари илғор норма (амалиёт, тажриба)лар сифатида эътироф этилишига ва мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада ошишига;

— одам савдосига қарши курашишнинг самардорлигини янада оширишга.



<sup>1</sup> Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами /Р.Х.Қодировнинг умумий таҳрири остида. — Т.: «Yurist-media markazi», 2009. — Б. 8.

<sup>2</sup> Пункт 5 Руководящего положения 4 Рекомендуемых принципов по вопросу о правах человека и торговле людьми. Доклад Верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека Экономическому и Социальному совету (Нью-Йорк, 1–26 июля 2002 г.) // Противодействие торговле людьми: Сборник нормативных правовых документов / Под ред. Н. И. Абукировой. — М., 2004. — С. 117.

<sup>3</sup> БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига болалар савдоси, болалар фоҳишалиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол (2000 йил 25 май) // Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари / Тузувчилар Л. Исҳоқова, К. Ҳамроева. — Т.: «Yurist-media markazi» нашриёти, 2010. — Б. 74–83.

<sup>4</sup> Европа Кенгашининг одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси (Варшава, 2005 йил 16 май) // Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари. — Т.: «Yurist-media markazi», 2010. — Б. 158.

<sup>5</sup> Уголовный кодекс Республики МолдоваСтатья 165. Торговля людьми // Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ. — Режим доступа: <http://www.legislationline.org/ru/>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — № 4. — 190-м.

Самариддин АЧИЛОВ,  
Соискатель Ташкентского государственного  
юридического университета, к.ю.н.

## О НРАВСТВЕННОЙ ЭКСПЕРТИЗЕ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ

✦ Мақола норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ахлоқий экспертизадан ўтказиш тушунчаси, унинг долзарблиги ва аҳамиятига бағишланган. Унда амалдаги ва қабул қилиниладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ахлоқий экспертизадан ўтказишнинг назарий ва амалий муаммолари таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечими юзасидан таклифлар берилган.

✦ Статья посвящена понятию, актуальности и значению нравственной экспертизы нормативно-правовых актов. В ней проведен научный и практический анализ проблем проведения нравственной экспертизы действующих и принимаемых нормативно-правовых актов, а также приводятся предложения по их разрешению.

✦ Article is devoted to the concept, relevance and value of moral expertise of legal acts. It carried out a scientific and practical analysis of the moral problems of existing expertise and received legal acts, as well as provide suggestions for resolving them.

**Таянч сўзлар:** ахлоқ, ахлоқий қадриятлар, қонун лойиҳаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизаси, ахлоқий экспертиза.

**Ключевые слова:** нравственность, нравственные ценности, законопроект, экспертиза нормативно-правовых актов, нравственная экспертиза.

**Key words:** morality, moral values, expertise of legal acts, moral expertise.

С приобретением независимости Республика Узбекистан стала самостоятельно формировать и совершенствовать свою законодательную базу, основанную на накопленные народом многовековые традиции и обычаи, духовно-нравственные ценности и взгляды, а также идеи и принципы строительства демократического правового государства и гражданского общества. При этом в условиях глобализации тех или иных культурных цивилизаций и ускорения информационного обмена в мировом сообществе, особую актуальность приобретает сохранение приверженности народа к духовно-нравственным корням и самобытности, на которые основывается система общественных отношений, регулируемых посредством нормативно-правовых актов.

По данному вопросу Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов отметил, что «Процессы государственного строительства, экономического развития должны находиться в полной гармонии с духовным совершенствованием, высокой нравственностью.... На этом мы строим нашу политику и будем ее последовательно осуществлять»<sup>1</sup>.

В настоящее время в правовой доктрине и практике нормотворчества значительно возрастает интерес к проблемам эффективности нормативных правовых актов, междисциплинарного исследования состояния правового регулирования, поиску оптимальных инструментов оценки качества нормативно-правовых актов, преодоления нормотворческих ошибок.

Реформирование различных сфер общественных отношений, необходимость обеспечения единства правового пространства, с одной стороны, обуславливает особую роль нормотворческих решений, но, с другой стороны, требует их соответствия определенным нравственным критериям. Поскольку в условиях формирования правового государства и гражданского общества, главной составляющей ориентированности законодательства должна оставаться необходимость обеспечения ценностей общественного блага и гуманизма как нравственного принципа.

По мнению Ш.Б. Билалхужаевой проблемы взаимодействия морали и права становятся особенно актуальными в современных условиях, когда формируется и развивается законодательная

база независимого Узбекистана. Предстоит определить, как исторически сложившиеся моральные нормы влияют на формирование законов; и с другой стороны, способны ли законы сформировать моральный облик личности, адекватный потребностям правового государства<sup>2</sup>.

Как отмечает А.Х. Саидов: «Республика Узбекистан воплощает в себе опыт государственности, начиная с античной Согдианы и Хорезма, государств Саманидов, Хорезмшахов, Тимура и Тимуридов, весь исторический опыт нашего древнего народа и его вековую мечту о своем государстве»<sup>3</sup>. Именно поэтому мы еще раз должны указать на то, что нравственные аспекты имеют важное значение во всех элементах правовой системы независимого Узбекистана, и это, главное, что должно определять качественную специфику законодательства нашей страны и особенности правоприменения.

Необходимо отметить, что в любом обществе осуществляется тесное взаимодействие нравственных и правовых норм. Многие правовые предписания исторически возникли на основе нравственных представлений и правил. Последние, вырабатываемые в русле духовно-культурных традиций, приводят к необходимости конкретизации правовых норм (выработке тех или иных законов). Нравственные нормы, не будучи всеобщими и институциональными, в то же время способствуют осознанию необходимости институциональных (правовых) норм. Одним словом, нравственность направлена к улучшению законодательства и практики его реализации, без нравственных критериев невозможно совершенствование правовых основ государственной и общественной жизни.

Несмотря на то, что многие нормы и принципы законодательства органически включают в себя нравственные ценности, соответствующие как национальным, так и общемировым стандартам, взаимоотношения права и нравственности еще далеки от идеальных. «Вершин нравственности еще ни одному обществу достичь не удавалось, равно как и право, никогда не выражало всей полноты моральных императивов»<sup>4</sup>. Вместе с тем, принятие нормативно-правовых актов, нравственных по своей сути еще недостаточная мера, необходима соответствующая правореализация, которая тоже должна основываться на нравственных принципах.

Ведь, когда говорится о свободе личности, то обязательно подразумевается нравственный императив и самоограничение. Считаем, что не надо опасаться «смещения» права с моралью, подмены права моралью, и обязательно предъявлять законодательству нравственные требования.

Но, как верно подмечено, право не может быть исключительно возведенным в закон добром, а его реализация только благим делом<sup>5</sup>. Кроме того, не все правовые нормы нравственны по своему содержанию.

Несмотря на противоборство между моралью и правом, правовая норма живет только благодаря ее моральному, нравственному содержанию, как только это содержание исчезает, правовая норма перестает существовать де-факто. Именно этим объясняется наличие «пустых» законов. Поэтому право заинтересовано в сохранении морального климата, нравственных ценностей, которые его питают.

В процессе законотворчества, формулируя ту или иную норму права, необходимо учитывать данное обстоятельство и стремиться к тому, чтобы не нарушался баланс нравственного и правового регулирования общественных отношений. В этой связи Б.С. Волков писал: «Нравственные начала находят свое выражение в определении задач... законодательства, в построении основных институтов... права и обуславливает содержание и направление ... политики государства и средства её реализации»<sup>6</sup>.

Вместе с тем, с различной быстротой реагируя на изменения, происходящие в жизни общества, мораль и право на определенных этапах своего развития могут вступить друг с другом в противоречия. Это объясняется целым рядом объективных и субъективных причин, в том числе и тем, что право, ввиду большей стабильности, в какой-то мере отстает в своем развитии от нравственного сознания. Непрерывное развитие морали и скачкообразное развитие права, нередко длительная процедура подготовки и принятия закона создают условия для опережения правового сознания нравственным и возможных противоречий, приводящих к коллизиям правовых и моральных требований.

Поэтому вся сфера действия права должна быть «пространством нравственности». Несвершенство законодательства, правоприменительной деятельности, нарушение законности и правопорядка неизбежно влекут за собой дисфункции в сфере нравственного сознания и нравственных отношений, и, подрывая уважение к праву, оборачиваются большими нравственными потерями<sup>7</sup>.

Учитывая важность и особую значимость нормативно-правовых актов, а также с целью определения их понятий, видов, соотношения друг с другом, установления основных требований, предъявляемых к порядку их подготовки и содержанию, а также обеспечения организации их исполнения был принят Закон Республики Узбеки-

тан «О нормативно-правовых актах»<sup>8</sup>.

Согласно ст. 21 закона «Проект нормативно-правового акта подлежит **обязательной правовой экспертизе**. Проект нормативно-правового акта по решению разработчика или органа, принимающего нормативно-правовой акт, может быть подвергнут экономической, финансовой, научной, экологической, а также **иным видам** экспертиз». Как видно из положений данной статьи, проект нормативно-правового акта может быть, по решению разработчика или органа, принимающего нормативно-правовой акт, подвергнут к различным видам экспертиз, в т.ч. и нравственной.

Из приведенного списка различных видов экспертиз проектов нормативно-правовых актов обязательной является проведение лишь правовой экспертизы. Исходя из того, что право не может развиваться вне нравственных категорий гуманизма и социальной справедливости, добра, свободы, совести, чести и достоинства, закрепляет не только юридические, но и нравственные ценности и тем самым способствует их утверждению в реальных общественных отношениях.

Еще в древности, римскими юристами был сформулирован постулат, гласящий: «Право рекомендует то, что одобрено обычаем», то есть продиктовано нравственностью. Соответственно, можно предположить, что проекты нормативно-правовых актов должны подлежать не только обязательной правовой экспертизе, но также они должны пройти и обязательную нравственную экспертизу.

Следует отметить, что в настоящее время накоплен определенный опыт проведения различных видов экспертиз проектов нормативно-правовых актов министерствами и ведомствами, а также различными аналитическими и научно-исследовательскими центрами. Однако на практике пока очень редко проводятся нравственные экспертизы законопроектов, несмотря на то, как было отмечено выше, что каждый проект нормативно-правового акта должен соответствовать нравственным нормам и принципам, т.е. нельзя допустить, чтобы он был принят без нравственных оценок, этической обоснованности.

Данная ситуация объясняется тем, что выбор по проведению подобного вида экспертизы осуществляется на усмотрение самого разработчика или органа, принимающего нормативно-правовой акт, которые может прийти к мнению о необходимости ее проведения, вследствие чего могут остаться без внимания и неучтенными требования нравственных норм и принципов.

При этом уровень и качество нравственной

экспертизы зависит от того, насколько она выверена «духом и буквой» нравственности, насколько учитывает духовно-нравственные ценности и национально-культурную самобытность общества. Данное показание в значительной степени и определит соответствие или несоответствие законодательства нормам и принципам нравственности. Считаем, что в ближайшей перспективе будет оставаться актуальной задача по созданию и внедрению единой системы обязательного проведения нравственной экспертизы проектов нормативно-правовых актов, также разработать методологию ее проведения.

По сути, нравственная экспертиза проектов нормативно-правовых актов предполагает обладание специальными философско-социологическими познаниями, позволяющими оценить соответствие содержание проектов законопроектов нормам нравственности и базовым ценностям, а также изложенным в Преамбуле Конституции Республики Узбекистан положениям о соответствии международным стандартам по правам и свободам личности.

В проекты нормативно-правовых актов должны быть включены такие нравственные императивы как справедливость, доброта и верность, свобода, равенство, патриотизм и благородство, ответственность перед настоящим и будущим поколениями, взаимоуважение и воспитанность, приверженность к семейным традициям, соответствие современным тенденциям построения правового государства и гражданского общества.

Для чего, необходимо создать Комиссию из представителей научных кругов, занимающихся вопросами обеспечения правовой защиты личности, культурных деятелей, представителей неправительственных организаций и органов исполнительной власти, занимающихся вопросами нравственно-культурного развития, а также законодателей. Считаем, что деятельность Комиссии целесообразно организовать при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, которая должна проводить обязательную нравственную экспертизу всех поступивших законопроектов на предмет соответствия их существующим в обществе и государстве нравственным нормам и принципам.

Помимо этого, с целью эффективной организации процесса организации и проведения нравственной экспертизы проектов нормативно-правовых актов, считаем целесообразным осуществление следующих мероприятий:

- принять отдельный закон, регламентирующий вопросы осуществления нравственной экспертизы, где должны быть определены принципы,

субъекты, основания и порядок проведения подобной экспертизы, права и обязанности эксперта, требования к экспертному заключению и т.д.;

- в качестве субъектов проведения нравственной экспертизы установить государственные учреждения, неправительственные организации и различные научно-исследовательские центры, занимающиеся вопросами сохранения и развития нравственности и духовности, культуры и просветительства, а также ученые в области философских, исторических и социологических наук;

- каждый субъект осуществления нравственной экспертизы должен иметь свой локальный нормативно-правовой акт в виде методики проведения нравственной экспертизы, что позволить

выработать единый подход к ее проведению.

На основании вышесказанного можно отметить, что несовершенство законодательства и правоприменительной деятельности неизбежно влекут за собой негативные последствия в сфере нравственного сознания и нравственных отношений и, подрывая уважение к законам, оборачиваются большими нравственными потерями. Поэтому постоянный учет уровня и состояния нравственного сознания является важным фактором повышения эффективности действия законодательства, а также обеспечения и упрочения законности, чего можно достичь введением обязательного порядка проведения нравственной экспертизы как действующих, так и разрабатываемых нормативно-правовых актов.



<sup>1</sup> Каримов И.А. Родина священна для каждого. Т.3. — Ташкент: Ўзбекистон, 1995. — С.295.

<sup>2</sup> Билалхужаева Ш.Б. Проблемы взаимодействия морали и права в условиях формирования гражданского общества в Узбекистане. — Ташкент: ТГЮИ, 2005. — С. 14.

<sup>3</sup> Саидов А.Х. Мустақиллик Қомуси. — Тошкент: Адолат, 1993. — С. 6.

<sup>4</sup> Цебулевская О.И. Нравственные основания современного российского права. Право и политика. 2004. — №4. — С. 15-23.

<sup>5</sup> Малиновский А.А. Злоупотребление правом: теоретические аспекты. Журнал российского права. 1998. — №7. — С. 70-75.

<sup>6</sup> Волков Б.С. Нравственные начала в назначении наказания // Правоведение. 2000. — №1. — С. 121.

<sup>7</sup> Лукашева Е.А. Право, мораль, личность. — М.: Наука, 1986. — С. 4.

<sup>8</sup> «Собрание законодательства Республики Узбекистан», 2012 г., N 52, ст. 583.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ Қ А Р О Р И

## СУД ҲУКМИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, одил судловни амалга оширишда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, суд ҳукмлари сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарор қилади:

1. Суд ҳукми, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ёки бошқа таъсир чораси қўлланилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги ҳақидаги жиноят суд иш юритувининг асосий вазифаларини ҳал этадиган, суд муҳокамасига яқун ясайдиган Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган одил судловнинг муҳим ҳужжатидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларациясининг 11-моддаси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг 14-моддаси ҳамда ЖПКнинг 23-моддасига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

2. Судлар ҳукм чиқаришда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ЖПКда белгиланган суднинг ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлиши, фақат судлар томонидан, ошкоралик, жиноят ишларини ҳайъатда ва яқка тартибда кўриб чиқилиши, судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда ва таржимон ёрдамидан фойдаланишини таъминлаш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши, айбсизлик презумпцияси асосида чиқарилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қиладилар. Ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукмни қонуний эмас деб топишга асос бўлади.

3. ЖПКнинг 465-моддасига мувофиқ судда иш қайси тилда кўрилган бўлса, ҳукм шу тилда, аниқ ва тушунарли ибораларда баён қилинади. Ҳукмда ноаниқ ибораларни ишлатиш, расмий ҳужжатларда ишлатиш қабул қилинмаган қисқартмалар ва сўзларни қўллашга, шунингдек ишга оид бўлмаган ҳолатларни ёритиш билан ҳукмни ортикча тўлдиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳукм барча ҳолларда ошкора эълон қилинишини ҳисобга олган ҳолда, суд уни тузаётган вақтда қурол, гиёҳвандлик воситалари ва портловчи моддаларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган жиноятни содир этиш усулларини батафсил ёритувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ибораларни ишлатмаслиги лозим.

Ҳукмга киритилган барча тузатишлар ҳукм эълон қилинишидан олдин изоҳланиши ва изоҳлар суд таркибининг барчаси томонидан имзоланиши лозим.

4. Иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Далиллар мақбуллиги нуқтаи назаридан баҳоланишида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қароридан назарда тутилган тушунтиришларга амал қилиниши лозим.

Далилларни баҳолаш жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади. Судланувчининг айбдорлиги (айбсизлиги) тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нафақат кўрсатилиши балки, суд томонидан нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган бўлиши лозим.

Ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини ёритиши ва тегишли баҳо бериши лозим.

Агар иш бўйича жиноят содир қилганликда бир нечта судланувчилар айбланаётган ёки судланувчи бир нечта жиноятларни содир қилганликда айбланаётган бўлса, суд ҳукмда ҳар бир судланувчига нисбатан ҳамда ҳар бир айблов бўйича далиллар келтирилиши ва таҳлил қилиб чиқиши ҳамда хулоса қилиши зарур.

5. Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат

қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин.

Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмида, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин.

ЖПКнинг 104-моддасига мувофиқ, сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқда берган кўрсатувлари фақат унинг ҳозирги сўроққа берган кўрсатувлари тинглангандан кейин, шунингдек ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатувлар ўртасида жиддий қарам-қаршиликлар бўлганда; сўроқ қилинувчи судда кўрсатув беришдан бош тортганда; иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқиладиган ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин.

6. Судларга тушунтирилсинки, қонунга зид равишда олинган барча далиллар юридик кучга эга бўлмаслиги ва ҳукмида акс эттирилиши, қолаверса ҳукмига асос қилиб олиниши мумкин эмас. Қонунга зид равишда олинган далилларга тергов олиб боришнинг ноқонуний (руҳий ва жисмоний куч ишлатиш) усулларини қўллаб олинган далиллар ёки жиноят-процессуал қонунининг бошқа нормалари бузилиши (масалан, ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши) натижасида олинган далиллар киради. Далил қонунга зид равишда олинган деб топилган тақдирда, суд ишдаги далиллар йиғиндисидан уни чиқариш тўғрисидаги ўзининг қарорини, қонуннинг бузилиши нимадан иборат эканлигини кўрсатган ҳолда, асосланганлиги лозим.

Далилни қонунга зид равишда олинган деб баҳоланганда, суд ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи асосида, далилнинг мақбуллиги ва ҳолислиги тўғрисидаги ҳар қандай шубҳа, агар уни бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлигидан келиб чиқиши керак. Бартараф қилишнинг имкони бўлмаган шубҳалар судланувчининг тўлиқ айби ёки айбловнинг алоҳида эпизодлари бўйича ҳам топилиши мумкин.

Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асосланган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади, бу ЖПКнинг 464-моддаси мазмунидан келиб чиқади. Агарда шахннинг айбдорлиги ҳақидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони бўлса, суд уни бартараф этиш чораларни кўради, агарда ЖПКнинг 419-моддасида назарда тутилган асослар бўлса ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтаради.

7. ЖПКнинг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкин. ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпция-

си принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилган.

Шу билан бирга, судлар ҳукм муайян иш бўйича чиқариладиган яқуний процессуал ҳужжат эканлигини ва муайян бир шахсни жиноят содир этишда айблилигини ёки айбсизлигини белгиловчи ҳолат эканлигини фарқлашлари лозим.

Шу сабабли, судларга тушунтирилсинки, ҳар бир иш бўйича суд муҳокамасида судланувчиларнинг сонидан қатъий назар битта ҳукм чиқарилади. Агар судланувчига бир неча жиноят содир қилганликда айб эълон қилинган бўлса, суд, бунга асослар мавжуд бўлганда, унга нисбатан битта ҳукм чиқариб, айбловнинг айрим эпизодлари бўйича судланувчини оқлаши, бошқаси билан айбли деб топиши мумкин.

Бир неча шахсларга нисбатан иш кўришда суд, аниқланган ҳолатларга кўра, битта ҳукм билан барча судланувчиларни айбдор деб топиши ёки бири-ни оқлаши ва бошқаларини айбли деб топиши мумкин.

8. Судлар оқлов ҳукмини чиқаришга олиб келувчи, жиноий ҳодисанинг ёки жиноят таркибининг бўлмаслиги, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор эмаслиги тўғрисидаги асослар рўйхати ЖПКнинг 464-моддасида тўлиқ кўр сотилганлигини эътиборга олишлари лозим.

Оқлов ҳукми чиқариладиганда, унинг тавсиф қисмида ЖПКнинг 469-моддасига биноан судланувчига қўйилган айбловнинг моҳияти; суд аниқлаган иш ҳолатлари, судланувчининг айбсизлиги тўғрисидаги суд хулосасини тасдиқловчи далиллар; судланувчининг жиноят содир этишда айби бор деб даъво қилишга асос бўлган далилларни суд нима учун ишонarli эмас ёки етарли эмас деб ҳисоблаши ёки нима учун суд жиноий ҳодисанинг ўзи юз бермаган ёхуд судланувчи содир этган қилмишни жиноят эмас деб ҳисоблаши; фуқаровий даъвога оид қарорнинг асослари баён қилинади.

Оқлов ҳукмига оқланганнинг айбдор эмаслигига шубҳа туғдирувчи ибораларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

Башарти ЖПКнинг бир ёки бир неча моддалари (моддалар қисмлари, бандлари) билан тавсифланган бир неча жиноятларни содир этганликда айбланган шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳар бир модда (модданинг қисми, банди, айблов эпизоди) бўйича оқлашнинг тегишли асосларини кўрсатиб, айбловнинг асоссиз эканлиги тўғрисида асослар келтирилган ҳолда хулосани тузиши лозим.

Ҳукмининг қарор қисмида ЖПК 470-моддасида санаб ўтилган барча кўрсатмалар тўлигича ёритилиши лозим.

9. Жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли оқлов ҳукми (ЖПК 83-модда 1-банди) агарда судланувчи содир этганликда айбланаётган қилмиш судланувчи томонидан содир этилмаган бўлса, ёхуд назарда тутилган оқибат зиён етказилган шахс томонидан ёки кимнинг хоҳиш истаги ва ихтиёридан бўлишидан қатъий назар, масалан, табиатнинг таъсир кучи натижасида содир этилса чиқарилади.

Қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли (ЖПК 83-модда 2-банди) оқлов ҳукми чиқарилади, агар:

жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлиги тўғрисида ижтимоий хавфли бўлмаса (ЖК 36-модда);

қилмиш зарурий муҳофаа ёки охири зарурат ҳолатида содир этилган бўлса (ЖК 37, 38-модда);

қилмиш судланувчи томонидан содир этилган бўлсада, бироқ Жиноят қонуни билан жиноят деб топилмайди (зарар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида етказилса (ЖК 39-модда), буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш (ЖК 40-модда), касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (ЖК 41-модда);

шахс жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганда (ЖК 26-модда) ва х. к.

Агар ижтимоий хавфли қилмиш факти ва оқибатининг келиб чиққанлиги аниқланган бўлиб, бироқ суд муҳокамасида тақдим қилинган ва текширилган далиллар билан унинг судланувчи томонидан содир этилганлиги инкор этилса ёки ўз тасдиғини топмаса, суд шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаради (ЖПК 83-модда 3-банди).

10. Судлар ҳукм чиқаришда ҳукмнинг фуқаровий даъво қисмини ЖПК 468, 470-моддалари талабларига сўзсиз риоя қилган ҳолда ҳал қилишлари лозим. Ушбу талабларни эътиборга олиб, суд ҳукмда даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад қилиш сабабларини асослантириши, даъвогар талаблари қаноатлантирилган тегишли миқдорини кўрсатиши ва фуқаровий даъво қайси қонунга асосан ҳал қилинганлигини кўрсатиши лозим. Бир неча судланувчиларга нисбатан келтирилган фуқаровий даъво қаноатлантирилганда, ҳукмда ундирилган пул суммасининг қанча қисми улардан солинар ва қанча қисми улуш тартибида аниқ кўрсатилиши лозим.

Судларнинг эътибори шунга қаратилиши лозимки, ЖПК 471-моддасининг 1-бандига асосан айблов ҳукмини чиқаришда, судлар иш бўйича келтирилган фуқаровий даъво масаласини ҳал қилишлари лозим. Фақатгина суд фуқаровий даъво билан боғлиқ кўшимча ҳисоб-китоб талаб қилиб, уни суд мажлисида бартараф этишнинг имконияти бўлмаса ва бу суд қароридаги жиноят квалификацияси, жазо меъёри (чораси) ва ҳукмда чиқаришда юзага келадиган бошқа масалаларга таъсир қилмаганда, суд фуқаровий даъвонинг ундириладиган миқдори масаласи фуқаролик иш юритуви тартибида ҳал қилинишини тушунтириши лозим.

Фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили суд мажлисига келмаган тақдирда, фуқаровий даъво кўрилмасдан қолдирилиши мумкин, ЖПК 413-моддасининг 2, 3-қисмларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ёки шахснинг жиноят содир этилишига дахлдор бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилаётганда суд фуқаровий даъвони қаноатлантиришни рад қилади. Судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги тўғрисида оқлов ҳукми чиқарилганда, суд даъвонинг исботланиш даражасини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёхуд қаноатлантиришни рад этади.

Фуқаровий даъвони қаноатлантирилиши ёки рад этилиши юзасидан суднинг қарори асослантирилиши лозим.

11. Суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқараётганда, ЖПК 457-моддаси талабларига мувофиқ, қуйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим: судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми; бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у ЖКнинг қайси моддасида назарда тутилган; бу қилмишни судланувчи содир этганми; судланувчи жиноят содир этилишида айблими; фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми; фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак; ашёвий далилларни нима қилиш керак; процесс чиқимларини қимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак; судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурулов чорасини бекор қилиш керакми.

Бундан ташқари, суд айблов ҳукми чиқаришда судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми; судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми; судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми; судланувчини ЖКнинг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми; озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми; фуқаровий даъво кўзғатилмаган бўлса, жиноят тўғрисида келтирилган мулкий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимми; судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш зарурлиги масалаларини белгилаши лозим.

ЖПКнинг 457-моддасида назарда тутилган масалаларни суд ҳар бир судланувчига ва ҳар бир жиноятга нисбатан унга эълон қилинган айб бўйича алоҳида-алоҳида ҳал қилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари экспертнинг тегишли ҳулосаси мавжуд бўлгандагина қўлланилиши мумкин.

ЖПК 533-моддасининг биринчи қисми 1-4-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд ҳукмнинг ижросини қонунда белгиланган тартибда кечиктириш масаласини муҳокама қилиши шарт.

Судларга тушунтирилсинки, ЖПКнинг 563-моддасига мувофиқ, вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

12. Ҳукмнинг кириш, тавсиф ва қарор қисмларининг мазмуни бўйича қонун талабларига риоя қилиш қонуний суд қарори чиқарилишининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Агар иш бўйича суд муҳокамаси турли жойларда ўтказилган бўлса, бундай ҳолда ҳукмнинг кириш қисмида иш сайёр суд мажлисида кўрилгани ва ҳукм чиқарилган жой акс эттирилади. Бунда ҳукм чиқа-

рилган жой деб, ҳукм эълон қилинган жойни кўрсатиши лозим.

13. Ҳукмнинг кириш қисмида, шунингдек, ҳукми чиқарган суднинг номи, суднинг таркиби, суд мажлисининг котиби, тарафлар, таржимон кўрсатилди.

ЖПК 407-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, захирадаги халқ маслаҳатчиси ишни муҳокама қилиш бошланган пайтдан эътиборан суд мажлиси залида ҳозир бўлганлиги ҳақидаги маълумот суд таркиби билан бирга эълон қилиниши лозим.

Башарти ишни муҳокама қилиш вақтида, халқ маслаҳатчиси суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда захирадаги халқ маслаҳатчиси унинг ўрнини эгаллайди ва ҳукмнинг кириш қисмида ҳукм чиқарган суд таркиби кўрсатилади. Захирадаги халқ маслаҳатчисининг суд муҳокамасидаги иштироки ва алмаштирилганлиги суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

ЖПК 25-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Шундан келиб чиқиб, агар суд муҳокамасида бир вақтнинг ўзида ёки ўзаро алмашиб бир неча суд мажлиси котиблари, давлат айбловчилари, ҳимоячилар ёки бошқа процесс иштирокчилари иштирок этганда, уларнинг барчаси ҳукмнинг кириш қисмида кўрсатилади.

14. Ҳар бир процесс иштирокчиси ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга эканлиги эътиборга олиниб, ҳукмнинг кириш қисмида ЖПКнинг тегишли моддаларига мувофиқ, уларнинг процессуал мақомини тўғри кўрсатиш лозим.

Ҳукмнинг кириш қисмида ҳимоячилар ва вакилларни кўрсатишда, улар кимнинг манфаатларини ҳимоя қилаётганлари ёки ифодалаётгани ҳам кўрсатилиши лозим.

15. Судларга тушунтирилсинки, ЖПКнинг 466-моддасига биноан ҳукмнинг кириш қисмида кўрсатилиши зарур бўлган судланувчи хусусидаги иш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар деганда, қилмишни квалификация қилишда, жазодан озод қилишда ёки шартли ҳукм қилишда, жазо тури ва миқдорини тайинлашда, жазони ўташ турини аниқлашда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишда инobatга олиниши мумкин бўлган маълумотлар тушунилиши лозим. Булар қаторида судланувчи саломатлигининг аҳволи тўғрисидаги (масалан, ногиронлик), унда давлат мукофотлари, махсус унвонларнинг борлиги ҳақидаги ва бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга, қайд этилган ҳолатлар мавжуд бўлмаганда уларнинг йўқлиги ҳақида ҳукмнинг кириш қисмида кўрсатилмайди.

Шахснинг муқаддам судланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, судлар ҳукмнинг кириш қисмида ҳар бир судланганлик юзасидан тўлиқ маълумотларни, жумладан: ҳукм чиқарилган аниқ санани,

ҳукм чиқарган суднинг номини, шахс айбли деб топилган ЖКнинг моддаси, қисми, банди ва суд томонидан тайинланган жазони, ҳукмнинг юқори суд инстанцияларида ўзгартирилишини, жазо ижро этилган ёки тўлиқ ўталган ёхуд жазодан озод этилган санани, жазодан озод қилиш асосини, агар шахсга амнистия актлари қўлланилган бўлса, қўлланилган санаси, суднинг номи, қўлланилган амнистия актининг санаси ва бандини кўрсатиши шарт.

Агар шахснинг қонунда белгиланган тартибда муқаддам судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган бўлса, суд ҳукмнинг кириш қисмида қачон ва қайси суд томонидан судланганлик ҳолати олиб ташланганлиги ёки қайси асосларда судланганлик ҳолати тугалланганлиги кўрсатиши керак.

Судлар шуни эътиборга олиши лозимки, ЖКнинг 77-моддасига мувофиқ судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

ЖК 77-моддасининг 5-қисмига асосан, қонуннинг ўзгариши муносабати билан жиноийлиги бекор қилинган қилмиш учун судланган шахс судланмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолда, суд ҳукмнинг тавсиф қисмида шахсни судланмаган деб ҳисоблаш ҳақидаги ўзининг хулосаларини асослаши шарт.

16. ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзга келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади.

ЖПКнинг 117-моддасига биноан гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар. Шунинг учун ҳам суд, уларнинг суддаги ёки дастлабки терговдаги кўрсатувларига, мазкур иш бўйича дастлабки тергов босқичида ва судда ушбу шахсларга гувоҳлик кўрсатувлари беришдан бош тортиш ҳуқуқи тушунтирилган ва улар ўз хоҳишлари билан кўрсатув беришга розилик билдирган тақдирдагина асосланиши мумкин.

17. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 31-моддасининг 3-қисми, 240-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик, гувоҳлик кўрсативи беришни рад этганлик ёки бундан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка тортилмайди. Қонун қайд этилган шахсларни ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликдан озод этмаслиги сабабли, ўзларининг кўрсатув беришга розилиги мавжуд бўлганида, улар ЖКнинг 238-моддаси билан била туриб

ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши лозим.

18. ЖПКнинг 17-моддаси талабига биноан суд ҳукм чиқаришда шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш принципига амал қилиши, шу сабабли унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ёки унга маънавий азоб-уқубат етказадиган маълумотларни одоб билан, агарда бундай маълумотлар ишдаги далилларга оид бўлса, ҳукмда кўрсатиши лозим.

Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, ёпиқ суд мажлисида кўрилган ишлар юзасидан хусусий ажрим чиқарилиб жамоатчиликка ошкор қилиниши тақиқланиши судларга тушунтирилсин.

19. Судларга тушунтирилсинки, ЖПК 467-моддаси мазмунига кўра, суд ҳукмнинг тавсиф қисмида ушбу ишда муҳокама қилинмаётган шахс (шахслар)нинг жиноятдаги иштирокини кўрсатишга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда ҳукмда судланувчи томонидан жиноят бошқа шахс (шахслар) иштирокида, унинг исми, фамилияси ва шахсига оид бошқа маълумотлар кўрсатилмасдан, содир этилганлиги қайд қилиб ўтилиши мумкин.

Бу хилдаги хатога йўл қўйилганда, бундан кейин бундай жиноят қатнашчисига нисбатан ишни кўраётган суд ҳукм чиқаришда, биринчи ҳукмни айбдорликни тасдиқловчи далил сифатида келтиришга ҳақли эмас.

20. ЖПК 467-моддасига мувофиқ, агар жиноят олдиндан тил бириктирилган ҳолда бир гуруҳ шахслар томонидан ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида ҳар бир жиноят иштирокчиси томонидан айнан қандай жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Шу билан бирга, суд ҳукмида ҳар бир судланувчининг бир хилдаги ҳаракатлари қайта такрорланмаслиги, аммо уларнинг умумий ҳаракатлари қайд этишда ҳар бирининг роли конкретлаштирилган ҳолда баён қилиниши лозим.

21. Айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши керак; шу билан бирга, ҳукмда судланувчининг айбини исботлашга, жиноятнинг квалификациясига ёки жазо тайинлашга алоқадор бўлган кўрсатувларига акс эттирилиши лозим.

Судланувчи томонидан ўзининг суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатувларини ўзгартирган тақдирда суд унинг бу ва бошқа кўрсатмаларини батафсил текшириши ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозим.

22. Айбни исботлаш ЖПКнинг 86-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга юкланганлиги сабабли, судланувчининг кўрсатув беришдан бош тортиши унинг айбини исбот қилинганлиги белгиламайди ва унга нисбатан жазо турини ва миқдорини белгилашда унинг шахсини салбий томондан тавсифлаш ҳолати сифатида ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Шу сабабли, айбланувчининг дастлабки терговда ва судда берган кўрсатмаларини ўзгартириши ёки судда берган кўрсатувларини нотўғри деб ҳисоб-

ланиши шахсни салбий томондан тавсифлаш ҳолати деб ҳисобга олиниши мумкин эмас.

23. Иш бўйича айблов ҳукми чиқарилаётганда, ушбу иш бўйича чиқарилган биринчи ҳукм тайинланган жазо енгиллиги ёки оғирроқ жиноят тўғрисида қонунни қўллаш зарурлиги сабабли бекор қилинган бўлса, суд ЖПКнинг 414-моддасига биноан ҳукмнинг тавсиф қисмида судланувчининг айблилигини аввалги суд муҳокамасида текширилган далилларга таянган ҳолда, жиноятни тавсифлашга ва жазо чораларига боғлиқ бўлган ўзининг хулосаларини асослантиради.

24. Жиноятни Жиноят қонунининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланади. Бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши керак. Суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли (масалан, жиддий зиён, оғир оқибатлар ва ҳ.к.) белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шарт.

ЖПКнинг 467-моддасига биноан айбловнинг ўзгартирилиши суд томонидан ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирилган бўлиши керак.

ЖПК 415-моддасига биноан суд айбловни ўзгартиришга ва судланувчининг ҳаракатини қонуннинг бошқа моддасига ёки қонун моддасининг бошқа қисми, бандига қайта тавсифлашга, шунингдек жиноятнинг айрим эпизодларини, агар судланувчи қонуннинг янги моддаси билан тавсифланаётган ҳаракатлари унинг айбига кирган бўлиб, эълон қилинган айбловга нисбатан фактик ҳолатлари билан жиддий фарқ қилмаган ва оғирроқ жиноят белгилари бўлмаган тақдирдагина, судланувчига айб эълон қилинмаган қонун моддаси билан тавсифлашга ҳақли.

Оғирроқ айблов деганда ЖКнинг оғирроқ жазо чорасини кўзловчи бошқа нормаси (ЖК ушбу моддасининг қисми ва банди) татбиқ этилишини, бу эса нафақат асосий, балки қўшимча жазо ҳам тегишли эканлигини судлар эътиборга олишлари керак. Жиноятнинг тавсифини оғирроқ жазо турини назарда тутувчи қонунни ўзгартиришга олиб келувчи ёки содир этилган ҳаракатнинг тавсифини ўзгартирмасдан фактик айблов миқдорини кўпайтирувчи, айбланувчига қўйилмаган қўшимча эпизодларни ўз ичига олувчи айблов ҳам оғирроқ айблов ҳисобланади.

Шу билан бирга, ЖПК 490-моддасининг 5-қисми мазмунига кўра, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтириш, агар жиноят квалификациясига таъсир этмаса, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган ҳолат ҳисобланмайди. Шу сабабли, суд ҳукм чиқаришда етказилган зарар суммасини ўзгартиришга ҳақли, башарти бунда эълон қилинган эпизодлар бўйича айблов ҳажмини ва жиноят квалификациясини маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўзгартиришга олиб келмаса.

Айбловнинг ҳақиқий ҳолатлари ўзгартирилиши деб, айблов ифодаси ўзгариб, унга илгари эълон қилинган жиноятдан объекти, айб формаси ва бош-

қа белгилари билан фарқ қилувчи бошқа қилмиш ёки жиноят қўшилганда айбловнинг илгари эълон қилинган айбловдан жиддий фарқланиши тушунилмоғи керак.

Бундан келиб чиқиб, масалан, суд айбдорнинг ҳаракатини ЖК 104-моддаси 2-қисмининг бир бандидан иккинчи бандига, агарда бу айблов мазмуни, шунингдек жиноят мотивини жиддий ўзгаришига олиб келса, жиноят ишини қайта терговга юбормасдан туриб ўзгартиришга ҳақли эмас.

25. Суд судланувчига аввал эълон қилинган айбни ЖКнинг тегишли моддасига, яъни жабрланувчининг шикоятига асосан кўзғатиладиган жиноят ишлар бўйича (ЖК 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида, 167, 170, 172, 173-моддалари) ўзгарганда, шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи жиноят ишида жабрланувчининг аризаси мавжудлиги ёки суд мажлисида берган судланувчини жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақидаги ариза ҳамда оғзаки кўргазмаси асосида ҳал этилади.

Жиноят ишида жабрланувчининг шикояти мавжуд бўлмаса, суд мажлисида жабрланувчидан судланувчини жиноий жавобгарликка тортилишини истак-хоҳишини аниқлаштириши лозим. Агарда жабрланувчи судланувчини жиноий жавобгарликка тортилишини хоҳламаса, шунингдек, жиноят ишида шикоят мавжуд бўлиб, жабрланувчи судланувчи билан ярашганлиги тўғрисида маълум қилса суд жиноят ишини ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 6-бандига асосан тугатади.

26. Эълон қилинган айбловнинг (айблов эпизодларининг) бир қисми судда ўз тасдиғини топмаган тақдирда, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчининг эълон қилинган айблов қисми бўйича оқлаши сабаблари келтирилади. Ҳукмнинг қарор қисмида, суд шахсни эълон қилинган айблов қисми (эпизодлари) бўйича оқлаш тўғрисидаги қарорни қонуннинг аниқ нормаларига ҳавола қилган ҳолда чиқаради. Жиноятнинг тавсифини ўзгартиришга олиб келмайдиган айрим эпизодларнинг ёки айрим оғирлаштирувчи ҳолатларга кўрсатувларнинг, шунингдек айбдорнинг шахсини салбий баҳоловчи маълумотлар айбловдан чиқариб ташланган тақдирда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида айбловнинг қисмини асослантирилмаган деб топиш тўғрисида тегишли асослар келтирган ҳолда хулоса қилиши етарлидир.

Судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда, ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирилган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарли.

27. Судлар айбга қўйилган айрим ҳаракатларнинг асослантирилмаганлигини оғирроқ жавобгар-

ликни белгилайдиган қилмишдан фарқлашлари лозим. Чунончи, ЖК 33-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, агар шахс содир этган қилмишда ЖК Махсус қисми айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади. Бироқ, агар иш материалларида айбловнинг шу эпизоди бўйича жиноий ҳодиса юз берганлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлганлиги ва унинг содир этилган жиноятга дахли бўлганлиги ўз тасдиғини топган бўлса, бундай ҳолатда суд айбловдан ЖК моддасида енгилроқ жазо назарда тутилган қисмини чиқаришни белгиламай, ҳукмнинг тавсиф қисмида судланувчини жавобгарликка тортишга асос бўлган ЖК моддасининг оғирроқ жазо белгиланган қисми билан модданинг бошқа қисмларида назарда тутилган барча квалификация қилувчи аломатларини кўрсатиб, жавобгарликка тортилишини асослантириб бериши лозим.

28. Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғирроқ риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин.

Ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак. Булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозим.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонунни қўллаётиб, судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли Қароридеги тушунтиришларга амал қилишлари ва ҳукмининг тавсиф қисмида суд томонидан у ёки бу жазони тайинлаш ҳақидаги хулосага келганлик асосларини кўрсатишлари, шунингдек ушбу жиноят учун жиноят қонунинида кўрсатилган жазодан ҳам камроқ жазо тайинлаш, қўшимча жазони татбиқ этиш, ҳарбий ҳамда махсус унвондан маҳрум қилиш асосларини кўрсатишлари зарур.

ЖКнинг 56-моддасида санаб ўтилган жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар рўйхати қатъий бўлиб, кенгайтирилган талқинга йўл қўйилмайди, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар эса суд томонидан аниқ иш ҳолатларидан келиб чиқиб ҳукмининг тавсиф қис-

мида асослар келтирилган ҳолда кенгайтирилиши мумкин. Жиноятни тавсифлаш белгилари, шунингдек шахснинг судланганлик ҳолатининг қонунда кўрсатилган тартибда тугалланиши ёки олиб ташланиши жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида келтирилмаслиги керак. Ҳукмда айбдорнинг биргина шахсини инobatга олган ҳолда жазо тайинланганлиги тўғрисида қайд этиш етарли бўлмайди.

Хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг тавсифлаш белгиси ҳисобланади ва бу ҳолат шахс дастлабки тергов органи томонидан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинаётганида кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам асослантирилган бўлиши керак.

29. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 8-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Агарда ЖК моддасининг санкциясида асосий жазо билан бирга мажбурий қўшимча жазони қўллаш кўзда тутилган бўлса, суд томонидан қўшимча жазо фақат ЖКнинг 57-моддасида кўрсатилган асослар бўйича қўлланмаслиги мумкин.

Агар ЖК моддаси санкциясида кўрсатилган асосий жазога қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса, суд ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, бошқа енгилроқ асосий жазо тайинлаган тақдирда, қўшимча жазо фақат ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда тайинланиши, суд ҳукмининг тавсиф қисмида шундай қарор қабул қилганлигини асослантириши лозим.

Шу сабабли, аниқ жиноят учун тайинланадиган асосий ва қўшимча жазолар бирга бир бутун жазони ташкил қилади. Агар қўшимча жазо ЖКнинг алоҳида моддаси билан тайинланмаган бўлса, у ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича ёки ЖКнинг 60-моддаси тартибида бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тартибида қўлланиши мумкин эмас.

Ҳукмининг тавсиф қисмида ундирилиши лозим бўлган моддий зарарни қоплаш микдори, айбдорни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, ашёвий далиллар тақдирини, фуқаровий даъво ёки етказилган зарар масаласи ёки жиноят оқибатида моддий зарар масаласини қаноатлантириш ёхуд рад қилиш ҳулосаси асослантирилган бўлиши керак.

Суд етарли асослар мавжуд бўлганда ҳукмининг тавсиф қисмида маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш ёки қўлламаслик, маҳкумни жазодан озод қилиш ёки жазо тайинламаслик, синов муддати белгиланган ҳолда шартли ҳукм қилиш, вояга етмаган маҳкумга жазо тайинламасдан бошқа мажбурлов чоралари қўллашни муҳокама қилиши лозим.

30. Айблов ҳукмининг қарор қисмида ЖПК 468-моддасига биноан судланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, ЖКнинг уни айбли деб эътироф этишга асос бўлган моддаси (модданинг қисми, банди), судланувчининг ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги (башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса), судланувчига ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри, узил-кесил тайин-

ланган ўталиши лозим бўлган жазо чораси, озодликдан маҳрум этиш жазо тури қўлланилганда жазони ўташ лозим бўлган тегишли тартибли колония тури; судланувчи шартли равишда ҳукм қилинганда, синов муддати ва маҳкумнинг устидан кузатув олиб бориш вазифаси юклатилган жамоа ва шахс; ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган вақтни жазо муддати ҳисобига киритиш тўғрисида қарор; ҳукм қонуний кучга киргунига қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасига оид қарор; маҳкумнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар, ЖПК 533-моддаси асослари бўйича ҳукмининг ижросини кечиктириш тўғрисидаги қарор ёритилиши лозим.

Бундан ташқари ҳукмининг қарор қисмида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ жойи, жазо ва синов муддатларини ҳисоблаш, маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллашлик, қонуннинг тегишли нормаларига биноан маҳкумни жазодан озод этиш тўғрисидаги қарор кўрсатилиши зарур.

Айрим жиноятлар учун қонун моддасида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашда, ҳукмининг қарор қисмида ушбу жазо ЖКнинг тегишли моддаси (модданинг қисми, банди) билан ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда белгиланаётгани тўғрисида кўрсатиб ўтилиши керак.

Судланганга жазони ўташ колония тури жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо белгилангандан кейингина тайинланади. Агар шахс жазони ўташдан озод қилинган ёки синов муддати белгиланган ҳолда шартли ҳукм қилинган бўлса, жазони ўташ колония тури тайинланмайди.

Суд жазони шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариш пайтида, судланганга нисбатан жазони ўташ колониясини ҳам белгилайди.

31. ЖПКнинг 471-моддаси талабига кўра, айблов ҳукмининг ҳам, оқлов ҳукмининг ҳам қарор қисми судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш тўғрисидаги қарорни, қўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисидаги қарорни, ашёвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар тўғрисидаги қарорни, процессуал чиқимлар тўғрисидаги қарорни, шунингдек ҳукм устидан апелляция ва кассация шикояти бериш, протест билдириш тартиби ва муддатларини ўз ичига олиши лозим.

32. Агар ҳукм чиқаришда, башарти: мазкур ҳукм билан судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса; шахснинг ҳукм чиққунга қадар қамоқда бўлган вақти ЖКнинг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки қамоқни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлса, суд айблов ҳукмини чиқаради ва тавсиф қисмида қабул қилинган қарорни асослантиради, қарор қисмида судланувчини айбдор деб топиб, унга ЖК тегишли моддаси (моддалари) билан жазо тайинлайди, сўнгра қонунга асосланган ҳолда тайинланган жазодан озод қилади.

Агар ҳукм чиқариш пайтида, башарти: маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса; маз-

кур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса; ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса; маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса; ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса; ЖКнинг 71-моддасига мувофиқ, шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса суд жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқаради.

33. ЖКнинг 473-моддасига мувофиқ, суд ҳукми имзолаганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб чиқади ва раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиси ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилади.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, шу жумладан суд таркиби ҳам ҳукми тик туриб эшитадилар.

Агар ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукмнинг қарор қисми эълон қилингандан кейин, мазкур қисм таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилиши керак.

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради. Башарти судланувчи фавқулодда жазо чораси — умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади.

Агар суднинг суд мажлиси залига қайтиб чиқиш вақтидан илгари хабардор қилинган судланувчи ҳукми эълон қилинишига келмаса, суд ҳукмнинг қарор қисмини унинг иштирокисиз эълон қилади. Суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилгунга қадар, маҳкумни қидириш, ушлаш, уни тергов ҳибсхонасига жойлаштириш ёки ҳукм нусхасини топшириш учун судга келтириш ҳақида ЖКнинг 423-моддаси тартибида ажрим чиқаради.

34. Судларга тушунтирилиши лозимки, ЖКнинг 473-моддаси фақат ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилиш тартибини назарда тутди.

Бунда, ҳукми чиқариш, тузиш ва имзолаш тартиби ЖКнинг 454 — 460, 465, 472-моддалари талаблари асосида юритилади.

35. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг вояга етмаган болалари, кекса ота-оналари, қарамоғида бошқа шахслар бўлса ва улар қаровсиз ҳамда ёрдамсиз қолаётган бўлса, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 476-моддасига мувофиқ айблов ҳукмини чиқариш билан бир вақтда уларни қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ва муассасаларнинг васийлигига ёки ҳомийлигига топшириш, маҳкумнинг қаровсиз қолаётган мол-мулки ёки уй-жойи бўлса, уларни кўриқлаб туриш чораларини кўриш тўғрисида ажрим чиқаради. Агар ушбу масалалар айрим сабабларга кўра ҳукм чиқариш билан бир вақтда суд томонидан ҳал қилинмаган бўлса, улар суднинг тақдимномаси асосида умумий асосларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Шунингдек, судлар ушбу масалани манфаатдор тарафларнинг тақдимномаси ёки аризасига асосан ЖКнинг 541, 542-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартибида кўриб чиқиши мумкин. Бунда суд ушбу масалани шу тартибда кўрилиши лозимлигини асослантириши керак.

36. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 2-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 10-сонли қарорининг 12-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан қабул қилинган айрим қарорларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 20-сонли қарорининг 3-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан қабул қилинган айрим қарорларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 5-сонли қарорининг 13-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан қабул қилинган айрим қарорларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 17-сонли қарорининг 17-банди ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

### **Олий суд раиси**

#### **Пленум котиби в.б., Олий суд судьяси**

Тошкент ш.,  
2014 йил 23 май,  
07-сон

### **Б. МУСТАФАЕВ**

#### **О. ХАЙИТОВ**

# Хорижий адабиётларнинг шарҳи

## Дайджест зарубежной литературы

**Андрей СОЛОВЬЕВ,**  
доктор юридических наук.

### ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ВЫСШЕГО СОВЕТА МАГИСТРАТУРЫ ФРАНЦУЗСКОЙ РЕСПУБЛИКИ

Высший совет магистратуры во Франции по своей сути это конституционный орган, призванный обеспечивать независимость судебной власти, он также является и особым дисциплинарным судебным органом (дисциплинарным судом) для судей и прокуроров.

Как верно заметила Е.А.Куделич, в мировой практике органы судейского сообщества представляют собой избираемые либо назначаемые институты, обладающие полномочиями (зачастую весьма значительными) в отношении назначения, обучения, карьерного роста судей, привлечения судей к дисциплинарной ответственности, функциями по финансированию и администрированию судебной системы. В большинстве государств данные институты независимы от законодательной и исполнительной власти и рассматриваются в качестве независимых посредников между данными ветвями власти и судебной системой.

Представляется важным заметить, что именно Франция стала первым государством, учредившим такой орган — Высший совет магистратуры.

Согласно мнению Роже Эррера, в основу доктрины существования и функционирования органа судейского сообщества Французской Республики — Высшего совета магистратуры — заложены "понятие независимости судебной системы и относительно новое понятие ответственности за независимость".

Считается, что полномочия Высшего совета магистратуры могут оцениваться как некоторый "противовес" в отношении полномочий Президента Французской Республики по назначению судей и, кроме того, полномочий Министра юстиции по администрированию судебной системы Франции.

Конституционно-правовой статус Высшего совета магистратуры вытекает из ст. 64 Конституции Французской Республики, определяющей указанный орган как конституционно-правовой механизм обеспечения независимости судебной власти.

Высший совет магистратуры включает в себя два состава, один из которых полномочен в отношении судей, а второй — в отношении прокуроров.

Председателем состава Высшего совета магистратуры, полномочного в отношении судей, является первый председатель Кассационного суда. Кроме того, в него входят пять судей и один прокурор, один государственный советник, назначаемый Государственным советом, один адвокат, а также шесть компетентных специалистов, не относящихся ни к Парламенту, ни к органам судебной власти, ни к административным органам. Президент Республики, Председатель Национального собрания и Предсе-

датель Сената назначают по два компетентных лица.

Председателем состава Высшего совета магистратуры, полномочного в отношении прокуроров, является Генеральный прокурор при Кассационном суде.

Члены Высшего совета магистратуры назначают на четырехлетний срок без права немедленного продления их полномочий.

Ни один из членов Высшего совета магистратуры не имеет права в течение срока своих полномочий заниматься профессиональной деятельностью на государственной службе или выполнять функции должностного лица, в том числе — в органах судебной власти, а также занимать любую выборную должность, исполнять обязанности правозащитника или адвоката.

Во Франции Высший совет магистратуры выполняет следующие группы функций и наделен соответствующими полномочиями:

- назначение судей и продвижение их по службе;
- назначение прокуроров и продвижение их по службе;
- осуществление деятельности в качестве дисциплинарного органа;
- содействие образовательному процессу в Национальной школе магистратуры.

Состав Высшего совета магистратуры, полномочный в отношении судей, выдвигает кандидатуры на судейские должности в Кассационном суде (первого председателя, председателей судебных коллегий, советников, советников на временной службе, советников-докладчиков и аудиторов), на должности первых председателей апелляционных судов и председателей судов большой инстанции, что составляет приблизительно 400 должностей.

В каждом случае назначения судьи Кассационного суда, первого председателя апелляционного суда или председателя суда большой инстанции полномочный состав Высшего совета магистратуры после рассмотрения личных дел кандидатов и на основании доклада одного из своих членов выносит предложение о назначении, которое представляется на рассмотрение Президенту Республики.

В отношении остальных назначений судей полномочия выдвигать кандидатуры принадлежат Министру юстиции, а Высший совет магистратуры дает (после доклада, сделанного одним из членов соответствующего состава) свое заключение (положительное или отрицательное) относительно планируемого назначения, которое должно приниматься во внимание Министром юстиции.

## СОТРУДНИЧЕСТВО ГЕНЕРАЛЬНЫХ ПРОКУРАТУР ГОСУДАРСТВ-УЧАСТНИКОВ СНГ В БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ: ОПЫТ И ПРОБЛЕМЫ

Превращение коррупции в явление транснационального характера, угрожающее не только национальной, но и международной безопасности, определяет исключительно важное значение международного сотрудничества в сфере предупреждения коррупционных проявлений и борьбы с правонарушениями, связанными с коррупцией. Эффективное противодействие коррупции предполагает объединение усилий национальных правоохранительных органов в рамках общего правового механизма, базирующегося на общепризнанных принципах и нормах международного права.

В соответствии с Концепцией дальнейшего развития Содружества Независимых Государств от 5 октября 2007 года одним из приоритетных направлений деятельности Содружества является дальнейшая активизация усилий государств - участников СНГ в области борьбы с международным терроризмом и иными проявлениями экстремизма, организованной международной преступностью, в том числе с незаконным оборотом оружия, наркотических средств и психотропных веществ, в противодействии коррупции, легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, торговле людьми, преступлениям в сфере информационных технологий.

Вследствие схожести правовых систем, тесных политических, экономических, социальных и других связей государств-участников СНГ наиболее эффективной составляющей сотрудничества в борьбе с коррупцией является межведомственное взаимодействие. Такое взаимодействие осуществляется и прокуратурами стран Содружества.

Выработка согласованной стратегии и совместных мер борьбы с коррупцией, относимая Соглаше-

нием к числу приоритетных задач сотрудничества, предполагает использование универсальных дефиниций, позволяющих определить предмет межведомственного взаимодействия. При этом следует учитывать, что коррупция является скорее не правовым, а синтетическим социальным или криминологическим понятием, поэтому ее необходимо рассматривать не как конкретный состав преступления, а как совокупность родственных видов деяний.

Неслучайно поэтому в Соглашении сформулированы понятия коррупционного преступления и коррупционного правонарушения, выработаны критерии отнесения преступлений к категории коррупционных, а также приведен перечень деяний, относящих коррупционным.

В частности, ст. 4 Соглашения относит к числу коррупционных такие правонарушения как получение и дача взятки, злоупотребление властью или служебными полномочиями, служебный (должностной) подлог, а так хищение путем злоупотребления служебными полномочиями. Вместе с тем Соглашение допускает возможность признания коррупционными и иных преступлений, относимых к таковым национальным законодательствам при условии соответствия их определенным в Соглашении критериям коррупционного преступления. Согласно ст. 3 Соглашения неотъемлемым признаком коррупционного преступления является преступное использование своих должностных полномочий связанных с ними возможностей, совершения преступления лицом, определяемым в национальном законодательстве как должностное или другим лицом в форме подкупа, наличие у должностного лица корыстных побуждений или иной личной заинтересованности.

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ



мурий жарималар билан боғлиқ қарзларни ўз вақтида ундириш борасида таклифлар билдирилди.



Жорий йилнинг 19 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Адлия ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий фанлар ўқитиш тизимини такомиллаштириш" мавзусида республика илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва бу йўналишда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси, назарияни амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш муаммолари, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, юридик таълим тизимини модернизация қилиш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш йўналишлари, амалий касбий тайёргарликни ривожлантириш каби масалалар муҳокама қилинди.


Конференция якунида ҳуқуқий фанларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.




гини таъминлашга оид қонунлар ижроси борасида бартараф этишдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Гендер тенглик ва аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда мамлакатимизда хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритиш билан бир қаторда, бу борада келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар муҳокама этилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг гендер тенглик аниқланган ҳуқубузарликларнинг олдини олиш ва

## ЯНГИ КИТОБЛАР



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида "Гендер тенглик ва аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами чоп этилди. Тўплам 2014 йилнинг 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Гендер тенглик ва аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, гендер тенглиги, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларига оид мақолаларни ўз ичига олган. Тўпламда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ушбу йўналишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар акс эттирилган материаллардан иборат.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бўлим бошлиғи в.б. М.Палванов муаллифлигида "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг криминалогик тавсифи" мавзусидаги илмий-амалий қўлланма тайёрланди. (Тақризчилар: Қ.Р.Абдурасулова, Б.Х.Пўлатовлар). Тошкент 2014 йил, 40 бет.

Илмий-амалий қўлланмада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш тушунчаси ва унинг умумий тавсифи, шунингдек, тадқиқ этилаётган жиноятларни содир этадиган жиноятчи шахснинг криминалогик тавсифи, ушбу жиноятларнинг сабаблари ва уларни вужудга келтирувчи шарт-шароитлари ҳамда мазкур жиноятларнинг олдини олиш ва шу каби бошқа масалалар ёритилган.



«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар;
- мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: [axborotnoma@vuk.uz](mailto:axborotnoma@vuk.uz)

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языке;
- статьи нужно направлять по адресу: [axborotnoma@vuk.uz](mailto:axborotnoma@vuk.uz)



**Фарғона вилоят  
прокуратураси**



**СВОЖЖДЛҚК департаментнинг  
Фарғона вилоят бошқармаси**



**СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Марғилон шаҳар бўлими**



**Фарғона шаҳар прокуратураси**

